

15-94

Зиёвуддин ҚҰЗИЕВ

# «АВЕСТО»: ЗАМОН ВА МАКОН МУАММОСИ



86		2799
18-94	3	Күйнөев
"Авеста"	закази №2	
елашын	шы айыл сар	
1018 07		14,950=

Китоб шу ерда кўрсатилган муддатдан  
кечиктирилмаган ҳолда топширилиши шарт

Илгариги берилмалар миқдори \_\_\_\_\_

16/кит - 2150 - 200

11 - 01 - 111 - 215

Дб  
Б-94

**Зиёвуддин ҚҰЗИЕВ**

**«АВЕСТО»:  
ЗАМОН ВА МАКОН  
МУАММОСИ**

“Адабиёт учқунлари”  
Тошкент – 2018

**УЎК 811.211**  
**КБК 86.44**  
**Қ-94**

Раҳматли отам Микойил Қўзи ўғли ва раҳматли онам Қундуз  
Яхшилиқ қизининг ёркин хотираларига бағишилайман.

**Такризчилар:**

**Маматқул Жўраев,** ЎзР ФА Ўзбек тили ва адабиёти ва фольклор  
институти бўлим мудири, филология фанлари доктори, профессор.

**Шомирза Турдимов,** филология фанлари доктори, Ўзбекистон  
Республикаси Давлат мукофоти лауреати.

**Жаббор Эшонкул,** филология фанлари доктори.

**Қўзиев, Зиёвуддин**

«Авесто»: замон ва макон муаммоси. / Зиёвуддин Қўзиев. –  
Тошкент: “Адабиёт учқунлари”, 2018. – 124 б.

Муаллиф илгари Навоий вилояти, ҳозирда Самарқанд вилоя-  
тида ҳоким бўлиб ишлаётган Эркинжон Турдимовга китобни нашр  
қилишда ҳам моддий, ҳам маънавий кўмак бергани учун миннат-  
дорлик изҳор қиласи.

**УЎК 811.211**  
**КБК 86.44**

ISBN 978-9943-5286-2-8

© Зиёвуддин Қўзиев.  
© “Адабиёт учқунлари”, 2018

2799

Занимочта АКИ

## МУНДАРИЖА

Кириш .....	4
-------------	---

### I кисм

<b>1-боб.</b>	<b>Орийлар .....</b>	6
	Орийлар ирқи.....	6
	Орийлар: этноним масаласи.....	8
	Орийлар: этнос ва тил масаласи.....	11

<b>2-боб.</b>	<b>“Авесто” тарихи .....</b>	17
	Орийларнинг илк миграцияси.....	17
	Орийларнинг қайта миграцияси: .....	24
	1) Милоддан аввалги XV – XIV асрлар .....	39
	2) Милоддан аввалги X – VIII асрлар .....	42

<b>3-боб.</b>	<b>“Авесто”да мифик қатлам.....</b>	44
	Қаюмарс .....	44
	Афросиёб.....	60
	Захҳок .....	70

### II кисм

<b>4- боб.</b>	<b>Зардушт – пайғамбар, янги дин асосчиси .....</b>	80
	1) Зардушт – пайғамбар, янги дин асосчиси .....	80
	2) Зардуштнинг таржимаи ҳолига оид.....	97
	3) Зардуштнинг ҳомийиси қим бўлган?.....	106
	4) “Авесто” ва Зардушт .....	110
	5) Зардушт космогоникаси .....	116

Хуласа.....	118
-------------	-----

## КИРИШ

Ўрта Осиёда археологик тадқиқотларнинг Европага нисбатан кам ўтказилиши, натижада Осиё маданиятининг умумий тавсифномасини ёзиш, унинг Европа синхроник маданияти билан чоғишириш имконини бермай келар эди. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ҳар жабҳада, жумладан, тарих фани соҳасида ҳам оламшумул ютуқлар қўлга киритила бошлади.

“Авесто” тўғрисида биринчи президентимиз И.Каримов шундай ёзади: “Энг мўътабар, қадимий қўлёzmамиз “Авесто” яратилгангига 3000 йил бўляпти. Бу нодир китоб бундан XXX аср муқаддам икки дарё оралиғида, мана шу заминда умргузаронлик қилган аждодларимизнинг биз авлодларга қолдирган маънавий, тарихий меросидир. “Авесто” айни замонда бу қадим ўлкада буюк давлат, буюк маънавият, буюк маданият бўлганидан гувоҳлик берувчи тарихий ҳужжатдирки, уни ҳеч ким инкор этолмайди”<sup>1</sup>.

Таниқли олим, тарих фанлари доктори М.Исоқов даврий матбуотдаги чиқишлиаридан бирида ўринли мулоҳазаларни ўртага ташлайди: “Сўнгги йилларда мамлакатимизда “Авесто”га бағищланган илмий-оммабоп мақолалар, рисолалар чоп этилди. Аммо бу қўлёzmани чуқур таҳлил этган йирик фундаментал тадқиқотлар ҳали яратилган эмас. Очигини айтганда, шу вақтгacha “Авесто” ҳақида мақола чоп эттирган муаллифлар илмий адабиётда маълум бўлган гапларни умумлаштиришдан нарига ўтломаяптилар”<sup>2</sup>.

Дарҳақиқат, “Авесто” мифологияси семантикаси муаммоларига бағищланган маҳсус тадқиқотлар килинган бўлса ҳам ҳали етарли эмас. Бунга сабаб, биринчидан, мифлардаги архаик қатлам семантикасини очиб беришдаги қийинчиликлар бўлса, иккинчидан, уларни ҳар томонгама ўрганиш, барча аспектларни қамраб олиш ва таҳлил килишнинг амалий имкониятларини йўқлигидир. Шунинг учун ҳам уларни тадқиқ қилиш на семантик, на синтактик ва на-да прагматик аспектда олиб борилган.

Натижада, “Авесто”даги мифик қатлам англаб бўлмайдиган ҳолатта, мифологик кучлар ёпиқ образларга айланиб қолган. Бу чин образлар сирасига Жамшид, Захҳок, Афросиёб ва Фаридун сингари тимсоллар киради.

Мифлар эски жамият тарихининг узоқ даврларида пайдо бўлиб, минг йиллар давомида оғиздан-оғизга ўтиб, халқ хотирастида, оғзаки ижодида яшаб келган; улар бутунисича изсиз нўқолиб кетмаган; тўғри, уларга замон эврилишлари ўз “тамғаси”ни бостган, маҳаллий хусусиятларга эга бўлиб борган. Машхур ғендер олим Э.Б.Тэйлор бу борада ҳақ: “Ҳар қанча тақиқ ва үнтишларга қарамасдан, миф ўзининг илк келиб чиқиши мазмунини жуда секинлик билан йўқотади”.

“Авесто” мифологиясидаги аксарият тимсоллар тарихий шахслардир. Бунга Фаридун, Афросиёб, Захҳок кабилар киради. Бундай ғоявий-полифоник манзара аксарият ҳолатда Эрон ва Гурон тарихий-маданий генезисининг ўзига хос хусусиятлари билан изоҳланади.

“Авесто”даги эпик ҳикоялар ядроси, чамаси, мил. ав. VIII-VII асрларга тегишилидир. Уларда скиф-сак, массагет қабила-тарининг, шунингдек, уларнинг мидиялик, оссуриялик, вавионийлик рақиблари билан бўлган сон-саноқсиз жанг жадаллар ҳакида ҳикоя қиласи. Буни шундан ҳам билса бўладики, “Авесто”даги Эрон подшоҳлари хронологиясини кўпинча ўша даврнинг бошқа ёзма ва оғзаки манбалар орқали ҳам аниқлаш мумкин бўлади.

Орийларнинг келиб чиқиши, этномоним ва тил масалалари, фанда муаммога айланган “Арионам Вайжо” ҳудуди, муқаддас Ҳара тоғи тўғрисида, Зардуштнинг ҳаёти ва дини, зардуштийтиқ космогоникаси бўйича қизиқарли фактлар, шунингдек, Ўрта Осиё, жумладан, юртимиз тарихига оид чизгилар ҳам берилган.

Буларнинг ҳаммаси, тарихий жараёнларнинг қонунияти ва үнита хослигини янада теранроқ тушуниб олишга қўмаклашади.

## АДАБИЁТЛАР:

1. Ислом Каримов, Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., 1998, 10-б.
2. Исоқов М., Тарихий жараён ва холислик мезони// “Тафаккур” журнали, 1999, 1-сон.

## I ҚИСМ

### 1-БОБ. ОРИЙЛАР

#### **Орийлар ирқи**

Орийлар европеоид ирқига тааллуқли халқлар бўлганини далилловчи муҳим бир фактни аввалдан келтириб ўтмоқчимиз: Кавказ ва Ўрта Осиё халқлари кишилик тарихининг жуда ҳам қадимги даврларидан бошлаб, европеоид ирқига мансуб бўлган<sup>1</sup>.

Енисей дарёси бўйларидағи қабилаларига мансуб бўлган ва мил. ав. III минг йиллик бошларига тааллуқли қабрлар очиб кўрилиб, бир қатор антропологик тадқиқотлар олиб борилганда, улар европеоид ирқига тегишли экани аниқланган<sup>2,3</sup>.

Бу халқларнинг мил. ав. III минг йиллиқда шарқقا – Мўғулистонгача кириб боргани тарихи яхши ўрганилган. Мазкур халқларнинг физик типи, шубҳасиз, европеоид бўлган<sup>4</sup>.

Антропологик материаллар ҳам Ўрта Осиёда неолит даврида қадимги европеоид ирқининг икки тури (шимолий ва жанубий) мавжуд бўлганидан далолат беради<sup>5</sup>.

Жуда кўпчилик маълумотлар орий қабилалари ўз ирқий хусусиятларини мил. ав. III-II минг йилликларда ҳам тўлиқ сақлаб қолганини кўрсатади. Таниқли рус тадқиқотчи олимаси Э. Б. Вадецкаянинг фикрича, орий халқлари Енисей чўллари ва Тоғли Олтойга келганида, уларнинг қўшнилари монголоид аҳоли бўлган. Улар атроф-муҳитдан яккаланган ҳолда, маҳаллий аҳоли билан аралашмаган ҳолда яшаганлар ва шунинг учун ҳам ўз европеоид ирқий жиҳатларини соғ ҳолда сақлаб қолганлар<sup>6</sup>.

Орийларнинг Ҳиндистонга кириб борган қабилалари мисолида ирқий масала ҳам яхши ўрганилган. Улар узун бўйли, аксарият ҳолларда чўзиқ бош, ёруғ юз, қирра бурунли европеоид ирқига мансуб аҳоли бўлган<sup>7</sup>.

Жанубий Оролбўйининг қадимий неолит даври аҳолиси (Калтаминор маданияти) европеоид бўлиб, маҳаллий ирқ белгиларининг ўзида мужассамлаштирган, яъни долихо-кефал бош чаноқлидир<sup>8</sup>.

### АДАБИЁТЛАР:

1. Першиц А. И., Монгайт А. Л., Алексеев В. П., История первобытного общества, М., 1982, стр.81.
2. Мартынов А. И., Археология СССР. М., 1973, стр. 109.
3. Вадецкая Э. Б., О древних курганах. Новосибирск, 1981, стр. 51-59.
4. Васильевский Р. С., Волков В. В., Некоторые итоги работ советско-монгольской экспедиции. – В кн.: Древние культуры Монголии. Новосибирск, 1985, стр. 9.
5. Аскаров А.А., Буряков Ю.Ф., Ходжаев Т.Х., Новые археологические и антропологические материалы к этнической истории народов Средней Азии и Казахстана. В кн.: Проблемы этногенеза и этнической истории народов Средней Азии и Казахстана. 1970, стр. 54.
6. Вадецкая Э. Б., Сказы о древних курганах. Новосибирск, 1981, стр. 59.
7. Бэшем А., Чудо, которым было Индия, М., 1977, стр. 31 – 37.
8. Аскаров А. Ўзбек халқининг этногенеди ва этник тарихи. Т., 2007, 217-бет.

## Орийлар: этноним масаласи

Мазкур муаммо анчадан бери бутун дунё олимларининг диққат марказида бўлиб келмоқда. Айни пайтда масаланинг айрим мутахассислар ўртасида тортишувларни ҳам келтириб чиқарди. Этнонимнинг функционал жиҳати ва лексик-семантик хусусиятлари тўғрисида баҳслар юзага келди. Баъзи олимлар сўзнинг лексик жиҳатига ижтимоий маъно сингдиришга уриндилар.

“Ригведа”да Хинд водийсига бостириб борган қабилалар ўзларини “орийлар” деб атагани ёзиб қолдирилган<sup>1</sup>. Машхур инглиз хиндунос олими А. Бэшем ҳам буни тасдиқлайди: “Хинди斯顿га бостириб кирган халқлар ўзларини “агуа” деб атаганлар, буни биз бугунги кунда “орий” ёки “орийлар” деб талаффуз қиласиз”<sup>2</sup>.

Жуда қўпчилик адабиётларда “орий” атамасига “яҳши ниятли”, “хурматли”<sup>3</sup>; “эзгу ниятли одам”, “келиб чикиши эзгуликка йўғрилган”; “эркин, озод, бир жойда узоқ туриб қола олмайдиган, бир жойга боғланниб колмаган кўчманчи халқ”<sup>4</sup> маъносини беришади.

Юқоридаги сингари мисолларни яна ўнлаб намуналарни келтириш мумкин. Лекин улар “орийлар” атамаси этиологиясини ойдинлаштириб бера олмайди.

Қадимги қабилалар тарихи ўзлари яшаб ўтган атроф-муҳит билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда, йирик дарёлар, кўллар ва бошқа сув ҳавзалари қадимги ахолининг таркиби, тили, яшаш ҳудудлари, миграциялар ва ҳк. хақида ҳикоя қиласиди. Муҳими шундаки, аҳоли турар жойларига нисбатан гидронимлар анча яшовчан бўлади. Аслида ҳам жуда кўплаб сув ҳавзалари бевосита этнонимлар билан боғлангандир. Шунинг учун ҳам икки кўринишдаги номлар – гидронимлар ва этнонимлар – этногенетик тадқиқотлар учун катта имкониятлар эшигини очиб беради.

Птоломейнинг фикрича, Йаксартнинг (Сирдарё) куйи оқимида, унинг Окс (Амударё) томонидаги чап “қирғоғида “арияк” деб аталадиган қабилалар яшаган; “орийлар” атамаси ана шундан келиб чиққан. “Ариак” этноними этиологияси туркийча “арийак” (нарийак), яъни “дарёнинг нариги тарафида”, демак, “арийак” топоними “дарёнинг нариги тарафида яшовчилар” маъносини беради<sup>5</sup>.

Ушбу маълумотларнинг ишончлилиги шундаки, ҳозирги пайтда ҳам Хоразм вилоятидаги чап қирғоқ ўзбекларини Хо-

разм ва Қорақалпогистоннинг ўнг қирғоқ ўзбеклари арийаклар, арийақдагилар ёки арийанчилар, яъни “дарёning нариги томонида яшовчилар” деб аташади<sup>8</sup>.

Бу хил мисолларни дунёning бошқа томонларидағи қабила-лар этномимлари тарихида ҳам кўришимиз мумкин. Масалан, “Еврей” атамасининг этимологияси “дарёning нариги томонида яшовчилар” маъносини беради. Буни патриарх Абрамнинг Фаластиңга Евфрат дарёси ортидан келганлиги воқелиги тасдиқлайди. Мил. ав. XII-XI асрларда эски жамият тартиблари сақланиб қолган эди<sup>9</sup>.

Ёки бўлмаса, ободритлар қабиласининг номи “Одер дарёси бўйлаб яшайдиганлар” маъносини беради. Кельтлар, иллирий-лар, фракийлар этномимларидаги параллелликлар ҳам бунинг исботидир: Ambisontes – “Изонт дарёсининг икки соҳилида яшовчи қабила”, Narensioi – “Нарон дарёси бўйида яшовчилар”, Ambarri – “Арап дарёсининг иккала қирғоғида яшовчи қабила”<sup>10</sup>.

Яна бир мисол: “Голландия” сўзи “ботқоқлик” маъносини беради. Сабаби, ушбу давлат худудининг катта қисми ботқоқлик-лардан иборат бўлган<sup>11</sup>.

Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтиш лозимки, қадимда қаби-лалар номларига юқорида кўриб чиққанимиз каби ижтимоий-лашган мазмун ва сифатларни бериш мумкин эмас эди. Негаки, табиат, атроф-олам факат дунё ёки муайян географик объект то-монлари орқали ориентация қилинган. Бунга ҳам қатор мисолларни келтириб ўтишимиз мумкин.

Декан ярим ороли қадимги хинд тилида Дакшина – “жануб” дейилган<sup>12</sup>. Ёки бўлмаса, Ассирия тарихида Каспий “қуёш чиқа-диган томондаги денгиз” деб аталган<sup>13</sup>. Хуросон-форсча “кун чиқиш”, “шарқ” сўзларидан олинган<sup>14</sup>.

Хулоса қилиб айтганда, сўзниң тарихий тузилмаси нариги ёқ- нариёқ – арийак – ария кўринишида бўлган. Бу ясама сўз-тарнинг сўз ясалиши структураси ҳамда бир тилга хос сўз ясаш воситалари тизимининг тарихан ўзгарувчанлиги билан изоҳла-нади. Юқоридаги ҳолатда сўз шаклларининг торайиши кузати-лади. Бу жараён талаффузни максимал даражада осонлаштира-ди. Бунда бир бўғин ёки бўғинлардан унли ва ундош товушлар гунириб талаффуз қилинади. Бундай ҳолат ўзбек шеваларида жуда кўп учрайди: хоразмча талаффуз бу атамани яна-да шакл-танишиига, сиқиқроқ ва ёқимлироқ бўлишига хизмат қилган.

“Орий” атамасининг этноним тарзида қабул қилингунicha ўтган даврларда турлича ижтимоий маъно касб этгани ҳам бор гап. Чунончи, “орий” атамаси ведалар даврида “келгинди”, “бегона” маъноси билан боғланган<sup>15</sup>. Академик А.Асқаровнинг айтишича, ўша давр бошқарув тизимининг тепасида турган коҳинлардан кейинги мулк эгалари – жангчи аскарлар – орийлар деб аталган<sup>16</sup>. Сўнгги веда матнларининг охирларида ҳам (мил. ав. VII аср) “орий” атамаси учрайди ва у орқали вайшалар (аҳолининг асосий қисми – меҳнаткаш халқ – дәхқонлар) назарда тутилган. Хуллас, ўша даврда орийлар деб веда культи меъёрларини қўллаб-қувватловчи ва унга хос ҳаёт тарзи олиб борадиган, ўзининг шахсий уйи ва хўжалиги бор барчага нисбатан айтилган<sup>17</sup>.

### АДАБИЁТЛАР:

1. Кондратов А.М., Шеворошкин В.В., Когда молчат письмена, М., 1979, стр. 141.
2. Бэшем А., Чудо, которым была Индия. М., 1977, стр. 36.
3. Рагозина З. А. История Ассирии, М., 1988, стр. 286.
4. Антонова К. А., Бонград-Левин Г. М., Котовский Г. Г., История Индии. М., 1973, стр. 27.
5. ЎзСЭ, 8-том, 280-бет.
6. Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. Т., 2007, 205-бет.
7. Камолиддин Ш. С., Древнетюркская топонимия Средней Азии. Т., 2006, стр. 89.
8. Ахмедов А. А. Сведения о тюркских народах в трудах Хорезми// ОНУ, 1987, №3, стр. 58-62.
9. История Древнего Востока. М., 1988, стр. 216.
10. Агеева Р. А., Происхождение имен рек и озер., М., 1985, стр. 70.
11. “Мърифат” газетаси, 2010 йил, 13 январ, 12-бет
12. История Востока, I, Восток в древности. М., 2002, стр. 389.
13. Юқоридаги асар, 233-бет.
14. ЎзСЭ, 12-том, 405-бет.
15. Антонова К. А., Бонград-Левин Г. М., Котовский Г. Г. История Индии. М., 1973, стр. 27.
16. Асқаров А., Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. Т., 2007, 126-бет.
17. История Востока, I, Восток в древности. М., 2002, стр. 404-405.

## Орийлар: этнос ва тил масаласи

Туркий тиллар ҳақида гап кетганды, олимлар Олтой туркий халқларнинг илк ватани дея эътироф этишади. Бу фикрлар унчалик ҳам тўғри эмас. Негаки, Олтой туркий халқлар учун иккиламчи локал макондир. Маълумки, Сибирь кенгликлари тарихнинг узоқ муддатли даври давомида музликлар исканжасида сақланиб келган. У ерга одамлар қуи палеолит, мустъе, асосан, сўнгги палеолит ва ундан кейинги даврларда Ўрта Осиёдан кўчиб ўта бошлаганлар. ”Ўрта Осиёни, – деб ёзди ажойиб рус тарихчи олимаси З. А. Рагозина, – инсониятнинг бешиги деб ҳисобласак, унда бу текисликлар (Ўрта Рус текислиги – З. К.) ҳозирги Европа учун ана шундай аҳамият касб этади”<sup>1</sup>. Жуда ҳам қадимги замонларда бу ерларга ўрнашиб олган аҳоли илк сафарларини худди шу ердан бошлаган.

Ўрта осиёликларнинг Сибирь кенгликларига кириб борганларида шаклланган муомала воситаси – тили бор эди. Ангара дарёси қирғоқларидағи топилдиқлар ёши 24-50 минг йил атрофидан белгиланган<sup>2</sup>. Бу ерда одамлар қурол, турмуш воситаларини ясаш билан бирга санъат, астрономик кузатишлар, дунёқарашни ўстириш, болалар тарбияси, бир сўз билан айтганда, ҳаёт, турмуш тажрибаларини тўплаш билан шуғулланган. Таниқли археолог В.Е.Ларичевнинг айтишича, бундан 18 минг йил олдин Сибирдаги овчилар мамонтларни овлашда математика, геометрия ва астрономиянинг кенг билимларидан унумли фойдаланганлар<sup>3</sup>. Шу нарсани ишонч билан айтиш керакки, ўша давр одамларида ахборотларни тўплаш ва авлоддан-авлодга етказиш гизими етарлича ривожланган.

Сибирликларда оловга топиниш жуда эрта – ибтидоий даврлардан бошланган. Олтойликлар уй ўчофини жуда қадрлаган. Оловга қурбонликлар қилиб, тиловат қилинган. Олов аёл обрашда От-ЭНЭ (Ўт-Она) дейилган<sup>4</sup>.

Юқорида таъкидланганидек, шумерлар, хетлар, орийлар, гиксослар, хурритлар ва бошқа халқлар қадим замонларда Ўрта Осиёдан ўз миграцион кўчишларини ўша жойдан бошлаганлар. Мил. ав. V минг йилликнинг охирги учинчи чораги – мил. ав. IV минг йилликнинг биринчи ярмида Эл-Убайдда катта маданий гаттам топилган. Жуда кўпчилик олимлар буни шумерликларнинг аждодлари деб ҳисоблайди. Ҳақиқатан ҳам, шумерлар маънанияти, уларнинг адабиёти ва имлюси бизга бегона эмас<sup>5</sup>.

Бугунги туркий тилларда қадимги тил қобигининг Ўрта Осиё ва Кавказ учун умумий бўлган ва ибтидоий жамоа тузими даврига тааллуқли сон-саноқсиз излари яхши сақланиб қолган. Улар, биринчи навбатда, тилнинг асосий луғат бойлигига кирувчи ва дунёнинг бирорта тилида мавжуд бўлмаган атамаларга тааллуқлидир (масалан, инсон танаси аъзоларининг номлари)<sup>6</sup>.

Туркий тилнинг улкан салоҳияти ҳам шундаки, мазкур тилда гаплашадиган халқлар ўзлари яшайдиган ва миграция қилган жойлардаги барча йирик обьектлар: тоғлар, дарёлар, кўуллар, ўтлоқлар, яшаш жойлари, генеологик халқ номларини дунёда биринчи бўлиб, бошқа атама билан алмаштириб бўлмайдиган даражада аниқ ном билан атадилар. Бунга Турон пасттекислиги, Сибирь, Енисей, Иртиш, Байкал, Балхаш, Тангритоғ (Тяншань), Олтой, Помир, Кавказ, Болқон, Коратов, Оқтов, Сариқтов (Саратов), Аму, Амур, Орол, Кара денгизи (Қор денгизи) каби минглаб атамаларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Россиянинг Европа қисми (булғор, хазар, чуваш), Сибирь (ёкүт) ва Узоқ Шарқдаги бир қатор туркий тилларда бир вақтлари Ўрта Осиёнинг жанубида яшаган аҳолининг тил элементлари излари ҳалигача сақланиб келмоқда<sup>7</sup>.

Сўз узоқ яшаш хусусиятига эга. Бунинг далили сифатида М.Кошфарий XI асрда ёзиб олган, аслида ундан ҳам минглаб йиллар олдин яратилган мақоллар ва қўшиқларнинг ҳозир ҳам халқ ижодида мавжудлигини эслатиб ўтиш кифоя.

Айтиш керакки, хоҳлаган географик атама нафақат манбаларда қайд этилган пайтдан, балки ундан юзлаб, минглаб йиллар олдин оғзаки нутқда пайдо бўлган бўлиши мумкин. Бундан ташқари, қадимги топонимларнинг ҳаммаси ҳам ёзма манбаларда қайд этилмаган<sup>8</sup>.

Қадимда ҳайвонлар ва табиатнинг ҳар хил ҳодисалари мифда одамлар каби иштирок этади. Англиянинг кичикроқ шаҳарчасига аждодларимиз – орийлар Оксфорд деб ном беришади. Окс – хўқиз дегани. Шундай қилиб, Англиянинг қадимги университет шаҳарчаси, мамлакатдаги энг йирик маданият маркази, таржимада “Хўқиз кечиб ўтадиган жой” маъносида номланган<sup>9</sup>.

Тарихий тилшунослик ва археологик тадқиқотларга кўра, орийлар келиб чиқиши жиҳатидан эроний тил соҳиблари бўлмай, балки туркийда сўзлашганлар. Буни қадимги Хитой кичик подшоликлари “Ши”ларнинг йилномалари таҳлили ҳам тасдиқлайди<sup>10</sup>.

Бундан ташқари, мил. ав. II минг йилликда Фарбий Сибирнинг жанубида яшаган Андропов маданияти (Ачинск яқинидаги Андропов қишлоғи шарафига ана шундай аталган) аҳолиси, мил. ав. III минг йилликка оид Афанасьев маданияти (Афанасьев тоги шарафига номланган) аҳолиси, мил. ав. XVII асрларда Жанубий Сибирда яшаган Карасук маданияти (Карасук номи Хакасиядаги Қорасув дарёчаси номидан олинган) аҳолиси ва бошқа элатлар ҳам туркийда сўзлашган<sup>11</sup>. С.П.Толстов “Қадимги Хоразм маданиятини излаб” (1949) китобида шумер тилидаги “дингир”, “ой”, “дағ”, “дош”, “гуч”, “гун” каби кўплаб сўзлар туркий тилдаги “тандри”, “ой”, “тоғ”, “тош”, “уч”, “үн” сўзларига айнан мос келишини таъкидлаган эди. Қозоқ шоири Ў. Сулаймонов ҳам “Аз и Я” китобида 400 га яқин шундай сўзларни келтиради<sup>12</sup>.

Рус тарихчиси З.А.Рагозина “История Ассирии” китобида шундай ёзади: “Бир вақтлар Ассирия империяси чегараларида қандайдир бошқача кийинган, бошқа тилда гаплашадиган одамлар пайдо бўлади. “Сизлар кимсизлар? – оссурий коровуллари улардан сўрашади. Улар ҳеч нарсани тушунмайди. Уларни Ниевияга, подшоҳ ҳузурига элтишади. Тилини бу ерда ҳам ҳеч ким тушунмайди. Кейинчалик маълум бўлишича, улар Гигнинг (Афросиёб – З. К.) элчилари экан<sup>13</sup>.

Бундан кўринадики, Афросиёб қўшинлари ҳам туркий тилда сўзлашишган. Машхур форс-тожик шоири Абулқосим Фирдавсий ҳам буни тан олиб ёзганди:

Афросиёб келмиш, аскари юз минг,  
Турклардан танланган лашкари юз минг<sup>14</sup>.

Татар ёзувчиси ва олим Нурихон Фаттоҳ “Йироқ асрлар овози” номли улкан тадқиқотида сак-скиф, массагет ва бошқа ўнлаб қадимий қабилалар туркий тилда гаплашганини исботлаб берди<sup>15</sup>.

Шундай қилиб, археология, этнография, тилшунослик ва бошқа фанларнинг бугунги ривожланган даврида орийлар, уларнинг қонуний ворислари – сак-скиф халқарининг қайси этник групхага мансублиги тўғрисидаги масаланинг ўртага қўйилиши мантиқсизликдир.

Форс тили ҳақида икки оғиз сўз.

Унинг пайдо бўлиши мутлақ кечки даврларга тўғри келади. Буюк олим А. Р. Беруний шундай ёзади: “Зикр қилинганинг (сохта пайғамбарлар) аввалгиси Будасафдир. У Тахмурас под-

шоҳлигидан бир йил ўтганда Ҳиндистон заминида юзага чиқди ва ўзи билан форс тилида (битилган) китоб олиб келди”<sup>16</sup>.

Бу тил мил. ав. II минг йилликнинг бошларида Болтиқ денгизи ва Ўрта Осиё ўртасидаги худудларда пайдо бўлган<sup>17</sup>. Қаралаётган даврда Россиянинг жанубий чўлларида истиқомат қилган қабилалар ана шу тилда сўзлашган. Қадимги санскрит шакли – “Ригведа” тилидир. Классик санскрит, маълумки, ҳеч қачон халқ тили бўлмаган. Унда давлат ва ибодатхонанинг расмий тили сифатида юқори синф вакиллари гаплашган ва ўқиган, қўйи табақа вакиллари уни маълум маънода тушунган<sup>18</sup>.

Форс тилининг юзага чиқиши, тўғрироғи, мил. ав. XII-XI асрларга тўғри келади. Мазкур даврда синфий жамият юзага келади, жамият иерархияси – аъёнлар синфи ажrala боради. Орийлар ҳамма вақт бошқа ирқлардан, бошқа гурухлардан ажralib турган, шунинг учун ҳам улар ўзларини маҳаллий халқдан устун – зодагонларча туттганлар. Фарқ икки жаҳатдан кўринган: тил ва дин бўйича<sup>19</sup>.

Шу ўринда яна бир жиҳатга эътиборни қаратишга тўғри келади: форс тили фақат зодагонлар аҳли доирасидагина амалда бўлиб келган. Олтойдан тортиб Мўгулистонгача, Ўролдан тортиб Шарқий ва Farbий Европагача бўлган ҳад-ҳудудсиз кенгликларда яшаган аҳолининг ёппасига “форслаштириш” мутлақо ярамайди.

Демак, форс тилининг тарқалиш ареали жуда катта эмас. Форс тили Европанинг ҳинд-европа тиллари, хусусан, герман ва славян тиллари билан яқин алоқада бўлган. Айниқса, германларнинг ота-боболари ҳам шу ҳудудларга яқин яшар эдилар. Чатишув жараёнида сеперстрат ҳодисаси рўй берган. Буни ўз вақтида машҳур рус мунаққиди Н. Г. Чернишевский ҳам қайд қилган эди: “Немис тили билан форс тили бир-бирига шунчалик яқинки, уларни, ҳатто бир тилнинг икки лаҳжаси деб атаса бўлади”<sup>20</sup>.

Элам чегараларида мил. ав. IX аср охиirlарида форс қабилаларининг ёйилиши кузатилади. Мил. ав. VIII асрдан бошлаб Эрон этник ва тил элементлари кўпая боради. Кейинчалик Эрон тил ва маданиятининг тарқалишида Мидия ва Аҳамонийлар империяси катта роль ўйнайди.

Айтиш керакки, форс тилини Эронга орийлар олиб борган. “Форсий (форс), – деб ёзади Абу Абдулоҳ ал-Хоразмий, – ма-

жусий қозилари ва уларнинг яқинлари гаплашадиган тил. Бу тил Форс вилоятида (тарқалган эди)<sup>21</sup>. Форслар жойлашган худуд Форс вилояти деб аталган. Мил. ав. IX – VIII асрларда эронтили бўлмаган аҳоли кўпчиликни ташкил этар эди<sup>22</sup>. Форс тили Сосонийлар даврида (226 – 651 йиллар) кўплаб Эрон вилоятлари – Мидия, Парфия – Хурасон ва бошқа жойларга тарқалган эди. Унгача на Арейа, на Марғиёна ва на-да Дрангианада бу тил муоммалада бўлган<sup>23</sup>.

Эроншунос олим И. М. Дьяконов “Эрон маданиятининг асоси Шарқда яратилди. Бухоро (Х аср) ўрта аср маданиятининг дастлабки маркази эканлиги, у ерда яратилган адабиёт ҳозирги замон форс адабий тили асосини ташкил этшини эслашнинг ўзи фикримизнинг исботидир”, дейди<sup>24</sup>.

“Бутун Мовароуннахр, Янкаддан Шарққача бўлган ўлкаларни турк шаҳарларидан деб ҳисоблашнинг асоси шулки, – деб ёзди М. Кошгарий, – Самарқанд – Семизканд, Шош – Тошканд, Ўзканд, Тунканд номларининг ҳаммаси туркчадир. “Қанд” туркча шаҳар демакдир. Улар (турклар) шу шаҳарларни қурдилар ва шундай ном қўйдилар. Ҳозиргача ҳам шундай бўлиб келмоқда. Бу ерларда форслар кўпайгандан сўнг улар Ажам шаҳарлари каби бўлган<sup>25</sup>.

Орийларнинг авлодлари ҳисобланмиш скифлар Шимолий Кораденгиз чўлларидан Кавказга кириб келишда, йўл-йўлакай осетинларни ҳам “форслаштириш”га улгуради. “Осетинлар ҳакида гап кетар экан, – дейди М. Г. Абдушлишили, – биринчи наинбатда, уларнинг ривожланган нарт эпоси тўғрисида гапиргим келади. Бу мен учун ташқаридан эмас, маҳаллий сюжет асосида юзага келганини асословчи факт бўлиб хизмат қиласди. Фақат юз ишлар давомида улар ўз тилларини ўзгартирганлар”<sup>26</sup>

Хуллас, орий халқлари туркий этносга тааллуқли бўлган.

### АДАБИЁТЛАР:

1. Рагозина З. А., История Ассирии, М., 1998, стр. 293.
2. Дроздов Н. И., Лаухин С. А., Палеолитическое местонахождение в устье р. Кова (среднее течение Ангара). – В кн.: Древние культуры Сибири и Гипоокеанского бассейна. Новосибирск, 1979, стр. 38.
3. Ларичев В. Е., Пещерные чародеи. Новосибирск, 1980, стр. 29-35.
4. Токарев С. А., Ранние формы религии. М., 1990, стр. 249.
5. Айтматов Ч., Шохонов М. Чўққида қолган овчининг оҳи-зори, Т., 1998, 290-бет.

6. Толстова Л.Х., Отголоски ранних этапов этногенеза народов Средней Азии в ее исторической ономастике // Ономастика Средней Азии. М., 1978, стр. 8-9.
7. Камолиддин Ш.С., Древнетюркская топонимия Средней Азии, Т., 2006, стр. 6.
8. Кўрсатилган асар, 25-бет.
9. Агеева Р. А., Происхождение имен рек и озер, М., 1985, стр. 6.
10. Аскаров А.Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. Т., 2007, 211-бет.
11. Мартынов А.И., Археология СССР, М., 1973, стр. 110-112.
12. „Жаҳон адабиёти” журнали, 1999 йил, 1-сон, 31-бет.
13. Рагозина З. А., История Ассирии. М., 1998, стр. 309.
14. Фирдавсий. “Шоҳнома”, 1-қитоб. Т., 1975, 532-бет.
15. „Жаҳон адабиёти” журнали, 1999 йил, 1-сон, 31-бет.
16. Беруний А.Р., Танланган асарлар, I т., 1968, 233-бет.
17. Першиц А., Монгайт А., Алексеев В.П., История первобытного общества, М., 1982, стр. 206.
18. Бэшем А., Чудо, которым было Индия, М., 1977, стр. 421.
19. Кўрсатилган асар, 286-бет.
20. Чернишевский Н.Г., Танланган педагогик асарлар. Т., 1989, 256-бет.
21. Баҳодиров Р., Абдуллоҳ ал-Хоразмий ва илмлар таснифи тарихидан, Т., 1995, 89-бет.
22. История Древнего Востока, М., 1988, стр. 256.
23. История Востока, I, Восток в древности. М., 2002, стр. 279.
24. Дьяконов И.М., Очерк истории древнего Ирана. М., 1961, стр. 6.
25. Кошғарий М., Девони луготит-турк. 3-жилд. Т., 1963, 163-164-бетлар.
26. Абдушелишвили М.Г., Антропология древнего и современного населения Грузии, Тбилиси, 1969.

## 2-БОБ. “АВЕСТО” ТАРИХИ

### Орийларнинг илк миграцияси

Ўрта Осиё икки дарё оралиги – Амударё ва Сирдарёнинг қуи оқимлари, айниқса, Жанубий Кизилкум ва Шимолий Қорақум ўртасидаги ерларда қадимдан овчилар, балиқчилар ва илк дәхқончилик билан шуғулланган неолит қабилалари истиқомат қилган. Қадимги Хоразмдаги Калтаминоң маданияти жамоаси ана шулардан биридир. Бошқа ёдгорликларда маданий қатлам сақланмаган, уларнинг кўпчилиги кум остида қолиб кетган<sup>1</sup>.

Тарихи яхши ўрганилган Калтаминоң маданияти мил. ав. IV минг йилликнинг охири – III минг йилликнинг бошларига тўғри келади<sup>2</sup>. Аслида эса бу маданиятнинг ибтидоси А. Виноградовнинг айтишича, мил. ав. VI-VII минг йилликларга бориб тақалади<sup>3</sup>.

Мил. ав. IV-III минг йилликларда дунёдаги энг катта миграцион тўлқин худди шу ердан бошланган. Бу жараён оммавий кўчишларнинг биринчиси эмас эди: олдин ҳам шу ҳодиса рўй берган, кейин ҳам. Археолог С.П. Толстов бежиз Оролбўйини, “Ўрта Осиёдаги этногенетик жараённинг энг муҳим тугуни”, деб атамаган эди<sup>4</sup>.

С.П. Толстов қадимги Хоразм тупроғида қазув ишларини олиб борар экан, жуда кўп қизиқарли маълумотларни тўплади, натижада у яна бир марта, “Ўрта Осиё ва унинг қадимги цивилизацияси Эски дунёнинг энг қийин ва баҳсли масаласи – Ҳинд-Европа хақлари этногенезиси муаммосини ҳал қилишда ёрдам беради”, деган муҳим холосага келди<sup>5</sup>.

Неолит ва энеолит даврларида миграциялар тўғрисидали масалани маҳсус ўрганган олим Н.Я. Мерпертнинг ҳисоблашнича, аҳоли сони ошиб кетишига ишлаб чиқариш кучларининг чеклангани бош сабаб бўлган. Миграция ҳам иқтисодий, ҳам иктиомий омиллар билан боғлиқдир<sup>6</sup>.

Иккинчи сабаб – ўша ҳудуддаги қурғоқчилик масаласини ҳам кўрсатиб ўтиш керак бўлади. Кейинги йилларда Кизилкум батрида мингга яқин аҳоли яшаган жойлар қазиб ўрганилди. Бушинг натижалари неолит даврида одамлар доимо сув манбалари атрофларида яшаганидан далолат беради. Ер ости сувлари сатҳи оғаннид, кўллар сони кўп бўлган (масалан, ҳозирда туз кўлига айланган Лавлакан ўша пайтларда тўлиб-тошган<sup>7</sup>).

Археолог А.В.Виноградов ва географ Э.Д.Мамедовларнинг кўрсатишича, мил. ав. VII-III минг йилликларда чўллашиш зонаси жануб томон 700-1000 км силжиган. Ҳозирги чўл ҳудудларининг аксарияти ўша пайларда чўл ёки ярим чўл ҳолатида эди<sup>8</sup>.

Қаралайтган даврда Ер юзининг катта қисмида, шу жумладан, Ўрта Осиё ва Қозогистонда иқлим қуруқ кескин континентал бўлиб қолган<sup>9</sup>.

Милоддан аввалги IV минг йилликларнинг охирларида Атлантик циклонларнинг ўз йўналишини шимол томонга ўзгартириши кейинги даврларда шимолий кенгликлардаги ҳаво массасининг совиб кетишига олиб келган. Бундан ташқари, Субтропик минтақалардан мўътадил кенгликларга томон меридиан йўналишида эсаётган шамоллар Ернинг ўз ўқи айланиши таъсирида шимолий ярим шарда ўнгга фарбдан шарқ томон бурилади. Фарбдан шарқга эсадиган жойларда атмосферадаги ҳаво ҳаракатлари жадал бўлиб, циклонлар фаолияти кучаяди<sup>10</sup>.

Хулласи калом, бу масалада иқлим ҳам таъсир кўрсатмай қолмаган.

Калтамиор маданияти жамоаси – орийлар миграция қилиш олдидан Ҳиндистонга “разведка” баҳонасида сафар уюштирганлар. Ҳараппа маданияти шаҳарчаларидан бири бўлган Рана – Гхундай маданий қатламларидан бирида бир неча от тишлари топилди, унинг аниқланган санаси – Ҳараппа вужудга келгунга қадар ҳам бир неча аср олдин – мил. ав. IV минг йилликнинг охирлариdir. Орий тўдаларининг унча катта бўлмаган гурухи Шимоли-ғарбий Ҳиндистонга бостириб кирган отлиқ гурӯҳлар тўғрисида шуни айтиш керакки, улар от минишни яхши билган; куроллар ҳараппаларнига нисбатан анча такомиллашган эди; ушбу оиласалар кичикроқ бошпаналарда олов сақлаган ҳолда яшаганлар. Бу ҳолат мазкур кўчманчилар совукроқ ўлкалардан келганини кўрсатади. Ҳудди шундай аҳоли тураржойлари Белужистонда ҳам пайдо бўлган эди<sup>11</sup>.

Олов кўчманчи қабилаларнинг совук ўлкалардан келганини эмас, балки уйда ўчмай ёниб турадиган муқаддас ўчоқни англатади. Бу калтамиорликларнинг азалий анъанавий одатлари ҳисобланган: уйига кираверишдаги ўнг томонда, доимо ёниб турувчи бош ўчоқ бўлган<sup>12</sup>.

Рана-Гхундайдаги қазув ишлари стратиграфияси аҳоли пункти тарихининг 3-даврида қизил фондаги қора нақшли

керамика бу ерда кенг тарқалганини кўрсатади<sup>13</sup>. Хоразмдан топилган кўпчилик идишларнинг аксарияти пиширилгандан кейин қизил бўёқ билан бўялар эди<sup>14</sup>. 1946 йилда Р. Мортимер Уипер келтирган маълумотлар бўйича, мазкур кўринишдаги керамикадан фойдаланиб келган халқ яшайдиган жойда Хараппа бунёдга келган<sup>15</sup>.

Ҳиндистон тарихининг йирик тадқиқотчиси, инглиз ҳиндунос олими А.Бэшем эслатиб ўтилган отлиқ гурухлар бу ерлардан кетганидан кейин (улар кўп бўлмаган) худди шу ерда даслабки деҳқончилик бутун мил. ав. III минг йилликда пайдо бўлди, деб ҳисоблайди<sup>16</sup>.

Шунингдек, қишлоқ хўжалиги, жумладан, бунинг устига ёввойи пахта Ҳиндистонда қадимдан табиий равишда кўкариб келган бўлса-да, уни маданийлаштиришни бу ерга кўчиб ўтган орийлар амалга оширган. Энг қадимги газлама Ҳиндистоннинг шимоли-ғарбидаги 5000 йиллик Моҳенджо-Доро шаҳридаги қазишмалар вақтида топилган. Иссиқ иқлимли Ҳиндистонда одамларга енгил нам тортадиган пахтадан тайёрланган кийим ёқиб қолади. Дастребки ёзма манбалар диний “Ригведа” гимнида ва 700 йилдан сўнг ёзилган “Манунинг муқаддас қонунлари”да тиккув дастгоҳлари ва ип газламадан кенг фойдаланиш ҳақида хикоя қиласиди. Пахтадан кийимни фақат диний табақа – Браҳманлар кийиши мумкин эди. Аҳолининг қолган қисми Рама ва Жут толасидан тайёрланган (толасидан дағал мато арқон тўқиладиган ўсимлик) кийимларни кийишар эди<sup>17</sup>.

“Европа ва Осиё орийларида, – деб ёзади немис олими Ф.Энгельс, – ҳайвонларнинг номлари ҳали бир хил, аммо экиб ўстириладиган экинларнинг номлари ҳеч қачон бир хил бўлмаган”<sup>18</sup>. Дарҳақиқат, жаҳонни забт қилган буғдой асли Ўрта Осиёдан тарқалган<sup>19</sup>. Қадимги жайдари нав – қизил буғдой Ўзбекистонда ҳозир ҳам лалми ерларда экиласиди. Бошқа кўплаб янги навларга нисбатан қоракуя ва занг касаллакларига чидамли<sup>20</sup>. Ўрта Осиёда нўхат, ясмиқ, сабзи, пахта, бодом, ўрик, зиғирпоя ва бошқа қадимий зироатчилик маҳсулотлари яратилганини жуда кўп олимлар, айниқса, машҳур биолог олим Н.Н.Вавилов ўз асарларида исботлаб берган.

От ва туяни Ҳиндистонга анча кейин – мил. ав. II минг йилликнинг иккинчи ярмида орий тўдалари олиб келган; юк транспортини тортишда хўкиз ва буйволдан фойдаланилган.

Калтаминор маданияти аҳолиси билан деярли ёнма-ён ва бир вақтнинг ўзида яшаган Жанубий Туркманистондаги неолит маданияти аҳолиси хўжалигида отчилик учрамайди. Бу маълумотларни Жанубий Туркманистондан топилган транспорт воситалари ифодаси бўлмиш лойдан ясалган түя ва ҳўқиз қўшилган арава моделлари коллекцияси ҳам тасдиқлайди<sup>21</sup>.

Орийлар миграцияси мавзусини давом эттириб, шуни қайд этиш лозимки, кўчиш инстинкти инсонларни ҳеч қачон тарк этмайди. Бошқача айтганда, ландшафт зоналарида “демографик сифим”нинг ошиб кетиши ҳолати антропосоциогенез жараёни нинг якуний босқичидир<sup>22</sup>. Шунинг учун ҳам орий халқлари бошқа халқларга нисбатан бирмунча ривожланган халқ деб эътироф этилади<sup>23</sup>. Қадимги қабилалар ичida калтаминорликлар сингари бепоён ҳудудга тарқалгани умуман учрамайди. Уларнинг сони бениҳоя кўп бўлган ва тарқалиш ареали жуда кенг тус олган.

Улар дастлаб Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг мутлақ ҳудудида ёйилиб яшаганлар. Шарқий Қозоғистон бўйлаб қилинган регионал-меридиал миграциялар сабабли тош даври хўжалиги сезиларли ўзгаришларга учради: овчилик ва балиқчилик кенг ривож топди<sup>24</sup>.

Орийларнинг шимоли-ғарбга қилган миграциялари икки йўналишда ўз аксини топди. Дастлаб мил. ав. IV минг йилликда Ўрол ва унинг атроф ҳудудлари жанубий калтаминорликларнинг сезиларли маданий таъсирига учрайди: сопол идиш ясаш амалиёти (шакл ва кўплаб орнаментал мотивлар, шунингдек, кремнийдан ясалган ўқ учларини тайёрлаш услуби) кириб келади<sup>25</sup>. Ўролдан Енисейгача бўлган бепоён Фарбий Сибирь ерларида бу қабилалар ёйилиб, қишлоқ-қишлоқ бўлиб яшаган. Хар бир уйда ўчоқ бўлган. Шарқий Сибирь кенгликларида овчилик, балиқчилик ривож топган. Озиқ-овқат тайёрлаш, сақлаш учун омборхоналар мавжуд бўлган<sup>26</sup>.

Россиянинг шимолий маконларида Урал ёдгорликларининг кўплаб топилиши мазкур ҳудуддаги аҳолининг асосий қисми жанубдан, Ўрта Рус текислигидан эканини кўрсатади<sup>27</sup>.

Тарихий ва тарихий-этнографик тадқиқотларнинг кўрсатишича, миграциялар сув йўллари орқали амалга ошган. Улар Волга-Ўрол оралиғидаги ерларга чиқишиди. У пайтларда бу ерларда ҳеч ким яшамаган: ҳозирги Рус текисликлари, дарёлардан бўлак ҳеч қандай тўсиқ бўлмаган.

Шимоли-ғарбий Қозоғистон, Жанубий Свердловск, шарққа томон Магнитогорск – Челябинск – Нижний Тагил, Анереев күли, Тюмень атрофлари, Ўрта Ока, Чебоксар, Самара дарёсининг қуий оқимлари, Печора ҳавзаси ва бошқа жойларда калтамиорликлар ёдгорликлари учрайди<sup>28</sup>.

Бир сўз билан айтганда, Каспий денгизи ва Ўрол дарёси оралиғидаги бепоён дарвоза орийлар учун очиқ бўлади. Шимоли-шарқий Каспийбўйи ҳудудларида Тюлузск гурӯҳидаги ёдгорликларнинг локал вариантлари учрайди. Бу маданият, А.А. Формозовнинг фикрича, калтамиорликлар маданиятининг Қозоғистон ёдгорликлари сирасига киради<sup>29</sup>.

Кавказда Абхазиядаги Очамчир тоғлари ва Нахичевандаги Култепа илк энеолит маконлари қазиб ўрганилган. Характерли ёдгорликлар сирасига Арманистондаги Шенвагит макони киради. Бу ердаги тош асосли гиштин уйларда ўчоқ сақланган. Айланна бинолар билан бирга тўртбурчакли уйлар ҳам учрайди<sup>30</sup>. Лйлана бинолар Ўрта Осиёда анъанавий ҳисобланган<sup>31</sup>. Арманистондаги Элар макони ҳам худди шундай характер касб этган. Шимолий Кавказда қизил рангли керамика урфга кира бошлайди. Бу қадимги калтамиорликларнинг бир қисми Шимолий Кавказга миграция қилганидан дарак беради.

Кавказнинг бепоён кенгликлари – Махачқаладан тортиб, Майкоп ва Краснодаргача бўлган ҳудудларда Шимолий Кавказ маданияти вужудга келади. Бу маданиятнинг илк даврлариданоқ қизил-малла идишларнинг арча орнаментли турлари характерли бўлган. Бу усул ҳам калтамиорликларга тегишинидир<sup>32</sup>.

Днепр ғарбидан Украина ўнг қирғоғи ва Молдовиягача, Фарсий Буг ва унинг ўзани Припечигача бўлган ҳудудларда Триполчишлар қабилалари яшар эди. Орийлар уларни мил. ав. III минг ийликтининг охирларида янчидан ташлаб, ғарбга қараб силжиб, Польшага кириб боради ва Ўрта Европада ўтроқлашади. Уларнинг мазкур фаолияти фанда яхши ўрганилган<sup>33</sup>.

Мил. ав. III минг йилликда Жанубий Скандинавия ва Шимолий Скандинавияга юриш бошланади. Натижада Скандинавия сипчлари ҳаётида чорвачилик ва дәхқончиликка асос солинади. Скандинавиянинг жанубий қисмida бу хил неолит маданиятининг характерловчи жуда кўп археологик излар сақланиб қолган. Улар биринчи марта денгиздан ер ажратиб олиб, ички ҳудудлар-

ни ўзлаштирганлар. Дания ва Жанубий Швецияда ривожланган неолит даври гуллаб-яшнай бошлади.

Бронза даврида Марказий ва Шарқий Европадан орий тўдадарининг навбатдаги янги тўлқини Ўрта Швеция, Жанубий Норвегия, Данияга ва у билан чегарадош бўлган худудларга янги маданият киргизади<sup>33</sup>.

Мил. ав. III-II минг йилликларда улар ғарбга – Германия, Франция, Англия, Шотландия, Исландия ва ҳатто Ирландиягача кириб боради<sup>34</sup>. Бошқалари Анатолияга кириб, улар билан аралашувидан улуғ Хетт империяси аҳолиси вужудга келади. Олд Осиё ва Миср кенгликлари уларга ватан бўлади<sup>35</sup>.

Мил. ав. III минг йилликнинг охири – II минг йилликнинг бошларида мазкур қабилалар Марказий Европадан ғарбдан-шарққа қараб силжий бошлайди. Болтиқбўйида Болтиқ қабилалари (ҳозирги литваликлар ва латишлар); юқори Днепрбўйи (Ўрта Днепр маданияти); Волга-Ока дарёлари оралиғи ва Волга-Клязма дарёлари оралиғи (Фатьянов маданияти); Ўрта Волга (Баланов маданияти)<sup>36</sup>; Ўрол-Енисей дарёлари оралиғи (афансаевчилар маданияти) ва ҳк.<sup>37</sup>. Уларнинг бир қисми Шарқий Мўгулистонга ҳам ўтади<sup>38</sup>.

Хулласи калом, бир сўз билан айтганда, машхур рус мунаққиди Н.Г. Чернишевский тўғри таъкидлаганидек, Европанинг барча аҳолиси орий ирқининг бир бўлимига мансубдир<sup>39</sup>.

### АДАБИЁТЛАР:

1. Аскarov А., История Узбекистана, Т., 1997, стр. 38.
2. Гулямов Я.Г., Исломов У., Аскarov А., Первобытная культура и возникновение орошающего земделия в низовьях Зарафшана, Т., 1966, стр. 80.
3. Аскarov А., История Узбекистана, Т., 1997, стр. 37.
4. Жабборов И., Ўзбек халқи этнографияси, Т., 1994, 56-бет.
5. Толстов С., Кадимий хоразм цивилизациясини излаб. Т., 2014, 102-103-бетлар.
6. Мерперт Н.Я., Миграции в эпоху неолита и энеолита, - "СА". 1978, №3, стр. 12.
7. Шишкин И.Б., У Великой Намазги. М., 1981, стр. 12.
8. Виноградов А. В., Мамедов Э. Д., Ландшафтно-климатические условия пустынных равнин Средней Азии в голоцене – Каменный век Средней Азии и Казахстана, Т., 1972, стр. 95-97.
9. ЎзСЭ, 8-том, 384-бет.

10. Гуломов П., Жүгрофия атамалари ва тушунчалари изохли лугати, Т., 1994, 138-бет.
11. Бәшем А., Чудо, которым была Индия, М., 1977, стр. 24-25.
12. Қиличев Т. Күхна қалъалар диёри. Т., 1973, 70-бет.
13. Бәшем А., Чудо, которым была Индия, М., 1977, стр. 21.
14. Қиличев Т., Күхна қалъалар диёри, Т., 1993, 69-бет.
15. Бәшем А., Чудо, которым была Индия, М., 1977, стр. 21.
16. Күрсатилган асар, 34-бет.
17. Газянц С., Мар А. Асрлар ва мамлакатлар оша. Т., 1991, 18-бет.
18. Маркс К. ва Энгельс Ф. Уч томлик танланган асарлар. Т., 1981, 3 том, 258-бет.
19. Жабборов И. Ўзбек халқы этнографияси. Т., 1994, 88-бет.
20. ЎзСЭ, 2 том, 560-бет.
21. Шишкін И.Б., У стен Великой Намазги, М., 1981, стр. 100.
22. Андреев И.Л., Происхождение Человека и Общества, 1982, стр. 220.
23. Юсупов Х. Жамшид – афсонавий қаҳрамон. – “Мозийдан садо”, 1(25), 2005, 7-бет.
24. Абильев А.К., Евдокимов В.В., Казахстан в древности, Караганда, 1991, стр. 35.
25. Мартынов А.И., Археология СССР, М., 1973, стр. 68.
26. Күрсатилган асар, 67-бет.
27. Формозов А.А., Кельтеминарская культура в Западном Казахстане, Вып. XXV, 1949.
28. Мартынов А.И., Археология СССР, М., 1973.
29. Формозов А.А., Кельтеминарская культура в Западном Казахстане, Вып. XXV, 1949.
29. Абильев А.К., Евдокимов В.В., Казахстан в древности, Караганда, стр. 23.
30. Мартынов А. И., Археология СССР, М., 1973, стр. 93-94.
31. Абильев А.К., Евдокимов В.В., Казахстан в древности, Караганда, стр. 23.
31. Першиц А.И., Монгайт А.Л., Алексеев В.П., История первобытного общества. М., 1982, стр. 130.
32. Мартынов А. И., Археология СССР, М., 1973, стр. 93-94.
33. Кан А.С., История скандинавских стран (Дания, Норвегия, Швеция), М., 1980, стр. 8.
34. Кондратов А.М., Шеворошкин В.В., Когда молчат письмена, М., 1970, стр. 141.
35. История Востока, I том, Восток в древности, М., 2002, стр. 115.
36. Агеева Р.А., Происхождение имен рек и озер, М., 1985, стр. 90.
37. Водецкая Э.Б., Сказы от древних курганах. Новосибирск, 1981, стр. 51.
38. Васильевский Р.С., Волков В.В., Некоторые итоги работ советско-монгольской историко-культурной экспедиции. – В кн. Древние культуры Монголии, Новосибирск, 1985, стр. 9-10.
39. Чернишевский Н.Г., Танланган педагогик асарлар. Т., 1989, 256-бет.

## Орийларнинг қайта миграцияси

Мил. ав. II минг йилликнинг иккинчи ярмида орийлар қайта миграция қилди. “Авесто”да энг қадимги вилоятларнинг номлари Яшт китобининг учинчи ва Видевдатнинг биринчи бобида санаб ўтилган. Лекин улардаги рўйхат бир-биридан кескин фарқ қиласди. Шундай бўлса-да, улардаги биринчи мамлакат — “Аренам Вайжо” — орийларнинг илк яшаган ватани санаб ўтилади. Хўш, “Арёнам Вайжо” қаерда жойлашган?

Немис олими О.Шредер орийларнинг илк ватани Шарқий Европа экани тўғрисида фикрни билдиради. Профессор И.Абаев унинг тахминини кўллади.

Ўтган асрнинг 80-йилларида Гамкрелидзе ва Иванов янги концепцияни илгари суриб, орийларнинг илк ватани — Одд Осиёда хинд-европа диалектлари учрамайди, дейди. Ўз ўрнида Дъяконов орийларнинг дастлабки ватани Европада, Болкон ва Карпат ҳудудларининг ўртасида, деган фикрни билдиради<sup>1</sup>.

Бундай марказларга Ҳиндистон, Ўрта Осиё, Афғонистон, Эрон, Кичик Осиё, Кавказ, Литва ўрмонлари, Волга-Ўрол, Рус текислиги ҳудудлари даъвогарлик қилгани ҳам бор гап.

Хоразмнинг кўхна тарихини пухта ўрганган С.П.Толстов уни Арёнам Вайжо деб билади<sup>2</sup>. Олим Тоҳир Каримнинг фикрича ҳам, қуий Амударё соҳиллари Арёнам Вайжонинг ўзидир<sup>3</sup>. Арёнам Вайжо — бронза давридаги Дашибиқчоқ чўллари, дейди А.Асқаров<sup>4</sup>.

А.Садгулаев шундай ёзади: “Арёнам Вайжони кенг ҳудудда жойлашган ўлка деб тушуниш мумкин, у ердаги баланд тоғлар — Помир, Ҳиндикуш, Ҳисор, Тянь-шань, чуқур кўллар — Каспий, Орол, Балхаш, Иссиқкўл, кенг дарёлар — Амударё ва Сирдарё деб фараз қилинади<sup>5</sup>. Ҳ. Ҳомидов эса Арёнам Вайжони тўғридан-тўғри “ЭронВиж ” деб эълон қиласди<sup>6</sup>.

Кўриниб турибдики, Арёнам Вайжо масаласида олимларнинг фикрлари турличадир.

Арёнам Вайжонинг ҳозирги ҳудудларини аниқлаб олиш учун даставвал тарихга мурожаат қилиш керак бўлади.

<sup>1</sup> Агеева Р.А., Происхождение имен рек и озер, М., 1985, стр. 77-78.

<sup>2</sup> Асқаров А., Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи, Т., 2007, 110-бет.

<sup>3</sup> Тоҳир Карим, По следам “Авесты”, Т., 2007, 83-бет.

<sup>4</sup> Асқаров А., Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи, Т., 2007, 115-бет.

<sup>5</sup> Садгулаев А., Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда, Т., 1996, 21-бет.

<sup>6</sup> Ҳомидов Ҳ., “Авесто” файzlари, Т., 2001, 386-бет.

“Мен – Ахура Мазда – яратган илк серзамин ва бирламчи юрт бу – Доитё дарёси соҳилидаги хушманзара Ийрон Виж эди”, – дейилади Вандидодда.

“Авесто”да тасвирланган Доитё Шимолий Европадаги Фарбий Двина дарёсидир. Латвияда бу дарё Даугава деб аталади. Мазкур гидроним дастлаб туркча Окс бўлган, кейинчалик форсча кал-каланиб олинган: Даугава-Гаугава-Даугава атамасида замонлар ўтиши билан товушларнинг ўрин алмашиши (гу-гу), товуш спиритизацияси (ав-ав), товуш орттирилиши (ав-ава) ҳодисалари рўй берган.

Фақат бугина эмас, қаралаётган даврда Болтиқбўйи кенгликларида бу атамага жуда кенг ўрин берилган: Даугава, Гауя, Елгава, Илгава ва хк.<sup>7</sup> Орийлар Шарқий Двинага ҳам ушбу номни кўчирган. Негаки, турклар хоҳлаган дарёни Окуз деб атаб кетаверганлар<sup>8</sup>.

Шимолий Двинага ҳам бу номнинг кўчирлиши орийларнинг ўша ерларда яшаганини кўрсатади. Буни “Авесто”даги совуқ иқлим манзаралари ҳам тасдиқлади: “ У ерда ўн ой зимистон ва икки ой ёз фасли ҳукмрон бўлади. Бироқ шу икки ой ҳам ҳаво, сув, тупроқ ва дараҳтлар учун совуқдир. Зимистон у ерга даҳшатли фалокатлар келтиради”<sup>9</sup>.

Ўз-ўзидан маълумки, бу шимол тарафлардаги иқлимга хосдир. Тўғрироғи, гап Шимолий ярим шарнинг юкори кенгликлари – тундра ҳақида кетяпти. Тундра замини доимо тўнгиб ётади. Иқлими совуқ. Қиши 8-9 ой давом этади. Ёзи қисқа<sup>10</sup>.

Ҳақиқатан ҳам у ерларда 9 ойгача қор эримайди, Энг совуқ қаҳратон кунлари ҳам у ерларда (Печора дарёси бўйларида) 52°C даражага совуқ бўлади. Икки ой ёз пайтида ҳам Атлантика океанинг таъсири билан ёмғир ёғади<sup>11</sup>.

Шимолий муз океанидаги денгиз Карск, яъни “Кор денгизи” деб туркийча аталади. Буни археологик манбалар ҳам тасдиқлади: Баренц денгизининг Олец ороли жанубидан неолит даври (мил. ав. икки минг йиллик) қабристони топилган; кўпчилик суюкларнинг антропологияси европоид ирқига ўхшайди<sup>12</sup>.

<sup>7</sup> Малый атлас мира, М., 1970, стр. 31.

<sup>8</sup> Кошгарий Маҳмуд, Девони луготит-турк, 3 томлик, 1-том, Т., 1960-1963, 169-бет.

<sup>9</sup> Вандидод, Биринчи фаргард, 4-фасл.

<sup>10</sup> ЎзСЭ, 2- том, 336-бет.

<sup>11</sup> ЎзСЭ, 9-том, 326-бет.

<sup>12</sup> ЎзСЭ, 8-том, 199-бет.

Яна бир маълумот: “У ерда юлдузлар, ою қўёшнинг пайдо бўлиши ва пинҳон бўлиши йилда бир марта юз беради”<sup>13</sup> “... ва улар кунни йил деб гумон қиласидар”<sup>14</sup>.

Булар Ернинг Шимолий қутб деб аталган ҳудудларидағи осмон ёриткичларининг кўринма ҳаракатларига оид энг қадимги илмий маълумотлардир. Чиндан ҳам бу ерда юлдузлар ботмайди ва чиқмайди, уларнинг горизонтдан баландлиги ҳам ўзгармайди. Бу кузатишларнинг аҳамияти шундаки, кўпгина осмон ходисалари шундай юз бериши сабабли улар устида кузатишлар олиб бориш учун жуда узоқ вақт керак бўлади. Масалан, Ер ўқининг ўз орбита текислигига нисбатан оғиши ўзгаришини факат бир неча юз йил ўтгандан кейин яхши сезиш мумкин. Шунинг учун бундан неча минг йиллар илгари ўтказилган баъзи кузатишлар, ҳозирги замон тушунчасига кўра, улар жуда ноаниқ бўлса-да, биз учун ҳали ўз аҳамиятини йўқотмаган<sup>15</sup>.

Мазкур масала бўйича, бир вақтлар олимлар Г.М.Бенград-Левин ва Э.Л.Грантовский чуқур тадқиқот ишлари олиб борган ва “кутб цикли”нинг илдизларини орий халқларининг ҳали элатларга ажралмаган даврдаги илк масканларига тааллуқлидир, деган муҳим холосани чиқарганлар<sup>16</sup>.

Яна Болтиқбўйи кенгликларига қайтамиз. Ҳозирги Болтиқбўйи – Латвия, Литва, Эстония ерлари, Латвиянинг шимолий-шарқидаги Видзема қирлари, Шимолий Европа текислигининг шимолдаги Валдай қирларининг гўзалликда тенги йўқ. Бундан ташқари, ҳозирги Украина ва Белоруссия ҳудудлари, Юқори ва Куйи Днепрбўйи, Жанубий Буг ва Днепрнинг қуишиш жойлари, Волга-Ока, Волга-Клязма дарёлари оралиғи, умуман, Волга – Ўрол дарёлари ўртасидаги чўллар ҳам Арёнам Вайжога қараган.

Яна бир гап. Табиий-географик обьектлар – тоғлар, кўллар, дарёлар аҳоли яшайдиган жойларга нисбатан ўзининг муқимлигини сақлаб қолади. Волга дарёсининг аталишига келсак, Птолемейнинг кўрсатишича, Ра(х) деб аталган<sup>17</sup>. Фикримизнинг тасдиғи сифатида, ҳозирги мордва тилида унинг қуидаги қади-

<sup>13</sup> Вандидод, 2-фасл, 40-банд.

<sup>14</sup> Шу асар, 91-банд.

<sup>15</sup> Воронов-Вельяминов Б.А., Астрономия, Т., 1988, 19-бет.

<sup>16</sup> Бонград-Левин Г.Н., Гарантовский Э.А., От Скифии до Индии, М., 1974, стр. 56

<sup>17</sup> История Востока. I. Восток в древности, М., 2002, стр. 89

мий номлари сақланиб қолганини келтириш мумкин: Рав, Раво, Рава<sup>18</sup>. Демак, дастлабки номи – тотем Ҳўқиз, Окс бўлган, кейинчалик форсчага Рава дея ўгирилган, яъни Гава дейилган.

Кейинги археологик, палеонтологик ва этнографик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, “Авесто”нинг тоғларга оид географик тушунчалари, биринчи навбатда, Кавказ тоғлари билан боғлангандир. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, эронча атамаларни бу худуддаги энг қадимий номлар деб бўлтмайди<sup>19</sup>. Уларнинг истеъмолда бўлиш даври бошланганига мил. ав. икки минг йилликдан кўп вақт бўлгани йўқ. Кавказ тоғлари силсиласида жуда ҳам қадимги замонларга оид сўзлар ва тушунчалар, шунингдек, ибтидоий жамият даврига оид ҳамда Ўрта Осиё ва Кавказ учун умумий бўлган инг қадимги тил қатламининг излари сақланиб қолган<sup>20</sup>.

Бундан ташқари, Кавказ билан Ўрта Осиё азалдан бир хил фауна ва этно-маданий худуд ичига киради. Кавказолдида Ўрта Осиёнинг чала чўл ва чўлларида ҳайвонлар яшайди. Кура – Аракс насттекислигининг ҳайвонот дунёси ҳам Ўрта Осиёнинка ўхшайди<sup>21</sup>. Шунинг учун ҳам “Авесто” географик объектларини тадқиқ қилиш масаласини Кавказ тарихи билан узвий боғлаб үрганилгандагина ҳал қилиш мумкин бўлади.

Вақт ўтиши билан қадимги атамалар дастлабки циклини ўзgartириб, тилнинг ривожланган ҳолатига мослаша борган<sup>22</sup>. Бинообарин, олдинги ва ҳозир ҳам мавжуд бўлган турк топонимларининг кўпчилиги жуда қадимий бўлиши мумкин<sup>23</sup>.

Орийларда энг баланд тоғ, нафақат орийлар, балки дунё дин-тири космологиясида, масалан, индуизм ва буддизмда Меру (Семере), хитой даоларида “Нефрит тоғи”, ўрта аср Европасида – Монсальват, Муқаддас Граал тоғи, Скандинавия мифологиясида

Валгал, славянларнинг эртак – эпосида – “Шиша тоғ” ва ҳк. энг оғриничи ўринни “дунё тоғи” эгаллайди<sup>24</sup>.

Агеева Р.А., Происхождение имен рек и озер, М., 1985, стр. 89.

Караев С.К., Топонимия Узбекистана (Социолингвистический аспект), Т., 2001, стр. 130.

Толстова Л.Х., Отголоски ранних этапов этногенеза народов Средней Азии в исторической ономастике // Ономастика Средней Азии, М., 1978, стр. 8-9.

ЎзСЭ, 5-том, 233-бет.

Ахмедов Т.М., Некоторые древнетюркские слова в татском языке // СТ, 1771,

Камолиддин Ш.С., Древнетюркская топонимия Средней Азии, Т., 2006, 26-бет.

Токарев С.А., Ранние формы религии. М., 1990, стр. 160.

Орийларнинг энг баланд, муқаддас тоги Хара бўлган. Адабиётларда дунё тузилиши қуидагича баён қилинган: “Ер юзи каршвар деб аталувчи етти иқлимга бўлинган. Бир ўринда дунё тоги (Хара, Хукарья) дунё марказида жойлашган деб кўрсатилса, бошқа жойда дунёни шарқ ва ғарбдан қуршаб турувчи Харайти (Хара Беризайти) тизимининг шимолий қисмидаги жойлашган деб қаралади”<sup>25</sup>. Мери бойс эса, маҳобатли Хара тоғининг чўққи-си Харахвати айнан Хванирати ҳудуди ўртасида кесишади, деб ёзади. М.Бойснинг яна бир фикри характерлидир: “Қуёш унинг атрофида шундай айланадики, Ер юзининг бир қутби қоронғи-ликда қолса, иккинчи томони ёруғ бўлади”<sup>26</sup>.

Бу фикрнинг тўғрилиги шундаки, Ер айланы шаклида бўлгани ва назарда тутилаётган обьект чиндан ҳам экватор чизигига яқин бўлгани учун у иккига – шимолий ва жанубий ярим шарларга бўлинади.

Шу ўринда тарихий-географик манбаларсиз ҳар қандай лингвистик ёндашув ишончли этиологияни бермаслигини эслатиб ўтиш жоиз.

Хўш, Хара тоги қаерда жойлашган?

Хара тоги Марказий Кавказда жойлашган ва у ҳозирги Шхара тоғидир. Шу номдаги чўққи ҳам мавжуд (5068 м.). География фанлари доктори Э.М.Мурзаев тўғри таъкидлаганидек, географик обьект қанчалик катта бўлса, унинг номи ҳам шунчалик қадимий бўлади<sup>27</sup>.

Бу атаманинг этиологияси хусусида шуни айтиш керакки, сўзнинг кейинги локал шакли Кавказ тилларида ундошларнинг кўплиги, унлиларнинг эса озлиги – кўпгина сўз ва атамаларнинг ўзак негизи фақат ундош товушлар билан боғлиқлигига ифодаланиши билан боғлиқдир: хара – шхара.

С.А.Токаровнинг айтишича, тоғлар сакрал аҳамият касб этган<sup>28</sup>. Икки олам ҳақидаги дуалистик тасаввурлар қадимги турк мифологиясининг шаклланган анъаналаридан бири бўлиб, маросим ва үдумлар ҳам шунга мувофиқ бажарилар эди. Одамлар Эзгулик худосига кўпроқ эзгулик қилсан деб, Ёвузлик худосига яна кўплаб оғатларни бошлаб келмаслиги учун қурбонликлар

<sup>25</sup> Мифы народов мира, М., 1991, Т. I, стр. 562.

<sup>26</sup> Бойс М., Зороастрийцы: Верования и обычай, М., 1988, стр. 14.

<sup>27</sup> Мурзоев Э.М., География в названиях, М., 1990, стр. 608.

<sup>28</sup> Токарев С.А., Ранние формы религии. М., 1990, стр. 608.

қилинган. Бу маросимлар ана шундай баланд тоғлар, тепалик-ларда амалта оширилган. “У (қурбонлик қилувчи) Мазда динини юзлаб ҳамду сано, нарзу ва ўн минглаб қурбонликлар билан кувватлантиргандек қудратли қилади”<sup>29</sup>.

Бу ерларда фақат ҳайвонларни қурбонлик қилиш билан боғлиқ анъаналаргина эмас, одамлар билан боғлиқ дағын маросимлари, худоларга қилинадиган илтижо ва ҳамду санолар ҳам ўша жойда бажарилган.

С.А.Токаровни билдиришича, инсонга ўлим ҳавфини тұғидирадиган шимолий тоғларнинг ёввойи табиати уларнинг тасаввурида маълум тушунчаларни пайдо қилмаслиги мүмкін эмас эди. Худди шу ерларда тоғларнинг ёмон рухлари – девлар түғрисидаги мифологик тимсоллар юзага келди<sup>30</sup>. Аждодлар культи билан боғлиқ мифологик қарашларнинг дўзах шаклидаги синов – инициация маросимлари одамнинг ўз ўлимидан кейинги қисмати ҳақидағи тасаввурларини мустаҳкамлади.

“Динкарт”да айтилишича, чинватнинг бир боши Ийрон Вижга, бошқа бир учи Алвурз чўққиласирига туташган бўлиб, дўзах дарвозаси унинг остидадир. Жамики яхшилар ва ёмонлар ана шу кўприк устидан ўтадилар. Бу кўприк ашаванлар (солих бандалар) учун тўққиз найза баробарида кенгайса, гуноҳкорлар учун тиф учидек ўткир ва ингичка бўлиб қолади<sup>31</sup>.

Ёмон, ёвуз, бадаҳлоқ одамларга бундан-да ортиқ жазо бўлиши мүмкін эмас. Кишининг “дўзахда топқуси ажри дунёдаги жамики дардлардан каттароқдир. Бу азоб одамзод вужудини ўтмас бир анжомда кесиб бурдалашдан-да даҳшатлироқдир”<sup>32</sup>; “бу азоб тоғлар чўққисидан тубсиз жарга боши билан ташлаб юборилган одам ваҳмидан кўра чандон даҳшатлироқдир”<sup>33</sup>.

“Вандидод”да шуларни ўқиймиз:

“Эй, оламни яратган зот!

Эй, ҳақиқат!

Заминни энг аччиқ ғуссага гирифтор бўлган дунёдаги ilk жой қаер?

Ахура Мазда жавоб берди:

<sup>29</sup> Вандидод, 3-фаргард.

<sup>30</sup> Токарев С.А., Ранние формы религии. М., 1990, стр. 603.

<sup>31</sup> Динкарт, 19-бўлим, 3-банд.

<sup>32</sup> Вандидод, 4-фаргард.

<sup>33</sup> Ўша ерда, 3-фаргард.

– Бундай жой Аризвар тоғининг кифти бўлиб, ўнинг саҳнида дўзах могораларидан чикқан девлар бўладилар”<sup>34</sup>.

Аризвар тоғи ҳозирги Арагац тоғи ҳисобланади, бу ерда ўнинг Айоцзор бурмали тизмалари бўлиб, улар Катта Кавказнинг ўқ зонасига тик ва параллел жойлашгани назарда тутилган. Бу жойлар қадимда чиндан ҳам девлар макони бўлганига далил сифатида Арманистондаги Арагац тоғининг жануби-ғарбий ён-бағридаги ҳозиргача ўз архаик номини сақлаб келаётган Сатани-Дар (арманча – Шайтонтепа) топонимини эслаш кифоя<sup>35</sup>.

Архаик диний эътиқодлар генезиси тарихи ўша замонларда мотам маросимлари тоғларнинг устида амалга оширилганини кўрсатади. Ўликни ўнинг жисмими осмон ёруғлиги буткул чулғаб олиши учун тоғ чўққисига яланғоч олиб чиқиши лозим бўлган.

“Вандидод”дан:

“Эй, оламни яратган зот! Эй Ахура Мазда! Эй, ҳакиқат!

Ўлганлар жасади қаерга олиб борилади ва қаерга қўйилади?

Ахура Мазда жавоб берди:

– Эй, Зардушт Ашаван!

Итлар ва ўлаксахўрлар доим иқомат қилувчи тоғ чўққисига элтиб қўйилади”<sup>36</sup>.

“Маздапарастлар у ернинг (яъни, кекса одамлар олиб бориб ташланадиган жой) атрофини айланасига ўраб қўйишлари керак. Унга хўрак ва кийим-бош берсинлар. Энг ёмон хўрак ва энг исқирт кийим-бош. Хўрак жуда оз бўлиши ва таом ҳам ночиз бўлиши зарур”<sup>37</sup>; “ўша ихоталангандай жойда у (нопок шахс) қариб, танадан мадори кетиб, мункиллаб қолгунича яшashi керак”<sup>38</sup>; “қариб, танадан мадори кетиб, мункиллаб қолгандан кейин маздапарастлар пахлавон, забардаст бир эркакка амр қилсинлар, уни баланд тоғ бошига олиб чиқсин-да, терисини сидириб, танасидан бошини жудо қилсинлар. Шундан кейин ўнинг мурдорини (жасадини) Ахура Мазда яратган ўлаксахўр зоғларнинг олдига ташлаб юборсинг”<sup>39</sup>.

Бундан тоғлар тепасида бунинг учун маҳсус жойлар-далалар бўлгани англашилади. “Вандидод”даги “мурдалар жамланган

<sup>34</sup> Ўша ерда, 4-фаргард.

<sup>35</sup> ЎзСЭ, 9-том, 538-бет.

<sup>36</sup> Вандидод, 3-фаргард.

<sup>37</sup> Ўша ерда, 3-фаргард.

<sup>38</sup> Ўша ерда, 19-фасл.

<sup>39</sup> Ўша ерда, 20-фасл.

жой”ни эслаб ўтиш бунга далилдир. Мазкур ҳудуддаги оронимлар этимологияси ҳам бунга ишора қиласи. “Авесто”даги Антар Даҳиё тоги ҳозирги Гвандра тизмаси бўлиб, унинг этимологик ўтмиши Гвантар Даҳиё-Гава Дара-Гавдара шаклида бўлган. Бу хил атамалар Қашқадарё воҳасида ҳам кўплаб учрайди: Гаудара, Гаухона, Гаумурда<sup>40</sup> ва ҳқ.

“Андар” “дар” сўзининг кўхна шакли бўлиб, “қальъ”, “дара” маъносини беради<sup>41</sup>.

Қадимги дин амалиётига хизмат қилувчи обьект – Албурз атамаси ҳақида икки оғиз сўз. Мазкур атама қўшма сўз бўлиб, икки таркибдан иборат: Ал-бурз. Биринчи компонент – “ал” ҳақида турлича қарашлар мавжуд. Манбашумос олим Б.Бафоев ранг билдирувчи “ол” – “ал” сўзини эроний тиллар лексиконига киритади<sup>42</sup>. Рус олими Н.М.Шанский мазкур сўзлар туркий тилдан ўзлашганини айтади<sup>43</sup>. Г.П.Смолицкая ҳам “ал” сўзини “улкан”, “бепоён” маъноларида келтириб, туркий тиллар лексиконига оид деб билади<sup>44</sup>. Бизнингча ҳам “ал” сўзи туркчадир. Бунинг далили сифатида қадимги форс-тожик тилларида қизил маъносидаги биргина “ол” шакли мавжудлигини, мазкур тил лугатларида “ал” сўзи ҳам, “ол-ал” шакли ҳам қайд этилмаганини келтириб ўтиш лозим<sup>45</sup> (қаралсин: Фарҳангি забори тоҷики, М, 1969, 1-том). Қадимги туркий ёдгорликларда эса “ал” сўзининг бир эмас, бир неча шакли келтириб ўтилган: ал: 1) хийла, алдов; ол: 2) қизил; ал: 3) куйи. Булардан ташқари, “ал” (“ол”) феъли ҳам бўлган<sup>46</sup>. Қадимги даврларда туркий тиллар билан қариндош бўлган мӯғул тилида ҳам “ал”, “алт” сўзларининг учраши уларнинг туркий сўзлар лексиконига таалуқли эканини кўрсатади<sup>47</sup>.

“Албурз” атамасидаги иккинчи компонент – “бурз” сўзи форсча, “баланд” маъносини беради<sup>48</sup>, яъни Албурз – “энг ба-

<sup>40</sup> Садгулаев А, Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда, Т., 1996, 48-бет.

<sup>41</sup> Фарҳангি забори тоҷики, М., 1969, 15-бет.

<sup>42</sup> Бафоев Б., Кўхна сўзлар тарихи, Т., 1991, 15-бет.

<sup>43</sup> Шанский Н.М., Иванов В.В., Шанская Т.В., Краткий этимологический словарь русского языка, М., 1971, стр. 26.

<sup>44</sup> Смолицкая Г.П., Занимательная топонимика, М., 1980, стр. 102.

<sup>45</sup> Фарҳангি забори тоҷики, М., 1969, 1-том.

<sup>46</sup> Алиев А., Содиков Қ., Ўзбек адабий тили тарихидан, Т., 1994, 108-бет.

<sup>47</sup> Смолицкая Г.П., Занимательная топонимика, М., 1980, стр. 102.

<sup>48</sup> Фарҳангি забори тоҷики, М., 1969, 1-том, 214-бет.

ланд” дегани. Бу ҳозирги Катта Кавказнинг ўқ зонасидаги энг баланд ҳисобланган Эльбурс тоғидир.

“Авесто”даги Эрэзур – ҳозирги Эрзурум, Эрзиш–Эржиш, Эрзиф–Эрсис, Мануш–Ганиш тоғлари ҳозир ҳам мавжуд. Бойтигае тоғи – Бойтоғ дегани, ҳозирги Гойтх довони Дихтов – Тигтовордир.

Фанда маълумки, Кичик Кавказ мегантиклинойси Кавказ орографиясида ўзига хос ўрин тутади. Шунинг учун ҳам Кичик Кавказда рангдор металл конлари жуда кўп. Бу ердаги зар-олтин асосли сўзлардан ташкил топган оронимларнинг ниҳоятда кўплиги ҳам фикримизнинг далилидир: Эрзурум, Олту, Зангезур, Сариқамиш, Зурзуна, Зардаз ва ҳк..

Қадимги топонимларнинг барчасини ҳам аниқлаб беришнинг иложи йўқ, албатта. Устига устак, биринчиси номи ўринига иккинчиси қўлланган. Шундай ҳоллар бўлганки, асрлар давомида турғун ҳолда яшаб келган диалектик қатламга нисбатан кейинги даврларда, ҳатто яқин ўтмишда ҳам шафқатсизларча иш тутилган. Буни “Казбек” атамаси мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Таникли олим В.А.Никоновнинг айтишича, руслар XIX асрнинг бошларида Кавказга келганларида тоғ остидаги бир қишлоққа рўбарў келишади. уни Казибек исмли бир киши бошқарар, шу сабабли овул унинг номи билан Казбеки деб аталарди. Шундан келиб чиқиб, руслар тоғ номини ҳам Казбек атаб, фанга киритганлар<sup>49</sup>.

\* \* \*

Зардуштийлар, дунё етти иқлим – каршварга бўлинади, уларнинг ўртасида одамлар яшайдиган Хванирата жойлашган, деб ҳисоблашган. Хваниратанинг марказида Хара тоғи бўй кўрсатган. Ундан оқиб ўтган Харахвати дарёси, “Авесто” тили билан айтганда, катта дengиз Ворукашга қуйилади<sup>50</sup>.

Бу ерда қайд этилган Хара тоғидан бошланувчи Харахвати дарёси ҳозирги Ингури дарёсидир. У Ворукаш – Қора дengизга қуйилади.

“Авесто”нинг ҳамма қисмларида учрайдиган Фароғкарт ҳозирги Чорох, Фраздан эса ҳозирги Раздан дарёсидир.

Қадимда Колхидадан Чорох дарёси орқали савдо йўли ўтган. Бу йўл орқали Олд Осиёга қимматбаҳо металл ва ундан ясалган

<sup>49</sup> Никонов В.А., Краткий топономический словарь, м., 1996.

<sup>50</sup> Религиоведение, М., 2007, стр. 123.

маҳсулотлар олиб ўтилган. Қадимги грек қаҳрамонлари ўзларининг “Арго” кемаси билан “олтин жун”ни излаб бу ерларга – айнан Чорох дарёси водийсига сафар уюштирган. Колхида олтини тўғрисида афсоналаргина эмас, Оссурия ва Ура ёдномаларида ҳам ёзилган. Мил. ав. I минг йилликка оид Кичик Осиёнинг ғарби ва Лидияда топилган археологик маконларда олтин буюмларнинг кўплаб коллекцияси кўлга киритилган<sup>51</sup>.

Қадимги Колхида маданияти мил. ав. III-II асрларда киммер-сак босқинчилиги даврида заволга юз тутган.

Мурат дарёси қадимда Арацани деб аталган<sup>52</sup>. II минг йиллик охирларида Кавказ тоғларини бутун-бутун қабилалар бўлиб олган эди. Бўлиб олинган ҳудудни кўплаб кичик ҳарбий қабила гурӯхлари кўриқлаган.

Бу қабилалар ҳаётида тоғларнинг аҳамияти қандай бўлган?

Маълумки, тоғлар ҳар битта халқ учун тарихнинг муайян даврларида таъминот (сув, овқат, курол ясаш учун хомашё, ўтин, дори-дармон), ҳимоя (бошпана, истеҳком), маданият (диний марасимлар ўтказиш жойи ва бошқа) обьекти бўлиб хизмат қилган.

Пишин – ҳозирги Ахашен, Кансава эса ҳозирги Севан кўлидир.

Гап Кавказ тоғлари ҳақида кетар экан, бу атама маъносини чиқишига уриниб кўрайлик.

Номирдан Кавказгача чўзилган тоғлар занжири арабча манбаҳарда ал-Кабр ёки ал-Кабх шаклида келтирилган; булар туркча “қаниқ”, “қопқа” (дарвоза) сўзидан калька қилиб олинган. Бу тоғ ўрта Осиёдаги Турон пасттекислигини Олд Осиёнинг Эрон штатосидан ажратиб туради.

Б.Ризо баъзи тилшунослярнинг қадимги туркийда “қаз” сўзи “тоғ” маъносини беради, деган даъволарини эслатиб, ўзи ҳам Ениқа тоғларининг номи йиллар ўтиши билан ўзгариб, дастлаб Ениқаз, сўнгра эса Кавказ шаклини олгач, бу атаманинг иккинчи буғинни “тоғ” маъносида қабул қилишдан келиб чиқсан, дейди.

М.Кошгариј бу сўзни “қоз-ғоз” маъносида келтиради: “Қоз Афросиёбнинг қизининг исми бўлган. Казвин шахрини у қуртирган. Бу сўзнинг асли “қоз ўйини” – “ғоз ўйнайдиган жой” деб миёдир”<sup>53</sup>.

История Востока, I, Восток в древности, М., 2002, стр. 316.

Чина ерда, 313-бет.

Ениқарий Махмуд, Девони луғотит-турк, З томлик, З-жилд, Т., 1960-1963, 16-161 остилар.

Шу ўринда таниқли қозоқ шоири М.Шохоновнинг бир мулоҳазаси ҳам характерлидир: “Қозоқлар орасида ҳозир ҳам “Қаз” деган уруғ бор. Қозоқлар яқин-яқинларгача Балхашни “Қаз кўли”, яъни “Оқкуш кўли” деб атардилар. демакдир. Бунинг устига, ўша жойда илгари “Қаз қальаси” (“Оқкуш шаҳри”) деган шаҳар бор эди. Ҳозир ҳам ўша шаҳар шу ном билан аталади”<sup>54</sup>.

Сўзларнинг кўчма маънода ишлатилиши барча тиллар учун хосдир. Балки Кавказ тоғлари чиндан ҳам узоқдан оққушларга ўхшаб кўринар. Чунки унинг пурвиқор кифтлари доимий қор ва музликлар билан қопланиб келган.

Сўзларнинг ҳақиқий ва биринчи асл маънолари тил тарихи, бошқа тиллар ва шевалардаги шу сўз тўғри келган ўзакка эга сўзлар билан қиёслаш асносида аниқланади. Форсийлар уни Кўхи Қоф шаклида ўзлаштирганлар. Бунда ҳам туркийча асосий ўзакка путур етмаган. “Қопик” ёки “қопқа” сўзларидағи –ик, -қ, -қа, -ға қадимги туркий тилда от ясовчи қўшимчалар бўлган<sup>55</sup>. Мабодо, -қаз “тоғ” ўрнида қўлланилганида бошқача: “ал-Қаз” ёхуд “Кўхи Қаз” шаклини (кўх-тоғ) олар эди. Демак, “қаз” сўзи “тоғ” маъносини бермайди.

Кавказ атамаси, бизнингча, иккита компонент асосида юзага келган: “Қап” – “уз”. Чунки “уз” қадимги туркий тилда “водий”, “довон” маъноларини беради<sup>56</sup>. Иккинчи компонент – “каз” сўзи қадимги туркий тилда “пўстлоқ” маъносини беради<sup>57</sup>. Қадимда танланаётган обьект ранги, кўриниши, шакли, ҳаётй аҳамияти ва бошқа белги-хусусияти билан номланиб келган. Бу ерда Кавказ тоғининг, биринчи навбатда, Ўрта Осиё учун ҳимоя воситаси (пўстлоқ) сифати назарда тутилган. Б.Ризонинг бу тоғ юртларни шимол тарафдаги совуқлардан тўсиб, ҳимоя қилиб турган, деган эскартишларида жон борга ўхшайди. Иккинчидан, қадимги тил шаклларини ҳозирги тилларга қиёслаганда айрим сўзларнинг ўтмишдаги маъноси умуман истеъмолдан чиққанини кўрамиз. Бу ерда худди шундай бўлган қадимги “қаз” сўзи (пўстлоқ) нафақат дараҳтнинг пўсти, балки барча ҳимоя воситаларини ифодаловчи сўз бўлган<sup>58</sup>.

<sup>54</sup> Айтматов, Ч., Шохонов М., Чўққида қолган овчининг оҳи-зори, Т., 1998, 321-бет.

<sup>55</sup> Содиков А, Абдуазизов А., Ирискулов И., Тилшуносликка кириш, Т., 1981, 129-бет.

<sup>56</sup> Лурье Л.Б., Историко-лингвистический анализ согдийской топонимии, СПб, 2004, стр. 103.

<sup>57</sup> Кошгариј Махмуд, Девони луготит-турк, З томлик, З-жилд, Т., 1960-1963, 165-бет.

<sup>58</sup> История первобытного общества, М., 1982, стр. 107.

“Қапқаз” атамасидаги бош морфема “қап” ҳам, “қаз” ҳам, үндіда ясама бўлиб, уларнинг охиридаги “п” ва “з” грамматик шаклари ҳам фактик ўзгариш бўлган. Чунки қадимги туркий тилда “п” ва “з” үндошли бўлмаган<sup>59</sup>. Бу ҳарфларнинг пайдо бўлишини оски туркий тилларнинг илк тараққиёт даврларига тааллук-шакларидир. Лекин “п” ўрнида “б”, “з” ўрнида “с” кўлланган бўлиши берак: Қапгаз. Хулласи калом, бу атама илк ўрта асрларда ҳозир-дан шаклни олган.

\* \* \*

С.А.Токарев тўғри таъкидлаганидек, тоғлар культи обьектин қаршимиизда турлича моддий аспектлар ва шу билан бирга тўғри ижтимоий функцияларда намоён бўлади. Бу аспектлар ва функциялар турили тарихий даврлар ва шарт-шароитларга боғиқдир.

Тоғларга боғланиш ва уларга сиғинишнинг муҳим шакли овчилик билан боғлиқдир. Бу айниқса, Кавказ ва Олтой тоғ водийлари бўйлаб фаолият юритадиган аҳолига хос хусусиятдир<sup>60</sup>.

Овчилик ўша даврларда хўжалик юритишида муҳим ўрин эгалдаган. Қариндош-уруғлар овлаш ҳудудларини қатъий тартибда олдиб олган. Амалдаги анъанавий чегара бузилган тақдирда ўргани жанжал-низо келиб чиқсан. Улар бу тоғларни ҳимоя қилган, ярни ўз таъминоти асоси сифатида муқаддаслаштирган.

Гоғлардаги овчи қабилалар ҳаётини археологик манбалар тасдиқлайди. Бундан 6-5 минг йиллар илгари (мил. ав. IV – III) йилликлар) неолит даври фаунасининг таркиби Шарқий Ганкяздаги Гобустон петроглифларида яхши сақланган. Уларда тоғ шикиси, буқа, от, қулон, кийик, жайрон, қўй, тўнғиз ва бошқа шивонлар тасвиirlари учрайди<sup>61</sup>.

Янил, Буюкдош ва Кичикдошдан топилган 985 та суратдан Гифарзода альбоми бўйича, 1973) 348 тошда, яъни 34,3 фоизига ташам суврати тасвиirlангандан<sup>62</sup>.

Шак-шубҳасиз, бу суратлар қадимги ўрта осиёлик қабила-ларга тегишли бўлган. Суратлар Ўрта Осиё ва Сибир петрог-

Нейматов Ҳ., Ўзбек тили тарихий фонетикаси, Т., 1992, 60-бет.

Токарев С.А., Ранние формы религии. М., 1990, стр. 603-604.

Верещагин Н.К., Записки палеонтолога, Л., 1981, стр. 53.

“Ил сарда, 53-бет.

лифлари билан бир хил характерда экани бунинг тасдиғидир<sup>63</sup>. Бундан ташқари, Олтой ва Тува, Мўгулистонда ва Байкалорти петроглифлари ҳам сюжет, ҳам услуб жиҳатидан Ўрта Осиё петроглифларига айнан ўхшайди<sup>64</sup>. Бундан Ўрта Осиё-Кавказ-Сибирь-Мўгулистон петроглифларининг муаллифлари қадимги ўрта осиёликлар бўлган, деган хуоса чиқариш мумкин.

Бу суратларнинг ўрта осиёлик қадимги ҳалқларга тегишли эканини далилловчи бошқа жиҳатлар ҳам бор. Чунончи, Гобустон макони ҳудудидаги қадимги овчи аҳоли озиқ-овқат таркибининг асоси – эчки (41), буқа (18,8), от (8,2), кийик (29), жайрон (4,8) ва чўчқа (1,3) ташкил қиласан бўлса, худи шу ва ундан олдинги даврларда Жанубий Туркманистондаги неолит маконлари ҳудуди аҳолисининг овчилиги таъминотида топилган сүякларнинг 70 фоизи эчки ва қўйники бўлган. Эътиборли томони шундаки, Жайтунда овланган 32 та жайронга 2 та чўчқа; Чағалитепада 6 та қулон ва жайронга битта ҳам чўчқа тўғри келмаган: умумий ҳисоб билан айтганда, 30 та қулон ва 59 та жайронга, бор-йўғи, 4 та чўчқа тўғри келган<sup>65</sup>.

Бу чоғишириув таҳлиллари шуни кўрсатадики, Ўрта Осиё қадими аҳолиси ўша даврларда ҳам чўчқа гўштини хуш кўрмаган.

Геродотнинг айтищича, скифлар чўчқани ҳудойига сўйишмайди ва умуман, ўз юргларида чўчқа бокишини истамайди<sup>66</sup>.

Кавказ петроглифларида пайқаш мумкин бўлган яна бир жиҳат бор: Буюқдошдаги расмларнинг асосий гурӯҳларида қуролланган аёллар тасвири берилган. Шулардан бирида беш нафар аёл қаторасига туриб ва қисман ибтидоий турни тўсиб турибди. Барча аёл фигуralар, афтидан, орқадан чизилганга ўхшайди. Кўлтиқларидан елкаларига қараб қарама-қарши ҳолатда камар ўтказилган. Ўнг елкадан пастга осиёлиқ тушган мураккаб шаклдаги камон тасвири мавжуд<sup>67</sup>.

Бу нимани билдиради? Буларнинг Хоразм маликаси Тўмарис аждодлари эканига ким ҳам шубҳа қиласарди?

<sup>63</sup> Ўша ерда, 56-бет.

<sup>64</sup> Мартынов А.И., Археология СССР, М., 1973, стр. 77.

<sup>65</sup> Шишкин И.Б., У Стен Великой Намазги, М, 1981, стр. 56.

<sup>66</sup> Қадимги тарихчилар Ўрта Осиё ҳақида, Т., 2008, 21-бет.

<sup>67</sup> Верещагин Н.К., Записки палеонтолога, Л., 1981, стр. 58-59.

\* \* \*

Кавказ тоғлари аждодларимиз тарихи билан ҳам узвий болланганини алоҳида қайд этиш жоиз. Эпик достонларимиздан афсонавий тоғлар Кўхи Қоф деб аталган. Дунёнинг бир четида бўлган, йўлининг хатарли ва олислигидан у ерларга на инсон, на ҳайвон қадами ета олган. Анқо ва Семурғ номли баҳайбат афсонавий кушлар ва девлар макони Парилар диёри – Эрам боғи ҳам шу ерларда деб талқин қилинади. Эртакларда болаларини ўлимдан ҳалос этган қаҳрамонни Семурғ ўз устида Кўхи Қофга олиб ооради.

Аризвор тоғи ҳақида юқорида айтиб ўтган эдик. Достонларда шу жойни “Кўхи Қофга бориш йўлида” учраши ҳам фикримизни гасдиқлади. Қаҳрамонларимиз даставвал мазкур тоғда жасорат кўрсатганидан кейингина навбатдаги манзилга йўл олиши мумкин бўлган.

Дунёда ўзининг ҳалқ оғзаки ижоди – фольклорига эга бўлмаган бирорта ҳалқ йўқ. Лекин ўзбек ҳалқидек юзлаб достончардан иборат улкан поэтик меросга эга бўлган ҳалқлар саноқлидир. Г.Гуломнинг эскартишича, эртакларни, мақолаларни, ширик достонларлар цикли борки, битта “Гўрўғли” циклиниң шундай қирқта достондан иборат. “Алномиш” циклидаги достонлар шакми “Гўрўғли” циклидагидан ҳам ортиқроқдир. Бу достонларниң кичиги 5 минг сатргача, каттаси 15 минг сатргача боради ҳамда ҳар бир достоннинг ўқилиш ўлчами бир оқшомдир. Бундай оригинал сюжетли достонлар сони 200 тадан ҳам ошади<sup>68</sup>.

Ҳалқ достонлари фақат адабиёт намунасигина бўлиб қолмай, тарих, хусусан, ҳалқ тарихи тасвири ҳам эканини унутмаслигимиз керак. Уларнинг ҳар бирида узоқ даврларга бориб тақаладиган тарих мавжуд. Бу борада М.Горкий ҳақ: “Оғзаки ҳалқ ижодига бўйлмасдан туриб, ҳалқнинг ҳақиқий тарихини билиш мумкин эмас. Жуда узоқ, қадим замонлардан бери фольклор тарихга атоҳида йўлдош бўлиб келади. Лекин ибтидоий ва қадим маданий тарихчиларининг ҳеч бири фольклор материаллари – ҳалқнинг оғзаки ижоди, мифология материалларидан фойдаланманади. Ҳолбуки, булар ҳам, умуман олганда, табиат ҳодисаларининг

Гулом Г., Адабий-танқидий мақолалар, Т, 1971, 138-бет.

аксидан, табиат билан кураш ва ижтимоий ҳаётнинг кенг бадиий умумлашмаларидан иборат бўлган инъикосдан иборат”<sup>69</sup>.

“Фольклор, – дейди В.Н Пропп, – барча санъат турлари қаби, ҳақиқий воқеликка бориб тақалади. Ҳатто фольклорнинг энг фантастик образлари ҳам ҳақиқий воқелик асосида яратилган. Фан фольклорнинг ана шу тарихи асосларини топа билиш керак”<sup>70</sup>.

Тўғри, достонлардаги тарихни пайқаш осон эмас. Ундаги тил унсурлари, жой номлари, киши исмлари даврлар ўтиши билан маълум маънода ўзгаришларга учрайди. Бунинг ҳам сабаблари бор, албатта. Ҳар бир авлод ижодкори ўз замонаси нуқтаи назаридан фикрлаган, сўйлаган, янги илҳом шавқи уни сайқаллаган, лекин шаклу шамойил, ўткир сюжет чизиги ва мазмун-моҳият деярли ўзгармаган. Бу сюжетлар ҳаётийлиги, воқеликлар бевосита инъикоси бўлиб майдонга чиққани учун ҳам уларнинг шашти, завқи, оловли нафаси ҳали-ҳануз кишини энтикиради, руҳлантиради, кўйдирали.

Машхур ўзбек халқ баҳиси Эргаш Жуманбулбул ўғли тилидан ёзиб олинган “Равшанхон” достони бунинг ёрқин далилидир.

Равшан Гўрўғлиниң набираси, Ҳасанхоннинг ўғли, ўз амакиси қизини бермас бўлгандан кейин бувасининг кўлидаги узукдан Шервон юртининг хони Қораҳон подшоҳнинг қизи Зулхуморни кўриб, унга ошиқ бўлади. Отасидан фотиха олиб, ёлғиз ўзи чиқиб кетади.

Достоннинг сюжети чизиги ана шундан бошланади. Бу ерда эслатилган Шервон юрти қаерда? У ҳозирги Озарбойжоннинг қоқ ўртаси – Кура-Аракс (қадимги Окс-Хўқис топоними) пасттекислигида жойлашган. Бу кенг водий Кура ва Аракс дарёларининг қўйи оқимида, Катта ва Кичик Кавказ ўртасида жойлашган. Шарқидан Каспий денгизи ўраб туради.

Достондаги бу юрт тасвирини кузатинг: “Равшанек шундай қараса, бир катта боғ, ўзи жуда каландумоғ, тўрт ёқ девор узун, калта эмас, баробар, бир ёғи дараҳт, бир ёғи анжир, бир ёғи анор, сувга тўлган ҳовузлар, тўгарагида катта чинор. Гул очилган, барги чочилган...”<sup>71</sup>

Ҳақиқатан ҳам, бу ерлар – дов-дараҳтлар, боғдорчилик ва узумчилик, субтропик мевалар – анор, анжир, беҳи, хурмо ва

<sup>69</sup> Горький М., О литературе, М., 1955, стр. 728.

<sup>70</sup> Пропп В.Я., Фольклор и действительность, М., 1976, стр. 115.

<sup>71</sup> Ғулом F., Адабий-танқидий маколалар, Т, 1971, 52-153-бетлар.

водомнинг кони. Шервон ва Апшерон шундай мевалари билан бутун дунёга машхур.

Ёки бўлмаса ушбу циклга кирувчи “Маликаи Айёр” достоничаги сюжетларни олиб қарайлик. Унда ҳам қадимги Кавказ ва урта Осиё халқлари ўртасидаги ўзаро алоқалар ўз аксини топган. Шунингдек, унда, ҳатто, географик номлар, Болқон, Полопон, Ўарбанд тоғлари, Ираман (Эрам боғи), Исфихон, Арзиум каби койи номлари, Бадбаҳт, Қизилқум каби чўллар тилга олинади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, аждодларимиз Кавказ ва унинг ортидаги юртлардан парипайкар қизларни олиб қочиб кетиш ёки шу париларга етишишни орзу қилганлари шунчаки достонлар мотиви бўлмай, замирида маълум тарихий ҳақиқатлар ётади. Асли келиб чиқиши бир бўлган Ўрта Осиё халқлари ва орийлар ўртасида ижтимоий алоқалар йўлнинг ҳар қанча узоқ ва хатарли бўлишига қарамасдан, узвий давом этиб келган.

\* \* \*

Кўпчиликтадқиқотчилар Ўрта Осиётарихи ҳали чуқур ўрганилмаганини ҳисобга олмай туриб, орийларнинг яаш фаолиятини чет ол маданияти билан боғлашга уринади. Яна бир марта такорор мажбумиз: орий халқлари Ўзбекистондан – хоразмликлар бўлган.

Аренам Вайжо тўғрисидаги фикрларимизга хулоса ясайдиган бўлсак. Унинг ҳудуди ҳозирги Украина, Белоруссия, Болтиқбўйи республикалари, шимолий кенгликлар; Шимолий Двина, Менин, Катта тундра кенгликлари, охири Кара денгизигача бора-ни, Волга-Ока, Волга-Клязма дарёлари ораликлари, Волга-Ўрол тўрисидаги чўллардан, бу томони эса Кавказ тоғликлари, Қора шингиз ва Каспий денгиз бўйларидан ташкил топган.

\* \* \*

Мил. ав. II минг йилликнинг иккинчи ярмида орийларнинг салта миграцияси амалга ошди. Ўрта Осиё томон қилинган кўччиликлар, асосан, икки муддатда: биринчиси мил. ав. XV-XIV аср орталари, иккинчиси мил. ав. X-VIII асрларда рўй берди.

Ластаввал, биринчи миграция хусусида. Мил. ав. II минг йилликнинг иккинчи ярмида бу халқларнинг бир қисми Волга ва Ҳроб дарёлари ўртасидаги чўллардан Кавказ орқали Олд Осиё-

га – Урмия кўли қирғоқларигача етиб борди<sup>72</sup>. Қолган қисмлари Ўрта Осиё ва унга туташ вилоятларда қолган эди (Тозабоғёб маданияти)<sup>73</sup>. Тинч аҳолининг бутун Ўзбекистон худудига ёйилиши босқинчилик характерида бўлмай, маҳаллий аҳоли билан секин-аста аралашиб кетиш орқали кечади. Хоразм билан Сўғд “Яшт” китобининг учинчи бобида санаб ўтилган.

Мазкур қабилалар Кўйи Амударё, Хоразмда бўлгани каби, Зарафшон этакларида ҳам пайдо бўлди. Ўтган асрнинг 50-60-йиларида академик Я.Ғуломов ва А.Аскаров Моҳондарё ҳавзаси, Замонбобо кўли, Гужайли дарёси атрофида мазкур қабилаларнинг туаржойлари қолдиқларини топди<sup>74</sup>. Қисқаси, Ўрта Осиё улар кириб бормаган дашт ва чўл минтақалари қолмаган.

Шунингдек, С.П.Толстов, М.А.Итина ва ҳқ. Тозабоғёб маданиятига доир юзлаб макон ва ўнга яқин қабристонни ўргандилар. Аҳоли, асосан, Ўрта Осиё дарёлари кўйи оқимидағи чўл зоналарида яшаб, хонаки чорвачилик, пасқам, захкаш ва нам ерларда обикор дехқончилик билан шуғулланган. Улар томи қамиш билан ёпилган кулба ва ертўлаларда яшаган.

Тозабоғёб маданияти маконларидан бронза буюмлари билан бирга ойболта қўйиш учун тайёрланган қолиплар ҳам топилган. Бу эса бронза қўйиш техникаси юксак бўлганидан далолат беради.

Қаралётган даврда Ўзбекистоннинг турли воҳаларида яшаган аҳоли бронзадан ясалган мотига билан дехқончилик қилган. Хоразм ва Бухоро воҳасининг дарё адoқларида илк қишлоқлар пайдо бўла бошлайди.

“Авесто”да Суғд “Суғд” ва “Гава Суғд” тарзида икки вариантда эсланади. (“Авесто”, 1990). Гап шундаки, Суғд асосий вилоят бўлган. бошқарув қийинлашгач, Қашқадарё воҳасига ҳам маълум бошқарув имтиёzlари берилган. Аммо кўп ўтмай, бу бекор қилинган. Буни “Яшт”даги бир маълумот – “Суғддаги Гава” ҳам исботлайди. Гава Суғд вилоятига қарашли бўлган.

Назаримизда, Сурхондарё вилояти ҳам Гава таркибиға кирган. Мил. ав. XIV асрда Жарқўтон ибодатхонаси қадимги қалъа ўрнида қад кўтарған. Айнан шу даврдан бошлаб жарқўтонликлар ҳа-

<sup>72</sup> Смирнов К.Ф., Археологические данные о древних всадниках Поволжско-уральских степей, - СА, 1961, №1.

<sup>73</sup> Оранский И.М., Введение в иранскую филологию, М., 1960, стр. 52.

<sup>74</sup> Мұхаммаджонов А., Қадимги Бухоро, Т., 1991, 23-25-бетлар.

ётида туб ўзгаришлар юз берган. Эндиликда ҳаётдан кўз юмган одамларни улар яшаган хоналарга кўмиш барҳам топиб, шаҳар ташқарисида алоҳида барча учун баробар қабристонлар пайдо бўлди. Монументал бош ибодатхона шаклланиши муносабати билан оламдан ўтганларнинг дағи маросимлари ибодатхоналар маъбадлари назорати остида ўтказилади<sup>75</sup>. Сурхондарё воҳасида бу ва бошқа осори атиқалар “Сополли маданияти” деб номланади.

Шундай қилиб, орийлар Ўзбекистонда Хваризм ва Суғд, Туркманистонда – Моуру, Афғонистонда – Поруту, Хорайва вилоятларини ташкил этган. “Яшт”да келтирилган яна бир маълумот бўйича Иската Порутага, Моуру Харайвага, Гава Суғдга қараган.

“Яшт”да Афғонистон ва Ўрта Осиё тоғлари, дарёлари, кўллари ва яйловлари тўғрисида мана бундай деб ёзади: “У мамлакатнинг жасур сардорлари кўпдан-кўп ҳарбий юришлар қиласиди, унинг кенг яйловларга эга, сувга сероб тоғларида чорва тинч ўтлов ва емиш билан таъминланган, бу ердаги серсув чукур кўллар тўлқинланиб туради. Кема қатнайдиган кенг дарёларнинг оқими Порутадаги Иската, Харайвадаги Моуру, Суғддаги Гава ва Хваризм томонга тошиб интилади”<sup>76</sup>.

Бу ерда мамлакатнинг жасур сардорлари кўпдан-кўп юришлар қиласиди, деганда Хоразм, яйловларга бой тоғлар деганда Конетдоғ, Туркман-Хурсон, Зарафшон, Ҳисор-Олой, Ҳиндикуш, серсув ва дарёлар деганда Воҳандарё, Панж, Кўкча, Амударё, Сурхоб, Мурғоб, Тажан, Қашқадарё, Сурхондарё, чукур кўллар деганда шунбу дарёларнинг ирмоқлари ҳосил қилган чукур сув ҳавзалари ва серсув чукур кўллар деганда Орол денгизи назарда тутилган.

“Авесто” муаллифлари Ўрта Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон тоглари ва дарёларига унчалик эътибор қилмаган.

Орийлар мил. ав. XV-XIV асрларда Афғонистон билан Покистон ўртасидаги муҳим тоғ йўлаги – Хайбар довони орқали Ҳиндистонга қириб боради. Даставвал уларнинг маданият маркази Жамна ва Сатлаж вилоятлари орасида бўлган. Сарасвати дарёсининг юқори оқими, ҳозирги Анбалдан жануброқда, ҳозирги шаҳрда Ражастон қумликларига сингиб кетувчи кичикроқ дарё, шунда даврда кенг, сув билан тўла, афтидан, Сатлаж орқали Ҳинд шарбесига қуйилган. Жамнадан жанубдаги ерлар уларга нотаниш бўлган<sup>77</sup>.

Аскаров А., Энг қадими шаҳар, Т., 2001, 16-17-бетлар.

Садгуллаев А, Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда, Т., 1996, 21-бет.

Боним А., Чудо, которым была Индия, М., 1977, стр. 40.

Бу даврда орийлар маҳаллий аҳолини тўлиқ ўзига қаратада олмаган. “Ригведа”нинг кўпчилик гимнларида орийлар билан бошқа қабилалар ўртасида келишмовчиликлар бўлиб тургани қайд этилади.

Ҳарбий аристократия – кшатрийлар орийлар Шимолий Ҳиндистоннинг дарё ҳавзаларини истило қилиши жараёнида пайдо бўла бошлаган. Улар орасидан подшолар, ҳарбий бошлиқлар этишиб чиқсан.

\* \* \*

Иккинчи миграция тўғрисида. Мил. ав. II минг йилликнинг охири ва мил. ав. I минг йилликнинг бошларида Ўрта Осиё жамиятида чуқур ўзгаришлар рўй берди.

Бу Мил. ав. X–VIII асрлардаги Ўрта Осиё жамияти тўғрисидағи археологик материаллар, шунингдек, “Авесто” маълумотларига айнан мос тушади. Кўчманчи халқлар шунчалик кўп бўлганки, ҳамма асрларда тинимсиз ва тўхтовсиз равишда оммавий кўчишларни амалга оширганини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим.

Ўрта Осиёнинг кўчманчи ва ярим кўчманчи халқлари тур деб аталган. Мил. ав. I минг йиллик бошларида турлар йирик ҳарбий-сиёсий бирлашмалар тузган. Бу этноним биринчи марта “Авесто” да қайд этилган. (“Авесто”, 30-бет).

Шундай қилиб, улар Хоразмдаги йирик ҳарбий-сиёсий бирлашмадан чўчиб, Қозоғистоннинг Муғожир тоғлари оша тўғридан-тўғри Суғдга кириб келади. Суғд, Сугуд, Қашқадарё ва Зарафшон дарёлари ҳавзаларидағи тарихий вилоят – ҳозирги Ўзбекистон ва Тажикистон ҳудудлари жануб-шарқдан Бақтрия ва шимоли-ғарбдан Хоразм билан чегарадош.

Мил. ав. IX–VIII асрларда Сугдиёнада Узунқир, Еркўрғон, Афросиёб, Сангиралта, Даратепа каби ўтроқ аҳоли қишлоқлари пайдо бўлади.

Сўнгра Туркманистоннинг Байрамали шаҳри ва Мургоб дарёси яқинида жойлашган Марв, ундан кейин Шимолий Афғонистонда, ҳозирги Мозори Шариф шахрининг ғарбидаги Балх, ундан ҳам сўнг Ашхобод шаҳридан 18 км. шимоли-ғарбдаги қадимги Нисо, сўнгра Афғонистоннинг шимоли-ғарби, Херируд дарёси соҳилидаги Хирот ва яна Ҳилманд дарёси бўйидаги Кобул сарҳадларига чиқилган.

Кейин Ҳайтумант, Ҳилманд дарёси бўйида (қадимги муаллифлар Дарангина деганлар) ва ҳозирги Сейистон, Харахвати, (Арахосия) – Афғонистоннинг жануби-шарқида, Қандаҳор ва Газнани қўшиб хисоблаганда, шунингдек, Афғонистон ва Ҳиндистоннинг бир қатор вилоятлари назарда тутилган<sup>78</sup>.

Мил. ав. IX асрда орийлар шарққа томон силжийдилар ва маркази Варинаси ҳозирги Банорас бўлган Коши вилоятини ташкил этади. Яна бири Гангдан шимолроқда ва Гандак дарёсидан шарқда жойлашган Видеха подшолигини тузади. Афтидан, бу вилоятлар Варина, Ҳафтруд, Рангҳа дарёси оралиғидаги тарихий “мамлакатлар” бўлиши керак<sup>79</sup>.

Ҳафтруд Еттисувдир. Панжоб деганда Сатлаж, Желам, Чинаб, Рави ва Биас дарёларининг қўшилуви тушинилади. Ҳафтруд эса Ҳинд дарёсининг яна икки ирмоғи қўшилувидан ҳосил бўлади. Панжоб орийлар муқим яшаган асосий ҳудудларидан биридир.

Орий қаерни макон тутса, ўша ерни «Дратъяна» деб аташган. Ушбу ҳудудларни қўлга киритиш учун қонли жанглар бўлиб ўтган. Орийлар ёввойилар бўлмай, улар тамаддун эшиги остонасида турган. Уларнинг ҳарбий техникаси Яқин Шарқ халқлариниңидан анча устун эди<sup>80</sup>.

“Маҳабхорат”да ёзилишича, қонли тўқнашув мил. ав. 3102 йилда содир бўлган. Барча тарихий маълумотлар буни кескин раҳ этади. Бундан бошқа манбаларда ушбу уруш анъанавий санаға кўра мил. ав. XV асрда бўлгани айтилади. Тўғриси, бу ҳам ҳақиқатга тўғри келмайди. Уруш мил. ав. IX асрда бўлиб ўтган. Бу сана археологик маълумотларга ҳам мос тушади<sup>81</sup>.

Шундай қилиб, мил. ав. IX-VIII асрларда қадимги Ҳиндистонда қабилавий давлатлар асосида дастлабки бирмунча йирик давлатлар ташкил топган.

Шунингдек, “Вандидод”да алохида ҳудудлар, хусусан, Парфия, Жануби-Шарқий Каспийбўйи, Шарқий Эрондаги маконлар «таб ўтилади. Буларга Вркана, Рай, Чахра ва ҳқ. киради. Афтидан, улар кейинги анъаналар бўйича “Авесто”га киритилган.

История Востока, I, Восток в древности, М., 2002, стр. 278.

Боним А., Чудо, которым была Индия, М., 1977, стр. 48.

Униа ерда, 51-бет.

Униа ерда, 48-бет.

## 3-БОБ.

### “АВЕСТО”ДА МИФИК ҚАТЛАМ

#### Қаюмарс

“Авесто” мифологик туркумларининг бошланма образи – Гавомард х, Аҳрамандир (Гайа Мартен, Қаюмарс, Гопатшоҳ, Гилшоҳ). У ҳақда илк маълумот “Авесто”да берилган. А.Р.Беруний Қаюмарс ҳақидаги мифнинг вариантини келтиради.

Биринчи миф: “Эронликлар оламнинг бошланиши, Аҳраман, яъни иблиснинг худо олами фикр қилиб, унга ажабланганидан туғилиши ва Қаюмарс ҳақида кўпгина ажойиб гаплар айтганлар. Улар шундай дейди: тангри Аҳраманнинг иши хусусида ҳайрон бўлиб, пешонаси терлади, у терни сидириб ташлаган эди, ундан Қаюмарс пайдо бўлди. Тангри уни Аҳраманга қарши юборди, у Аҳраманни енгиб, миниб олди ва унинг устида оламни айлантиришга тушди. Нихоят, Аҳраман Қаюмарсдан энг ёмон кўрадиган ва энг қўрқинчли нарсасини сўради, Қаюмарс унга жаҳаннам дарвозасига етганида қаттиқ қўрқишини айтди. Аҳраман жаҳаннам дарвозасига етгач, хийла қилиб, ўйноқлай бошлади, охир Қаюмарс унинг устидан йиқилиб тушди. Аҳраман унинг устига чиқиб олди ва Қаюмарсдан: “Қайси томонингдан ейишни бошлай?” – деб сўради. Қаюмарс ўзининг айтганига Аҳраманнинг муҳолиф бўлишини билиб: “Оёқ томондан ейишни бошлагин! Олам хуснини бир муддат кўриб турай”, – деди. Аҳраман уни бош томонидан ейишни бошлаб, моягига ва эрлик уруги идиши турган жойга етганда, ундан икки томчи эрлик суви ерга томди-да, ердан икки туп равоч кўкариб чиқди ва равочлар ўртасидан Мишо ва Мишона туғилди. Бу иккиси (эронликлар наздида) Одам ва Ҳаво ўрнида бўлиб, уларни Малҳий ва Малҳиёна ҳам дейдилар. Хоразм оташпарастлари уларни Мард ва Мардона деб атайди.

Иккинчи миф: “Қаюмарс жаннатда уч минг йил турган, бу Ҳамал, Савр, Жавзо минг йилликлариdir. Сўнгра ерга тушиб, Аҳраман туфайли ёмонликлар юз бергунча, уч минг йил омон ва тинч турган. Бу саратон, Асад ва Сунбула минг йилликлариdir. Қаюмарснинг Гиршоҳ деб аталишига сабаб шулки, “гир” паҳлавийча “тоғ” демакдир. Қаюмарс тоғларда истиқомат қилган ва кўзи тушган ҳайвонлар ҳайрон қолиб, ўзидан кетадиган даражада ҳусни бўлган. Аҳраманнинг Ҳазура исмли ўғли бор экан, у Қаюмарсга ёмон қасд қилганида Қаюмарс уни ўлдирган. Бу вақтда Аҳраман

худога Қаюмарсдан шикоят қилган ва худо ўзи билан Ахраман ўртасидаги аҳдларни сақлаш мақсадида Қаюмарсдан қасос олиб бермоқчи бўлган. Худо Қаюмарсга аввало бу дунё ҳамда қиёмат оқибатларини кўрсатган, ниҳоят, у ўлимни орзу қилган, сўнг худо уни ўлдирган. Бу вақтда унинг пуштидан Истаҳрдаги Домдод тоғига икки томчи томган ва ва улардан иккита равоч дарахти кўкариб чиқсан. Тўққизинч ойнинг аввалида икковида аъзолар кўрингандан (ойнинг) охирида тугал бўлиб, икковига айланган, улар Мишо ва Мишонадирлар. Улар еб-ичишмаган ва ҳеч нарсадан азият тортмай, фаровонликда эллик йил яшаган. Ниҳоят, уларга Ахриман кекса киши сифатида кўриниб, дарахтлардан мевалар ейишни таклиф этган ва ўзи ейишни бошлаб берган ва ёшлиги унга (Ахраманга) қайтиб келган, шунда улар ҳам ейишган ва ўша заҳоти иккови бало ва ёмон ҳолларга гирифтор бўлганлар. Уларда иштаҳа пайдо бўлиб, охири бир-бири билан қўшилганлар ва улардан бола туғилган, кўркиб болани еб қўйишган. Сўнгра худо уларнинг дилларига меҳрибонлик солган. Шундан кейин улардан олти марта бола туғилган, уларнинг исмлари “Авесто” китобида кўрсатилган. Еттинчисида Сиёмака ва Фаравак туғилиб, бир-бири билан қўшилишган ва улардан Ушанж туғилган”<sup>82</sup>.

Биз, даставвал, мазкур мифларни тарихий-генетик аспектда қараб чиқамиз. Одатда, бу ҳам мифларни олам ва одам яратилиши тўғрисидаги мифлар типига киритишиади. Қадимги мифологик сюжетлар: олам ва одамнинг қандай пайдо бўлгани ҳақидаги саволлар тарих тараққиётиниг олдинги даврларида пайдо бўлган. Аслида шундайми? Машхур диншунос олим бунга эътиroz онлидиаркан, шундай дейди: “Маданий жиҳатдан орқада қолган ҳалқларда қарайб космогоник мифлар йўқ. Афтидан, бу хил саволларга жавоб бериш учун инсоният тафаккури маълум тараққига даражасига етишиши, унга мос равища меҳнат унумдорлиги учунни тақозо этилади. Ибтидоий одамлар бу ҳақда ўйламаган: унинг диққатини айрим ҳодисаларгина тортган; бус-бутун олам, ер, осмон унга доимий мавжуд обьектлар тарзида қабул қилинган, уларнинг келиб чиқиши ҳеч қизиқтиргмаган”<sup>83</sup>.

Бундан англашиладики, қаралётган мифда мутлақ ибтидоши қатлам мавжуд эмас. У орий ҳалқлари тафаккурининг маълум шаклланиш даврида ижод қилинган. М.Бойс талқинида,

Беруний, Танланган асарлар. 1-том, Т., 1968, 128-бет.

Токарёв С.А. Ранние формы религии, М.1990. стр. 540.

орийлар мил. ав. IV-III минг йилларда ибтидоий дунёқараашга, асосан, табиат культиларига асосланган диний тасаввурларга, ўз мифологиясига эга бўлишган.

Қаюмарс образи семантикасини тўлақонли очиб бериш учун нафақат унинг “Авесто” варианти талқинларида, балки олдинги тадрижийлик силсиласи моҳияти ҳам назарга олинмоғи лозим. Зардуштийлик адабиёти намуналарида дунёнинг яратилиши, космоногик, табиат ва диний афсоналар тўплами “Бундахшин”, зардуштийлик диний қомуси “Динкард”, “Панжомаи Зардушт”, сосонийлар даврида яратилган зардуштийлик афсонаси ва мифлар тўплами “Мекони хирад”да белигача ҳўқиз, юкори қисми одам, яъни ҳўқиз-одам ҳақида сўз юритилади<sup>84</sup>.

Дунёнинг барча ҳалқларида зооантромуорфик аждодлар тўгрисидаги тасаввурлар жуда кенг тарқалган; улар ёрқин тотемистик бўёқларда тасвиранган. Мазкур мифларнинг илдизлари, аниқ ва сўзсиз инсоннинг узлуксиз ва тўғридан-тўғри ҳайвонот дунёсига яқинлигини ҳис қилиш билан боғлиқ овчилик турмуш шароитларига бориб тақалади. Г.И.Семёнов овчиларнинг ниқобли амалиётини инсоннинг ҳайвонлар қиёфасига киришини тотемистик эътиқодларнинг юзага келиши билан боғлади. Шу билан бирга бу эътиқод турларини тотемизмнинг иккиласмчи ва кечки элементлари сирасига киритади<sup>85</sup>.

Мифологик онгнинг асоси синкретизм бўлган. У пайтларда ҳайвонот ҳаёти ва инсоният турмуши ўргасидаги “чегара” доирасида индивидларнинг бир-бирига ва атроф-оламга бўлган муносабатлар ётган<sup>86</sup>. Қаерда, қандайдир муносабат шакли мавжуд экан, – таъкидлайди К.Маркс билан Ф.Энгельс, – у “мен” учун “тегишли эмас”; ҳайвонларга “тааллуқли эмас” ва умуман уларга “тегишли эмас”; ҳайвонлар учун қилинган муносабат, муносабат тарзида қаралмайди. Онг, такомили давомида, энг аввало жамоатчилик маҳсули ва токи одамлар бор экан, шундай бўлиб қолади<sup>87</sup>.

Айниқса, ибтидоий даврда аждодларимизнинг мифологик тасаввuri табиатни антропоморфик, “инсонқиёфали” шаклларда қабул қилган.

<sup>84</sup> Сулаймонова Ф., Шарқ ва Ғарб, Т., 1997, 11-12-бетлар.

<sup>85</sup> Семёнов Г.И., Возникновение человеческого общества, Красноярск, стр. 478-479.

<sup>86</sup> Андреев И.А., Происхождение человека и общества, М., 1982, стр. 95.

<sup>87</sup> Маркс К., Энгельс Ф., Сочинения, издание второе, М., 1956, стр. 24.

Г.Ф.Дебец овчилик хўжалигидан дехқончилилкка ўтиш инсон чаноқ суяклари тузилишида ўзига хос ўзгаришлар ясаганини айтади. Бу, биринчи навбатда, инсон тафаккурига тааллуқлидир. Г.Ф.Дебец буни субтроник худудларда мил. ав. VI минг йилликда, совуқ иқлимли ўрмон зоналарида – мил. ав. I минг йилликда содир бўлган деб хисоблайди<sup>88</sup>.

Олимларнинг эътироф этишларича ҳам, эрамиздан олдинги IV – III минг йилликларда ҳозирги Осиё минтақасида бошқа халқларга нисбатан бирмунча ривожланган халқ-орийлар шаклланган<sup>89</sup>. Буни машҳур этнограф олим Э.Б.Тэйлор ҳам ўз вақтида қайд қилиб ўтган эди: “Орий тили ва адабиёти кўз олдмизда мифология ўз ривожини эндиғина тетапоя қадамларини ташлаётган даврнинг тизимли ва ёрқин манзарасини намоён қиласи”<sup>90</sup>.

Дехқончилик ва чорвачиликка ўтиш инсоният маданияти тарихида фоят муҳим давр эди; бу ўтиш яна-да мураккаб диний тасаввурларнинг пайдо бўлишига, янги диний байрам ва маросимларнинг юзага келишига, эскиларининг мураккаблашувига шарт-шароит яратиб берди. Тотемизм мазмуни ўзгарди: тотемистик “қардошлар” ва “аждодлар” диний культ обьектига айланди. Худди шу даврда уруғчилик қурилиш ва анимизм ривожи билан жамоага кўмак берувчи марҳум аждодлар руҳига сифишишни пайдо қилди. Тотемизмга хос бўлган ҳайвонлар қиёфасидаги руҳларга сифинишни антропоморфизм аста-секин четга суриб чиқарди; бу эса руҳлар ва одам қиёфасига эгадир, деган тасаввур эди. Лекин бу билан дин ҳам, жамият ҳам тотемизм агоратларидан соқит бўла олганича йўқ. Тотемизм халқ хотирасида узоқ – ҳатто ўрта аср шароитларида ҳам сақланиб қолди.

Ишлаб чиқариш фаолияти доирасининг кенгаши ҳамда янги түруғ ва қабилаларнинг шаклланиши билан тотем-балиқ, тотем-хўқиз, тотем-ўсимликлар ҳақидаги тасаввурлар ҳосил бўла борди. Махсус тотемистик байрамлар пайдо бўлади. Қаюмарс гоҳ хўқиз, гоҳ хўқиз-одам, гоҳ биринчи одам, гоҳ чўпон, гоҳ подшоҳ, гоҳ илк ўлувчи ва тирилувчи илоҳ сифатида тасвиранади. Қаюмарс образига хос бундай синкетизм ҳолатини ўша даврда

<sup>88</sup> Дебец Г.Ф., О некоторых направлениях изменений в строении человека современного вида (СА, 1961, №2).

<sup>89</sup> Юсупов Х., Жамшид – афсонавий қаҳрамон// “Мозийдан садо” журнали, 1 – 15, 2005.

<sup>90</sup> Тэйлор Э.Б., Первобытная культура, М., 1990, стр. 128.

одамларнинг замон сферасидаги мълум давр ўзгаришларига бўлган муносабати сифатида қаралиши керак. Табиий феномен (бу ҳолатда –ҳайвонларнинг специфик жиҳатлари) ёрдамида оммавий доирадаги ижтимоий тизим ифодаланади<sup>91</sup>.

Мавжуд синкетизм мисолида ҳам Қаюмарс тўғрисидаги миф хронологиясининг айрим шарпаларини аниқлаш мумкин. Бу образлар ибтидоси қабила худолари пайдо бўлгунга қадар амалда бўлган<sup>92</sup>. Хўкиз образи кўпчилик илк деҳқончилик қабилалари учун типик ҳолдир. Хўкиз образида патриархатнинг бошланиши сифатида табиат культи асоси символлаштирилган<sup>93</sup>.

Жанубий Туркманистоннинг Олтинтепа маконидан олтин бошли хўкиз ҳайкалчаси топилган. Олтинтепа ибодатхона комплекси Месопотамия мифологиясидаги олов ранги осмон хўкизи тасвиридаги ой худосига бағишиланган<sup>94,95</sup>. Карасук даврида, мил. ав. 1700-йилларда Ўрта Енисейда хўкиз қуёш рамзи бўлган<sup>96</sup>. Қуёш рамзи ота уруғининг бошланишини билдиради<sup>97</sup>. Л.Я. Штернбергнинг айтишича, бирор нарсага ишонч дастлабки анимизмдан ўсиб чиққан. Унинг айтишича, “тотемизм уруғчилик худоларини яратган эмас, уруғчилик худолари тотемизмни яратган”<sup>98</sup>.

Л.Н.Штернберг худолар тўғрисидаги тасаввурларнинг шаклланиш жараёнини антропоморфик руҳларга ишончдан политеизм, монотеизм ва пантеизмгача бўлган эволюция сифатида қаради.

Мифологиялашда, биринчи ўринда, реал дунё объектлари назарда тутилган. Бу анимистик тасаввурларнинг қадимги манбаларидан биридир<sup>99</sup>.

Қаюмарс тўғрисидаги миф орийлар билан боғлиқ экан, демак, у қадимги Ўрта Осиё семантик майдонига тегишилдири. Анов маданияти охирларида (мил. ав. III минг йилликнинг ўрталари) аёл статуэткалар ичida эркак тасвири шакллар кўпайиб боради. Уларнинг кенг тарқалиши пластик анъаналарга хотима

<sup>91</sup> Токарёв С.А. Ранние формы религии, М.1990. стр. 540.

<sup>92</sup> Кўрсатилган асар, 340-бет.

<sup>93</sup> Массон В.М., Поселение Джейтун, Л., 1971ю

<sup>94</sup> История Древнего Востока, М., 1988, стр. 285.

<sup>95</sup> Шишгин И.Б., У Великой Намазги, М., 1981, стр. 179.

<sup>96</sup> Сулаймонова Ф., Шарқ ва Гарб, Т., 1997, 12-бет.

<sup>97</sup> Першиц А.И., Монгайт А.А., Алексеев В.П., История первобытного общества, М., 1982, стр. 148.

<sup>98</sup> Религиоведение, М., 2007, стр. 365.

<sup>99</sup> Токарёв С.А., Ранние формы религии, М.1990. стр. 390.

ясади. Илоҳа образи культ доирасида етакчи аҳамият касб этмай қўяди. Ўз-ўзидан маълумки, ушбу ўзгаришлар ижтимоий ҳаётдаги янги воқеликларга асос бўлади. Афтидан, ибтидоий жамият қурилиши парокандалик ҳолатида турган ёки умуман бузвилиш арафасида бўлган<sup>100</sup>.

Образларнинг шаклланиши, мифологиянинг ривожи тасвирй шаклларнинг дифференциялашувига олиб келди, натижада улар прототипдан тобора узоқлаша боради. Мухрларнинг пайдо бўлиши маҳаллий антропоморфик пластиканинг қарийб тугаш даврига тўғри келади<sup>101</sup>. Буни маданият жиҳатидан ўзаро яқин Сополлитепа ва Жарқўтон намуналари мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Символ – рамз динининг рационал оламдан диний амалиёт оламига ўтишда ўзига хос кўпrik вазифасини ўтайдиган муҳим бир элементидир. Қаралаётган даврда эски рамзлар янгисига алмаштирилган. Ўз навбатида янги персонажлар пайдо бўлади. Сополлитепа персонажлари ичida хўқиз ва эркак обраzi бор. Охиргиси олдинги табиат илоҳларига ўхшамайди, уни кўпроқ “қаҳрамонлар” билан қиёслаш мумкин<sup>102</sup>.

Юқорида таъкидланганидек, аждодлар боши гоҳ зооморфик, гоҳ зооантропоморфик шаклларда тасаввур қилинган; кейинчалик сув бўйи одамлари тасаввурида инсон аждоди тотемистик аждодлардан ажралган<sup>103</sup>. К.В. Тревернинг “Амударё хазинаси”даги (узук, унга одамбошли, қанотли хўқиз тасвири туширилган) борасида айтган фикрлари ўринлига ўхшайди: “У афсонавий чўпон Гопатшоҳни эслатади: танасининг ярмигача хўқиз, белдан юқориси одам. У ҳамма вақт сув соҳилида ўлтиради ва худоларга назр қиласди”<sup>104</sup>. Е.Е. Кузмина бу узуқдаги тасвирни Амударё билан боғлайди<sup>105</sup>.

Афсоналарда Гова одам бошли хўқиз (Говмард) образида тасвирланади. Хоразмда у “Жомард қассоб” (“Гомард қассоб”) номли эпик қаҳрамон образида тилга олинади.<sup>106</sup>

<sup>100</sup> Антонова Е.Ф., Мургабские печати в свете религиозно-мифологических представлений первобытных обитателей юга Средней Азии и их соседей – в книге “Средняя Азия, Кавказ и Зарубежный Восток в древности”, М., 1983, стр. 27.

<sup>101</sup> Сарианиди В.И., Новые открытия в Низовьях Мургаба. – АО-74, 1975, стр. 529.

<sup>102</sup> Олдинги кўрсатилган асар, 27-бет.

<sup>103</sup> Токарёв С.А., Ранние формы религии, М. 1990. стр. 263.

<sup>104</sup> Тревер К.В., Гопатшах-пастух-чарь, Л., 1940, том II, стр. 75.

<sup>105</sup> Кузьмина Е.Е., В стране Кавата и Афрасиаба, М., 1990, стр. 58.

<sup>106</sup> ЎзСЭ, III том, 376-377-бетлар.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, тотемик аждодлар түғрисидаги мифлар географик ландшафтнинг муайян қисми билан боғланади<sup>107</sup>. С.П. Толстов түғри таъкидлаганидек, тотемизмда одамлар гурухининг уларга тегишли ҳудуд билан “хиссий боғлиқлиги” акс эттирилган<sup>108</sup>.

Уруғларнинг тотемлари ёки шу тотемлар билан номланиши бежиз эмас. Ўша уруғ яшайдиган ҳудудда мазкур ҳайвон ёки ўсимлик тури мавжудлиги шартланади<sup>109</sup>. Умуман олганда, мифлар келиб чиқиш жиҳатидан этиологик мазмундадир. Бу назария Ф. Жевансга тегишилдири. Тотемистик аждодлар түғрисидаги мифларда реал одамлар эмас – уруғбошилар тасвиранади<sup>110</sup>. Уруғбошининг хўқиз тимсолида тасаввур қилинишида ҳақиқат борга ўхшайди. Негаки, хўқиз поданинг салобатли, энг кучли ва сараси хисбланади. У подани қўриқлайди, наслнинг кўпайишини таъминлайди. Орий халқлари қаралаётган даврларда, шимолий ҳудудларда чорвачилик билан фаол шуғулланган<sup>111</sup>. Олимлар мазкур ҳудудлардаги қўрғонлардан топилган материаллар мисолида олинган остеологик спектр ўзгаришлари бўйича тегишли хуносаларни чиқарган. Чорвачилиқда биринчи ўринда қорамол турган: уларнинг топилган суюклари 50-60 физни ташкил қиласиди<sup>112</sup>.

Абулғозийнинг “Шажараи турк” асаридан Нуҳ пайғамбар тўфондан сўнг ўғилларини дунёning турли тарафларига юборгани тўғрисидаги миф щрин олган. Мазкур миф бўйича ҳам туркий халқлар бобо аждодининг боши бўлган Ёғасни “кутби шимолий тарафга юборади”<sup>113</sup>. Маълумки, тўфон ҳақидаги сюжет асосига қурилган мазкур миф дунёning турли жойларига жуда кенг тарқалган бўлиб, христиан адиллари бу факт билан бутун олам сув тошқини ҳақидаги Библия айтимларининг тарихий ҳақиқат эканини исботлаб бўлган. Аслида эса, тўфон ҳақидаги миф дунёning барча жойларига тарқалган эмас. У Хитой, Япония, Шарқий ва Марказий Осиёда, шунингдек, Африка ва ҳатто Бобилга ге-

<sup>107</sup> Кўрсатилган асар, 340-бет 72.

<sup>108</sup> Толстов С.П., Проблемы дородового общества, СЭ, 1931, III том.

<sup>109</sup> Токарёв С.А., Ранние формы религии, М.1990. стр. 389.

<sup>110</sup> Кўрсатилган асар, 71-бет.

<sup>111</sup> Кан А.С., История скандинавских стран, М., 1980, стр. 9.

<sup>112</sup> Гаврилюк Н.А., История экономики Степной Скифии VI-III вв. до н.э. Киев, стр. 140.

<sup>113</sup> Абулғозий, Шажараи турк, Т., 1972, 14-15-бетлар.

график жиҳатдан яқин бўлган Мисрда ҳам қарийб маълум бўлмаган<sup>114</sup>. А.Р. Берунийда ҳам бу ҳақда қайд мавжуд: “Эронликлар ва оташпарастларнинг кўпчилиги тўфонни буткул инкор ўтиб, подшоликларини уларнинг эътиқодларича, биринчи одам ҳисобланган Гилшоҳдан (Қаюмарс) тулашиб келяпти, деб гумон қилганлар”<sup>115</sup>. Хуллас, қадимги яхудий ва христиан адабиётидаги бу миф исломга ҳам ўтиб, у орқали Эрон ва Туронга ҳам тарқалган. Абулғозийдаги мотив, табиийки, исломдан кейинги давр маҳсулидир.

Абу Райхон Берунийнинг Қаюмарс номи этимологияси хусусидаги мулоҳазаси ўринли туюлади: “Баъзилар уни “Гилшоҳ”, яъни “балчиқ подшоҳи” дейди. Чунки у вақтда (ерда) ҳеч ким ўўлмаган”<sup>116</sup>. Балчиқли жойлар қаерда бўлиши мумкин? Тахминимизча, бу ерлар ҳозирги Болтиқбўйи худудлари бўлган. Негаки, бу жойлар қадимги давларда ботқоқлик, балчиқли ерлардан иборат бўлган ва у ерларда ҳеч ким яшамаган.

Болтиқбўйи табиатини унинг ўзига хос ландшафти ҳам кўрсатиб турибди: биргина Латвияда 777 та дарё, Литвада 3000 та кўл бор<sup>117</sup>. Яна бир ишончли манба: “Болтиқ” атамаси, аслида туркча “балчиқ” сўзидан олинган Москва шаҳрининг эски туманиларидан бири ҳам Балчуг деб аталган”<sup>118</sup>.

Абу Райхон Беруний келтирган иккинчи мифда эслатилган Эрондаги Дамовад тоғи – иккинчи локал макон тасвиридир. Маълумки, орий халқлари милоддан аввалги II минг йилликнинг иккинчи ярмида Олд Осиё томон миграция қилганлар. Узоқ эволюцион йўлни босиб ўтган миф, бу ерда макон нуқтаи нағаридан сезиларли трансформацияга учраган. “Бундахшин”, “Ленкард” каби асарларда Гопатшоҳ ҳайвонот дунёси билан оғланади. Гопатшоҳ “ҳайвонлар эгаси”, деган маънони беради. Унинг ватани Эронда эмас, Туркистонда – Чинистонга олиб борувчи йўлга яқин жойда, дейилади. Опрупалик олимлар бунга шинқлик киритиб, Гопатшоҳнинг ватани Хоразм, деган фаразни ишлари сурғанлар<sup>119</sup>. Шарқ халқлари тарихининг билимдонлари

<sup>114</sup> Токарёв С.А., Ранние формы религии, М.1990. стр. 544.

<sup>115</sup> Беруний, Танланган асарлар, I том, Т., 1968, 60-бет.

<sup>116</sup> Юқоридаги асар, 127-бет.

<sup>117</sup> ЎзСЭ, VI том, 396-бет.

<sup>118</sup> Толстов С.П., СЭ, 1947, III том.

<sup>119</sup> Сулаймонова Ф., Шарқ ва Фарб, Т., 1997, 12-бет.

Абу Райҳон Беруний, ал-Хоразмий, Умар Хайём, ал-Балхий, Фирдавсий, ал-Исфаҳоний ва ҳқ. келтирган вариантлар, сўзсиз, анча кечки даврларга хос бўлиб, уларда архаик образнинг ҳам ботиний, ҳам зоҳирий кўринишида трансформациялашган, локал хусусиятлар сезилади.

Мазкур алломалар келтирган мифик талқинларда Қаюмарс образининг моҳияти ва қиёфаси ўзгариб боради. Уларда антроморфик қиёфадан чиқиб, тўлақонли инсон, дастлабки одам шаклига ўтади. “Низом ут-таворих”, “Жомеъ ут-таворихи Жалолий”, “Насиҳат ул-мулук” ва бошқа китобларда, шунингдек, Банакотий, А.Навоий ва бошқа муаррихлар асарларида Қаюмарсни реал шахс, биринчи подшоҳ сифатида қаралади. Айни пайтда замон эволюцияси ҳам даврий хронологиянинг айрим жиҳатларини ойдинлаштиради.

Ибтидоий одамлар ҳиссий образлар ёрдамида фикр қилгандар, уларда ўз умумлашмалари, мавхум тушунчалари оз бўлган мифик замонларда миф ижодкорлари ер, денгиз ва тоғлар, сув ва олов, шунингдек, само жисмлари нафақат утилитар, балки бунёдкорлик тарзи сифатида аҳамият касб этган: масалан, ясалган қалқон – ўзининг ўраб турган олам модели сифатида қабул қилинган мифологик тафаккурдаги яратиш акти тирик борлиқнинг туғилиш акти тарзида қаралган.

Қаюмарснинг ўлими мотиви нимани билдиради? Ўлим ва қайта туғилиш диннинг марказий мавзуларидан биридир. Шундай муҳим мавзуу маросимларда ўз аксини топмаслиги мумкин эмас.

К. Юнг назарияси бўйича, психикада ёки “Онгсиз жамоа”да шундай образлар учрайдики, биз уларни миф ва маросимларда учратамиз. Маросим амалиёти эришиб бўлмайдиган олам қонуниятларини таниш архетипик образлар орқали кўрсатиб беради. Бу образлар туғилиш ва ўлимни ифодалайди.

Метафизик нуқтаи назардан, маросим – одатий ҳаётнинг сакрал проекцияси. Маросим жараёнида идеал турмушнинг қутлуғ қонуниятлари бўйича амалиётни амалга оширади. Унинг мазмуни ва ҳиссиёти, шунингдек, ташки сакрал мазмунга бўйсундирилган.

Мифологиянинг таниқли тадқиқотчиси Д. Кэмпбеллнинг айтишича, фан билан дин ўртасида қарама-қаршиликлар йўқ.Faқат ҳозирги замон фани ва диннинг шаклланиш даврида

ги фан билан зиддиятлар мавжуд. Ҳар қандай дин ҳақиқатни түғридан-түғри эмас, символлар ва метафоралар ёрдамида тушунтиради. Аммо муаммо шундаки, бу символлар ва метафоралар дастлабки куч ва долзарблигини йўқотган.

Қаюмарс азалдан ўлимга маҳкум этилган эди. У ўлмаса бўлмас эди, негаки, унинг жисмидан ҳайвонот, наботот ва инсониятни яратиш тақозоси мавжуд эди. Туғилиш марҳумнинг қайта тирилишидир. Қадимги одамлар янги туғилган гўдакни янги автод эмас, балки аввал вафот этган кишининг ҳаётга қайтиши деб тушунган. Туғилиш марҳумнинг, одатда, бобонинг қайта туғилишидир<sup>120</sup>.

Бу жараён турли халқларда турлича кечган. Скандинавия мифида (бу ҳам у ерга борган орийларники) улкан дев Имир ўлдирилиб, унинг танаси – ерни яратганлар, шумерлар мифологиясидағи Тиаматнинг ўлдирилиши билан унинг жисмидан осмонга ер бунёдга келган ва ҳ.

Архаик миф талабига биноан, Қаюмарс жасадининг ҳўқиз ишемидан 55 хил дон, 12 хил ўсимлик, сигир ва ҳўқиз, улардан ша 272 хил фойдали ҳайвонлар пайдо бўлади; одам қисмидан инсоннинг эркак ва аёл жинси ҳамда металл вужудга келади<sup>121</sup>.

Мифологик талқиндан бир неча марта қайта ишланишига оғармасдан, ундағи архаик қатlam моҳияти шундоқ кўриниб тароиди. Бу қадим дехқончилик цивилизацияси мифологик тишининг энг асосий концептуал сюжетлардан бири – ўладиган ва тириладиган табиат культлари билан боғлик бўлиб, унда ҳаёт наху шим бирлиги ҳақидаги ҳаётнинг абадийлигини тасдиқловчи тасаввурларнинг бутун ботиний мазмуни ўз ифодасини топган.

Қадимги орий халқлари мифологиясида худолар катта кучга ишенини билан бирга, улар ҳам инсонларга хос хусусиятлар туттиғиладиган ва ўладиган қилиб кўрсатилади. Бу мифларни мазмуни ибтидоий одамлар динининг дехқончилик билан тишини равишда келиб чиққанини кўрсатади. Йил фаслларининг сененини турини (ўсимликларнинг қишида ухлаб, баҳорда уй-жомий) ҳақидаги умумий тушунча мифда худоларнинг ўлиши тишинини тўғрисидаги тушунча билан боғланниб кетади.

Зоологията, Қаюмарс образида қадимги синкретизм ва узоқ тарихий излари сезилиб турса-да, унинг сезиларли ўзгариш-

Протоп. В.В., Мифология сказки, М., 1968, стр. 214.

Ташев Н., Ўзбек адабиёти тарихи, Т., 1972, 45-бет.

ларга учрагани, архаик аспектдаги жуда хиралашиб қолгани, тимсолнинг анъанавий хислатларидан деярли мосуво бўлгани билиниб туради. Бу, мифнинг “Авесто” вариантлари, юқорида кўриб чиққанимиздек, моддий маданият сферасининг анча кечки ҳадлари билан чегаралангандир.

Қаюмарс билан боғлиқ мифик композицион ечим, асосан, дараҳт, фалл ва эротик кўринишдаги архаик қатlam атрибутилари билан шартланади. Неолит даврида ёқ космогоник ғоялар ва осмон илоҳлари тўғрисидаги тасаввурлар шаклланиш палласига киради<sup>122</sup>. Аммо на неолит, на энеолит даврида Ўрга Осиёда эркакларнинг эротик фигуralари топилмаган. Истисно сифатида айтиш мумкинки, Жанубий Туркманистондаги Қоратепа маконидан сўнгти энеолит даврига оид ўтирган ҳолатдаги эркак кишининг жинсий аъзоси тасвирланган лой хайкалчаси топилган. Бронза даврида Жанубий Туркманистон майдатерракота ҳайкалчалари ичида эротик ҳолатдаги бир гуруҳ эркакларнинг жинсий аъзолари аниқ тасвирланган. Айтиш керакки, бу хилдаги шакллар ибтидоий жамоа даврида кенг тарқалган ва деярли барча дунёвий динларда ўз аксини топган қандайдир эркак культлар обьекти сифатида қаралган. Диншунос олим С.А.Токарев тўғри таъкидлаганидек, “факtlарни синчилаб ўрганиш шуни кўрсатадики, фалл маросимлари аксарият ҳолатларда хўжалик, тўғрироги, дехқончилик сферасини қамраб олган”<sup>123</sup>.

Ҳақиқатан ҳам, Жанубий Туркманистондаги эркак ҳайкалчалари жинсин аъзоларининг икки ёни ва пастда – сон қисмида параллел равища иккита дараҳт шакли туширилган<sup>124</sup>. Бу икки дараҳт – эркак ва аёл ибтидосидир. Юқоридаги миф бўйича – Мишо ва Мишонадир.

Қаюмарс тўғрисидаги мифнинг хўқиз тимсолидаги варианти, семантик эквавалентликдан фарқли ўлароқ, архаик культларда кенг тарқалган. Унда хўқизни бошидан ейишга тушади. Хўқизнинг бошида шоҳ бор. Шоҳ мавжуд ҳолатда фалл символи билан изоҳланади<sup>125</sup>. Хўш, битта мотив нега турлича тушунилади? Асли-

<sup>122</sup> Массон В.М., Сарианиди В.И., Среднеазиатская терракота эпохи бронзы, М., 1973, стр. 20.

<sup>123</sup> Токарёв С.А., Ранние формы религии, М. 1990. стр. 364.

<sup>124</sup> Массон В.М., Сарианиди В.И., Среднеазиатская терракота эпохи бронзы, М., 1973, стр. 20.

<sup>125</sup> Топоров В.Н., К происхождению некоторых поэтических символов. Палеолитическая эпоха – Ранние формы искусства, М., 1972, стр. 84.

да, бу – табиий. Негаки, замон сфераси макон моҳиятини хира-лаштиради. Мавжуд ҳолат шу билан изохланадики, архаик символ кодлари кейинги даврлар учун изчил, тўлиқ эквивалент бўла ол-майди<sup>126</sup>. Шунинг учун ҳар бир янги атрибут, қайсиdir даражада мавжуд ахборот ҳажмини тўлдиради, дикқатни янада унинг янги жиларига қаратади<sup>127</sup>. Эркаклар тасвиirlangan terrakota ҳайкалчалари, асосан, илк бронза даврига хосдир. Уларнинг кўплаб коллекциялари ривожланган бронза давридан бизгача етиб келган<sup>128</sup>. Бу образлилик шунчалик яшовчан бўлганки, у ҳатто скиф даври антропоморфик тош ёдгорликлари кўринишида ҳам давом эттирилган. Қораденгизбўйи, Шарқий Европа ва Сибирдан топилган шу типдаги 20 ёдгорликдан 7 тасида фалл тасвири учрайди. В.И. Гошкевичнинг фикрича, улардаги фалл тасвиirlарида ҳеч қандай антропоморфизм элементлари кўринмайди. Бошқача айтганда, Скифияда нафақат инсон қиёфали образли тош устунлар, балки фалл тасвиirlари ҳам бир хил тасаввур уйғотган. Бу скиф ёдгорликлари семантикасига айнан мос тушади. Бир томондан, фалломорфизм бемалол илк аждод-илоҳ тасвирига монанӣдир, бошқа томондан – айнан фалл турлича архаик маданиятларда космик устун эквиаленликлардан бири, умуман олганда, универсал олам қурилишининг символи сифатида тасаввур қилинган<sup>129</sup>.

Уч қисмли космос ҳақидаги тасаввурлар ҳар қандай мифотик концепцияда турлича бўлган образ-рамзлар тили орқали ифодаланади. Шулар ичида бир қатор оммабоп саналгани дарахтдир; унинг шохлари – кўк, танаси – ўрта, томирлари – ер ости олами билан боғланиб, буларнинг ҳаммаси космологик концепция – “олам дарахти концепцияси” атамаси билан ифодаланади<sup>130</sup>.

Қаралаётган мифда Қаюмарс пуштидан икки томчи эрлик суви ерга томиб, ердан икки туп равоч дарахти униб чиққани ва ундан бир жуфт инсон болалари пайдо бўлгани тўғрисидаги мотив мавжуд.

<sup>126</sup> Мелетинский Е.М., Поэтика мира, М. 1972, стр. 234.

<sup>127</sup> Фрейденберг О.М., Поэтика сюжета и жанра, М., 1936, стр. 48.

<sup>128</sup> Массон В.М., Сарианиди В.И., Среднеазиатская терракота эпохи бронзы, М., 1975, стр. 43.

<sup>129</sup> Раевский Д.С., Скифские каменные изваяния в системе религиозно-мифологических представлений ираноязычных народов Евразийских степей. В книге “Средняя Азия, Казказ и Зарубежный Восток в древности”. М., 1983, стр. 43.

<sup>130</sup> Грантовский Э.А., Индо-иранские касты у скифов, М., 1960, стр. 1.

Маълумки, дараҳт образи қадимги туркий халқлар мифологиясида муҳим ўрин тутади. Туркий халқлар оғзаки ижодининг юксак намуналаридан ҳисобланган “Тоҳир ва Зухра” достонида Зухра ва Тоҳирнинг қабридан ўсимлик (дараҳт) ўсиб чиқади, Одамнинг дараҳт ёки ўсимлиқдан пайдо бўлгани ҳақидаги антропонимик миф ҳамда “ўлиб-тирилувчи маъбуллар” тўғрисидаги мифологик қарашлар таъсирида шаклланган бу эпик мотив ҳам асар сюжетининг қадимий элементлари сирасига киради<sup>131</sup>.

Мажусий мифологиянинг ўзига хос мажмуаси бўлган исланд “Эдда”сида дунёниг яратилиши ва ҳалокати ҳақидаги миф акс эттирилган. Унда денгиз ёқасидаги икки жонсиз дараҳтдан одамларни (эр ва хотин) бунёд этганлар<sup>132</sup>. Пайқаган бўлсангиз, мифларда эр ва хотинлик ибтидоси шартлилиги мужассамдир. Икки бир хил жинснинг пайдо бўлиши насл бардавомлигини бермас эди.

Қаюмарс ҳақидаги миф оғзаки ижод намунаси бўлгани сабабли унда барча шартли тафсилотлар умумийлик фонида берилган. Аммо санъат намуналарида бу архаик қатlam белгилари аниқ шаклда берилган. Масалан, қадимги ҳинд муҳрларида аёл илоҳа дараҳт япроқлари тимсолида тасвирланган<sup>133</sup>. Жанубий Туркманистондаги эркак ҳайкалчалари жинсий аъзоларининг пастида – иккала сон бўйлаб икки хил япроқли дараҳт тасвири туширилган<sup>134</sup>. Бу тасвиrlарда, нимагадир, дараҳт шохи билан “паст”га (ерга) – уруғ униш жойига йўналтирилган. Бу аграр күльт доирасидаги таснифлаш тизимининг излариdir.

Ўзбекистондаги Сополлитепа ва Жарқўтон маконларидан топилган муҳрларда ҳаммадан ҳам кўпроқ саккиз, олти, тўрт шохли дараҳт тасвири учрайди. Худди шу тасвир туширилган муҳрнинг орқа тарафида эчки, илон, чаён, қуш ёки геометрик шакллар мавжуд. Айтиш керакки, муҳрларнинг иккала томонидаги тасвиrlар битта композицион ечимга эга; улар бир-бири-

<sup>131</sup> Жўраев М., Эпик тафаккур маҳсули // “Ўзбекистон ва адабиёти” газетаси, 2010 йил 26 март.

<sup>132</sup> Қаюмов О., Чет эл адабиёти тарихи, Т., 1973, 21-бет.

<sup>133</sup> Антонова Е.Ф., Мургабские печати в свете религиозно-мифологических представлений первобытных обитателей юга Средней Азии и их соседей – в книге “Средняя Азия, Кавказ и Зарубежный Восток в древности”, М., 1983, стр. 22.

<sup>134</sup> Массон В.М., Сарианиди В.И., Среднеазиатская терракота эпохи бронзы, М., 1973, стр. 123.

га боғлиқдир: марказ (даражат-эчки), юқори-қуи (куш-чаён)<sup>135</sup>. Неолит даврида Ўрта Осиёда амалда бўлган ритуаллар ўзида табиат ва космогенез ғояларини акс эттиради. Ҳосил берадиган дараҳат – олам маркази ва борлиқ мукаммаллиги образи билан боғлангандир (мифдаги Қаюмарснинг ўлими олдидан “олам хуснини бир муддат кўриб турай” деб орзу қилган эпизод ёдингиздами?). Бу том маънодаги космик, бутун борлиқни қамраб олувчи кучдир.

Буларнинг ҳаммаси Қаюмарс образининг узоқ эволюцияси давомида йўқотилган жиҳатларини тўлдиришга, уни янада тўшкроқ тасаввур қилишига ёрдам беради.

Қаюмарс билан боғлиқ мифда эчки, илон, қуш ва чаён образининг тасвир этилмагани, унинг антропоморфик илоҳлар билан алоқада бўлиши ҳолатига зид келмайди. Мухими, у ёки бу ҳолат ҳам бир комплекс доирасида қаралади. Ибтидоий асарлар ва архаик санъат ҳамма вақт космогоник мазмундадир. Яратилган барча нарсалар илк космогоник актнинг такрорланишидир. М.Олиаденинг фикрича, оламнинг яратилиши инсониятнинг барча ижодий саъй-ҳаракатлари архитипидир.

Шундай қилиб, хўқиз образи ва унинг кейинги тадрижийлик шакллари қадимги дехқонлар тасаввурида нафақат ҳосил унумдорлигини таъминловчи, балки кенг маънодаги насл бардавомлиги рамзи ҳисобланади. Хўқиз культи қадимги даврларда Олд Осиё, Кавказ ва Ўрта Осиёда қизгин амалда бўлган. Ўрта Осиё антропоморфик терракоталари, умуман олганда, архаик қатлам семантикасини очишда бирмунча яхши ўрганилган, бой илмий материалларга эга бўлган Месопотамия, Олд Осиё ва Кавказ шакллари тарихига мурожаат қилиш жоиздир; негаки, мазкур шакллардаги қадимги аҳолининг дунёқарashi, тасаввурларнинг умумийлиги, алоҳида образлар талқинининг услубий ўзига хослиги ва мавзулардаги ўхшашликлар факти шуни тақозо этади.

Шуропакка (ҳозирги Фара) матнларнинг бири туғилиш маросими билан боғлиқдир. Унда хўқизнинг аёлга чопгани хусусида гап кетади ва ундан (хўқиздан) ҳақиқий инсон уруфини қабул этишини мумкинлиги айтилади. Қизик, нима учун хўқиз аёлга ғарәб чопади ва нега ҳақиқий “инсон уруфи”ни ҳосил қиласди? Бу чорвани урчитиш жараёни билан боғлиқ бўлиб, мавсум яхши учун эркак киши бундай пайтда хўқизга айланиши керак.

Бошқа халқларнинг жуфтлашиш маросимларидан маълумки, муқаддас жуфтлик пайтида эркак киши ҳўқиз шохли ниқоб кийиб олади. Шундай қилиб, у бир вақтнинг ўзида ҳам ҳўқиз, ҳам эркак функциясини бажаради<sup>136</sup>.

Мисрда ҳам, қадимги Ҳиндистонда ҳам ва бошқа чорвачилик ҳамда дехқончилик билан шуғулланувчи энг примитив халқларда ҳам муқаддас жуфтлашиш ер ва чорва унумдорлигини меъёрлаштирувчи йиллик цикл маросимларининг энг муҳими ҳисобланган<sup>137</sup>.

Қаюмарс ўлимининг семантикасини якунлаймиз. Мифлардаги ўлим мотивлари, умуман, архаик тасаввурлар учун характерлидир. Бу масалада О.М.Фрейденбург унумли ишлаган. Унинг айтишича, дехқончилик даври ишлаб чиқариш акти “ўлим билан ифодаланган”, чунки аёл ер билан боғланган; у емак актига тенглаштирилади ва емоқ табиат культи илоҳининг ўлими – туғилиши кўринишида бўлади”<sup>138</sup>.

Абу Райхон Беруний келтирган иккинчи миф талқинини ўқыймиз: “Улар еб-ичишмаган (Мишло ва Мишоналар) ва ҳеч нарсадан азият тортмай, фаровонлиқда эллик йил яшаганлар. Ниҳоят, уларга Аҳраман кекса киши суратида кўриниб, дараҳтлардан мевалар ейишни бошлаб берган ва ёшлиги унга (Аҳраманга) қайтиб келган, шунда улар ҳам ейишган ва ўша заҳоти иккови бало ва ёмон холларга гирифтор бўлганлар. Уларда иштаҳа пайдо бўлиб, охири бир-бири билан қўшилганлар ва улардан бола туғилган, қўрқиб болани еб қўйишган. Сўнгра худо уларнинг дилларига меҳрибонлик солган...”

Ушбу мотив, аслан, Библия ҳикояси бўлиб, у Қуръон орқали озгина ўзгаришлар билан бизгача етиб келган. “Борлиқ китоби”да ёзилишича, худо бизнинг илк аждодларимиз учун баҳтили боғда уй-жой қуриб берган. У ерда “кўринишидан гўзал ва ейиш учун тотли” турли-туман дараҳтлар ўсади; бу ерда одамлар билан ҳайвонот дунёси ҳам ёнма-ён яшайди; бу ерда эркак ва аёл уятли ишлар қилмайди ёки умуман аҳмоқлик нима эканини билмайди: бир сўз билан айтганда, бу гуноҳсизлик даври эди. Афсуски, бу баҳтиёр дамлар узоққа чўзилмайди ва ёруғ кунлар булат билан алмашади. Кунлардан бир куни илон Момо ҳавони

<sup>136</sup> Емельянов В.В., Ритуал в Древней Месопотамии. С.-П., 2003, стр. 53-54.

<sup>137</sup> Кўрсатилган асар, 99-бет.

<sup>138</sup> Фрейденберг О.М., Поэтика сюжета и жанра, М., 1936, стр. 80.

алдаб, битта тақиқланган дарахт мевасидан олиб ўзи ва эрига беради. Мана шундан бошлаб мангут уят, кулфат ва ўлим уларнинг ҳамроҳи бўлади<sup>139</sup>.

Эзгу кучлар хаос билан бўлган жангда ўз ўлимини топади, буни академик В.И. Вернадский маконнинг замондан бўлининши сифатида қарайди.

Ўлим – йўқотиш, биосфера организмларининг барчаси бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир<sup>140</sup>.

Архаик дунёкараш нуқтаи назаридан социум аъзосининг ўлими тартиб қоидаларининг /космик, ижтимоий ва ҳқ./ бузилишидир. Бунда вафот этганини ижтимоий даражаси қанча юқори бўлса, йўқотилиш шунча кучли бўлади<sup>141</sup>.

Одатда скифларнинг Ҳеродот талқинидаги генеалогик мифида уруғбоши Тазфитой назарда тутилади. Қатъий қилиб айтганда, скиф мифологиясининг биринчи шоҳи Тарғитой эмас, унинг ўғли Колаксайдир<sup>142</sup>. Бу ерда скиф шоҳларининг бобоси ва руҳий патрони бўлган Тарғитой биринчи шоҳ даражасига эришган ўз ўғли шуҳратига соя солмоқда. Бундай янгиш қарашлар мифологияда бемалол мумкиндир.

Қаюмарс образида скиф давлатчилигининг ибтидоси кўзга ташланади.

Нима бўлганда ҳам, бундай мифларда мил. ав. VII асрнинг биринчи ярмида яшаб ўтган скиф-сак қабилалари иттифоқининг подшоси назарда тутилган.

<sup>139</sup> Фрэзер Д.Д., Фольклор в Ветхом Завете, М., 1975, стр. 29-31.

<sup>140</sup> Гумилёв Л.Н., Этногенез и биосфера Земли, М., 1993, стр. 253.

<sup>141</sup> Раевский Д.С., Скифские каменные изваяния в системе религиозно-мифологических представлений ираноязычных народов Евразийских степей. В книге "Средняя Азия, Казказ и Зарубежный Восток в древности". М., 1983, стр. 56.

<sup>142</sup> Раевский Д.С., Очерки идеологии скифо-сакских племен, М., 1977, стр. 72.

## Афросиёб

“Авесто” саҳифаларида, шунингдек, А.Р.Беруний, Ал-Хоразмий, М. Кошгарий, А. Фирдавсий, Юсуф Ҳос Ҳожиб, У.Ҳайём, А.Навоий каби кўхна тарихимизнинг билимдонлари ўз асарларида Афросиёбни тарихий шахс сифатида кўрсатиб ўтган.

Биринчи Президентимиз мана бу гапида минг марта ҳақ: “...тарихимиз ҳақида гап кетганда, биз ҳамон рус олимларининг тадқиқотларига таянамиз, иқтибос кўчирамиз. “Бартольд ундей деган, Гумилёв бундай деган...” ва ҳк. Мен рус олимларининг меҳнатини камситмоқчи эмасман. Лекин қачонгача биз тарихимизни бирорларнинг нуқтаи назари билан, қаричи билан баҳолаймиз?”<sup>1</sup>

Шуни афсус билан таъкидлаш керакки, сўнгги йилларгача тарихимизда хукмрон бўлиб келган ёндошув ва анъаналар XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср давомида шаклланиш палласига кирди; ўлка тарихи мустамлакачилик сиёсатига бўйсундирилди; туркий халқлар азалийлигини шубҳа остига олиш, туркий халқларнинг шаклланиш жараёнини кейинги тарихий даврлар билан боғлаш одат тусига кирди”<sup>2</sup>. Жумладан, В.В.Бартольд тадқиқотларида Эронда қадимда ва илк ўрта асрларда рўй берган муҳим ижтимоий ва сиёсий ўзгаришларни ўз давридан кўра анча илгариги вақтларга нисбат беришга уриниш одати бор эди, деб бир неча бор таъкидлаб кўрсатган. А.Ю.Якубовский “Шарқ халқлари тарихидаги ижтимоий муаммоларнинг В.В.Бартольд асарларида ёритилиши” мақолосида В.В.Бартольд фикрларига асосланиб, Манучехрга нисбат берилган воқеалар энг қадимги даврда эмас, балки милодий VI аср бошларида юз берган, деб тахмин қилди. Бундай қарашлар нафақат Афросиёб даври, балки бутун Шарқ тарихини нотўғри талқин қилишга олиб келди.

Афросиёб даврини ойдинлаштиришдан олдин унинг шахсиятини аниқлаб олиш зарурати туғилади. Афросиёб – Алп Эр Тўнганинг тоҷикча номи эканини А. Р. Беруний ҳам<sup>3</sup>, Юсуф Ҳос Ҳожиб ҳам<sup>4</sup> ёзib қолдирган. Лекин тарихий манбалар Алп Эр Тўнганинг яна бир лақаби борлигини кўрсатади. Бу – Ўғизхон бўлиб, ушбу лақаб унга Афросиёбдан олдин берилган. Турк олими Усмон Турон бу борада ҳақ: “Турк ривоятларида Ўғизхон, Эрон ривоятларида Афросиёб бўлган”<sup>5</sup>.

Самарқанддаги Афросиёб атамаси топонимми ёки этнонимми? Агар топоним бўлса, у тоҷикча “афroz” – “баланд тепалик”,

чъни “Сиёб тепалиги” деган маънени англатади<sup>6</sup>. Иккинчи хотатда эса Алп Эр Тўнганинг “Алп” қисми гидроним – Сиёб билан кўшилиб, Алп Сиёб→Алпи Сиёб→Алпосиёб→Афросиёб шаклтарини олган бўлиши мумкин.

“Авесто”да унинг яна бир лақаби –Фаранграсян деб номланади (Маъноси-даҳшат солғучи ёхуд кўрқув солғучи одам)<sup>7</sup>

Ўғузхон атамасига келсак, бу ном қадимги туркий халқларнинг тотеми билан, яъни дастлабки номлар мифологик кўришишдаги ҳайвонлар, биринчи навбатда, тотемлар билан боғлиқ бўлган<sup>8</sup>.

“Ўғуз” (“Хўқиз”) – туркий халқларнинг энг асосий уруғларидан бири бўлган, – дейди машҳур адаб Ч.Айтматов эскартишларидан бирида. – Қирғизлар ҳам “Қир-хўқиз”дир, яъни “тоғли хўқиз”<sup>9</sup>.

Муаммога оид барча адабиётларни танқидий қараб чиқкан А.Н.Кононов ҳам “ўғуз” атамасини биз билан бир хил тушунади: “Ўғуз” этник жамловчи отининг ўзаги (ЎҒ) – “урӯғ, қабила”дир.

Шундай қилиб, “ўғуз” сўзи дастлаб “қабила” маъносини, бирзанинг қабилаларни англатиб, кейинроқ жамловчилик маъносига эга бўлган этник номга айланган<sup>10</sup>.

Яна бир ҳолат борки, ўғуз қабиласи қадимда “уху” ёки “угу” деб аталган<sup>11</sup>. “Ўг” қадимги туркий тилда “ақл” маъносини беради: ўғит-насиҳат сўзи ана шундан ясалган<sup>12</sup>.

Шу ўринда яна бир нарсани: Афросиёбни яна бир лақаби ГАГ (ГОГ) бўлганини ҳам билиб оламиз. У Farb адабиётларида ана шу ном билан аталган. Бу ҳақда кейинроқ тўхтalamиз. Ҳозир эса мазкур таҳрамон яшаган замон сферасини аниқлашга ҳаракат қиласиз.

Наршахийда Афросиёб ўз куёви Сиёвшни қатл этгани мунослоти билан эсланади: “Бу гаплар бўлганига, – дейди Наршахий, – ҳозир З минг йилдан ортиқроқ вақт ўтди”<sup>13</sup>. Бу маълумотни ўша саврнинг яна бир йирик олими М.Кошғарий ҳам тасдиқлайди<sup>14</sup>.

Бухоро тарихчиси Наршахий юқорида ҳикоя қиласиз Афросиёб тўғрисидаги воқеликка уч минг йил бўлганлигини айтади. Наршахийнинг милодий X асрда яшаб ўтганини ҳисобга олсак, то воқелик мил. ав. II минг йилликнинг бошларида рўй бергани таълум бўлади.

Машҳур адаб Ч.Айтматовнинг қирғиз халқи тарихи тўғрисидаги эскартишларининг бирида қизиқ бир маълумот учрайди: штой манбаларида “Эрамиздан олдинги 2001 йили Ўғузхон

ўрдасини ғарб томонга кўчиради, йўлда қирғизларга дуч келади ва уларни янчид ташлайди”, деб ёзилган. Бу сана ҳам айнан Наршахий ва Кошғарий маълумотларига мос бўлиб тушяпти<sup>15</sup>.

Хўш, Афросиёб қайси даврда яшаб ўтган? Бу ерда қадимий хронология моҳиятини англаб етишга тўғри келади. Гап шундаки, қадимги халқлар ўз тарихларини ва тарихгача бўлган хронологияни жуда қадрлашган.

А.Македонскийдан сал кейинроқ яшаган бобиллик олим Бероз бу сирли хронологияни англашга муваффақ бўлган. Масалан, Оссурия шоҳи Ашурбанипал Эlam пойтахти Шушани (Суз) эгаллади. Бу воқеа христиан эрасигача бўлган 645 йилда рўй берган. Мазкур воқелик ҳикоя қилинган ёзувда шоҳ эслайдики, бу ердаги ибодатхонада мавжуд бўлган шумер-акгад худоси Наннинг ҳайкалини Эlam шоҳи Худур Нанхунди уни Урух шаҳридаги ўз ибодатхонасига олиб келган; булар ўғирланган пайтда ушбу шаҳар роппа-роса 1635 ёшга тенг бўлган. Демак,  $1635+645=2280$  ҳосил бўлади<sup>16</sup>.

Афросиёб (Ўғузхон) хронологиясини ҳам шу тахлит ҳисоблаб чиқариш керак. Бу ердаги Афросиёбгача (Ўғузхон) бўлган орийлар тарихи – мил. ав. 1400 йил. Унга Ўғузхоннинг ғарбга – Ўрта Осиёга кириш санаси – тахминан 600 ни қўшсак:  $1400+600=2000$  йил ҳосил бўлади.

Демак, Алп Эр Тўнга – Ўғузхон – Афросиёб – Гог (Гигес) – Фаранграсян тарихдаги битта шахс бўлиб, у мил. ав. VII асрда Ўрта Осиёга кириб келади.

Афросиёб “Авесто”да Турон шоҳи сифатида эсланади. Пойтахт этиб Самарқандни (Афросиёбни) танлайди. Бу айнан Самарқандда – Афросиёб тепалигида олиб борилган кенг кўламдаги археологик тадқиқотларда ҳам ўз аксини топди. Алп Эр Тўнга ўзига пойтахт қилиб Самарқанд шаҳрини танлайди ва шу ердан туриб бутун Туронни бошқаради. Шаҳарнинг мудофаа деворлари мил. ав. VII-VI асрларда бунёд этилган<sup>17</sup>. Рим тарихчиси Квинт Курций Руфнинг (1-аср) ёзишича, Самарқанд қалъаси деворининг айланаси, тахминан, 10,5 км бўлган<sup>18</sup>.

Новадон ариғи (Самарқанд шаҳрининг энг қадимги сув манбаларидан бири)дан чиқарилган маҳсус ариқ орқали мил. ав. V – IV асрларда Афросиёбга сув олиб келинган.<sup>19</sup>

Афросиёб бунёдкор шахс бўлган. М.Кошғарийнинг ёзишича, Алп Эр Тўнганинг қизи Каз (Оқ гоз) Эрон подшосига узатилади. Бу қиз ҳам Эронда шаҳарлар бунёд қилишга интилади. Казвин

Буларнинг ҳаммасига Афросиёб тимсоли сабабчи бўлган – жангларда унинг мислсиз саркардалик истеъоди намоён бўлган.

Жангларда Афросиёб баробарида ўғилларини ҳам жасорати таҳсинга сазовор.

Эрон мулкини ўғилларига топшириб, ўзи Кичик Осиёдаги Лидия подшоҳлигига асос солади.

Ўша пайтда сак-скифларнинг ҳарбий ташкилотлари жуда кенг ривожланган эди. Улар ҳарбий отлиқлар эди. Унча катта бўлмаган камонлар билан қуролланган, камон ўқлари тери билан қопланган маҳсус ёғоч филофларда сақланарди. Жангчига чарм қайиш берилган, унга турли керакли нарсалар, чап томонига эса қилич осилган. Жангда турли қуроллардан фойдаланилган: отилувчи металлар, қамалда ишлатиладиган оммавий темир учли оғир найзалар, темир қилич, ҳарбий болталар ишлатилган<sup>25</sup>.

Мил. ав. VIII асрда сак-скифларнинг янги отув қуролини ихтиро қилиши ва отларнинг юксак даражада қўлга ўргатилиши ҳарб ишидаги аҳволни бутунлай ўзгартириб юборди. Сак-скифлар тактикаси янгидан яратилган оммавий енгил от қўшинлари асосига қурилган эди. Янги камон ўқининг учлари эскиларига алмаштириларди, эскилари ва яроқсизлари темирчиларга бериларди, темирчилар, афтидан, отлиқ қўшинлар таркибиға киритилган. Бундай қўшин ўзига хос ҳаракатчан, узоқни кўзлайдиган ва ўқларнинг нишонли кучи душмандан ҳамма вақт ҳам хавфсиз ҳолатда сақланишини таъминларди. Ўқ, асосан, отнинг бошидан ошириб ёки бўлмаса, орқага қараб ҳам чаққонлик ва ҳеч бир қийинчилксиз отиларди.

Сак-скиф отув санъати бутун Яқин ва Ўрта Шарқ қуролли кучларида мил. ав. VII-V асрлар давомида амалиётта жорий қилинди<sup>26</sup>.

Лидия шоҳлигининг гуллаб яшнаган даври мил. ав. VII-VI асрларга тўғри келади.

Унга айтганимиздек, Гигес (Афросиёб) асос солган. У Фригиянинг бир қисми, шунингдек, Кари, Троада ва Микияни Лидияга қўшиб олади, бу билан лидияликлар Қора денгиз бўйлаб энг муҳим савдо ва денгиз йўлларига чиқиш имкониятига эга бўлганлар.

Савдони ривожлантириш эҳтиёжлари Эгей денгизига чиқишни талаб қиласр эди. Шу муносабат билан Гигес йирик

грек шаҳарлари – Милет ва Смирнга юришлар қилган; бунда у даставвал муваффақиятга эришмаса-да, кейинчалик Колофон ва Магнезини қўлга киритган<sup>27</sup>.

Лидия ана шундай моҳирлик билан сиёсат олиб бораётган бўлса-да, унинг Шарқдаги сиёсати ҳақида бундай деб бўлмайди. Бу ерда у Киликия орқали Шарқий Ўрта ер денгизига чиқишида муваффақиятсизликка учраб, Каппакияда ўрнашиб қолган киммерлар хавфи остида яшар эди. Киммерлар билан бўладиган жангда Оссурия ёрдамига кўз тиккан Гигес у ерга ўз элчисини юбориб, Оссурия ҳокимиятини тан олади<sup>28</sup>.

Ашурбанипал хузурига борган элчилар миссияси қандай вазифани бажаргани ва уларга қандай ўлчовда ёрдам берилиши айтилгани бизга номаълум. Ҳар ҳолда бу иттифоққа суюнган Гигес киммерийлар устидан ғалабага эришади. Шу билан бирга Лидия тез орада ўзига Миср ва Вавилон сингари бошқа иттифоқчилар ҳам топади. Чунки уларни ҳам Оссурия хавфи безовта қиласди ва афтидан, мил. ав. VII аср ўрталаридан жуда кенг тус олган аксили-оссурийлик ҳаракатида қатнашишга қарор қилган эдилар<sup>29</sup>.

Бу воқелиқдан кейин Оссурия киммерийларни Лидияга қарши гиж-гижлай бошлади. Натижада киммерийлар Лидияга бостириб киради ҳамда улар билан бўлган қақшатқич жангда Гигес ҳалок бўлади ва бутун мамлакат киммерийлар қўлига ўтади. Босқинчилар Сарди шаҳрига ўт қўядилар, лекин Лидия пойтахтини қўлга кирита олмайдилар<sup>30</sup>.

Жангда ҳалок бўлган Гигес ўрнига ўғли – Ардис ўтиради (Аспида бу исмнинг ўзаги – Ариж бўлиб, унга греклар “с”, форслар “аси” қўшимчасини қўшиб ишлатганлар. А. Навоий ҳам уни Аржасп деб келтиради) ва душманларни бу ердан ҳайдаб юборишга пришади.

“Ватан туйғуси” китоби муаллифлари Афросиёб – Алп Эр Тўнганинг вафоти санасини мил. ав. 626 йилнинг кузида деб оғлан<sup>31</sup>. Фарб адабиётларида эса бу сана мил. ав. 654 ёки 653 йил ўзбек кўрсатилади<sup>32</sup>.

Афросиёбнинг қабри каерда? Бухородами ёки Самарқанддам? Наршахий шундай маълумот беради: “Афросиёбнинг гўри Бухорода Маъбад дарвозасида раҳматли Хожа имом Абу Хафс Йаъир тепалигига туташган катта тепалик устидадир”<sup>33</sup>.

“Аммо Бухоронинг қадимги тарихига оид маълумотларнинг аксарияти афсоналар асосида ёзилганлиги учун уларга тўла

асосланиб бўлмайди.-дейди археолог А.Муҳаммаджонов. Шундай қилиб, Нашаҳийнинг Бухоро ва унинг атрофида жойлашган қадимий қишлоқлари ёши ҳақидаги маълумотлари археологик қазишмаларда ўз тасдиғини топмади”.<sup>34</sup>

Айрим форсий манбалар тарихий шахс бўлган Алп Эр Тўнгани икки минг йил умр кўрган жодугар Афросиёб деб атаб, афсонавий ёвуз қаҳрамонга айлантириб юборганликлари асоссиз уйдирма бўлганлиги учун бу уйдирмани Юсуф Хос Ҳожиб ҳам, М.Кошғарий ҳам аниқ тарихий фактлар ёрдамида инкор этадилар.<sup>35</sup>

“Алп Эр Тўнга ёки Афросиёб жангномаси”да шундай марсия бор:

Алп Эр Тўнга ўлдиму,  
Эссиз ажун қолдиму,  
Озлак учин олдиму,  
Эмди юрак йиртилур.

Бундай изтиробга тўла самимий сўзларни фақат чиндан яшаб ўтган ва эл-юрт орасида севимли бўлган қаҳрамон ҳақида айтиш мумкин. Қаранг: Алп Эр Тўнганинг мусибат чекканларни юраклари йиртилиб кетгудек бўлади. “Эсиз ажун” деган сўзлар “изсиз, ўткинчи, бевафо дунё” деган маънони беради. “Озлак” дегани “вақт, замона” маъносида келади.<sup>36</sup>

Хўш, унда қаерда бўлиши мумкин? Яқинда Лидия шохи Гигнинг қабри Лидия пойтахти Сардда археологик экспедиция раҳбари профессор Ханфман бошчилигида топилди. Археологлар ҳатто орийларнинг археологик тавсифномасини ишлаб чиқдилар. Бунга кўра, орийлар ўз уруғ-аймоқлари ичida энг нуфузли шахс вафот этганида уларга атаб маҳобатли мозорқўрғонлар бунёд этганлар (Тегискен, Солоҳа, Аржан, Салбик, Қулбобо, Синташта, Башадар, Пазирик ва ҳк.). Бундай мозорқўрғонлар сўнгги бронза ва илк темир даврларига хос бўлиб, улар Қора денгизнинг шимоли-шарқий соҳилларидан то Байкалгача чўзилган Евросиё чўлларида учрайди.<sup>37</sup>

Аслида Афросиёбнинг ўғиллари кўп бўлган. Ўзбекистон Республикасининг давлат герби матнида қўйидагилар ёзилган: “XII асрнинг машҳур тарихчиси Рашидиддин Ҳамадоний “Танланган тарихлар” номли китобида шаҳодат беришича, Ўғизхон ўз мол-мулкини ўғилларига улус сифатида кичик давлатларга бўлиб, инъом этган.

Бундан 2500 йил муқаддам Эрондан Олтойга қадар чўзилган улкан сарҳадда Ўғизхон ҳукмронлик қилган.

Ушбу давлатлар хукмдорлари ҳам ўзларининг хонлик тамға-  
тарига эга эди”.

Тарихчию шоирлар Афросиёб кўкларга кўтариб мақтаган.  
Фирдавсий, айниқса, Турон шохи Афросиёб қиёфасини бутун  
бўй-басти билан таърифлайди:

Кўхи оҳанин гардад ҳамчу об,  
Гар бишнавад номи Афрасиёб.

(Пўлат тоғ ҳам Афросиёб номини эшигандан қўрқувдан сув  
бўлиб эриб кетади)<sup>38</sup>.

Ўша пайтда Иудеяда яшаган пайғамбар Иеремия ўз эҳтиро-  
сини “қайнаган қозон” ибораси билан ифодалайди ва уларнинг  
“шимолдан кириб келган”ини кўради. У китобининг бир неча бо-  
бини (IV V VI) скифлар босқинчилиги воқеларига бағишлиайди ва  
у бир неча марта уларнинг “шимолдан” келганини такрорлайди:  
“Чопинг, тўхтамасдан чопинг ёхуд шимолдан келган бало-қазо-  
лар ва буюк ўлимни сизларга кўрсатаман”; “Уларнинг отли ара-  
валари худди булутлар каби ўрламоқдалар, отлари бургутлардан  
ҳам чопқир”; “Ана, шимол мамлакатидан келган одамлар кел-  
моқда: қўлларида найза ва қалқон; улар қатъиятли ва ғазабли;  
овозлари денгиз пўртаналари каби шовқин солади ва отларда  
чаққон ва мустаҳкам ўтиради”<sup>39</sup>.

Лидияликлар ўз давлати асосчиси бўлган Гигесга маҳобатли  
монументал қабр иншооти, сув омбори (Гигел кўли) қурганлар.

Яқинда Лидия шохи Гигнинг қабри Лидия пойтахти Сардда  
археологик экспедиция раҳбари профессор Ханфман бошчили-  
гига топилди.

Подшоҳ Гиг қабри лидияликларнинг илк монументал иншо-  
отларидан биридир. Иншоот ичida тош туннеллар тортилган ва  
унинг деворларида бир неча марта Гуггу – Гиг ёзувлари учрайди.  
Профессор Ханфаннинг айтишича, деворлар ва хобхона йирик  
тошлардан терилган. Бу усул мил. ав. VII аср ўрталаригача ҳеч  
қаерда ишлатилмаган. Ушбу монументал қурилиш Шарқий Ўрта  
ер денгизи ҳудудларидаги илк намунаси ҳисобланиши шубҳасиз.

Лидия маданиятининг Ўрта Осиё, айниқса, Хоразм – Сўғд ма-  
даниятига айнан ўхшашлиги (суяқ, куб, тўп билан бўладиган ҳар  
хил ўйинлар; гимнастик ҳарбий ўйинлар ва ҳарбий кўшиклар;  
музиқали ассоблар; диндаги ўладиган ва тириладиган культ  
илюхи – Сабазий ва ҳқ.) юқоридаги фикрларимизнинг яна бир  
бор кафолат беради.

Тарих ва тақдир тақозаси билан халқимиз Туркиядан Олтойгача бўлган улкан худудни эгаллаган туркий элларнинг марказий қисмида яшашга, Алп Эр Тўнга-Афросиёб шаҳарлар куриб қолдирган Самарқанд, Бухоро, Тошкент ҳамда Фарғона водийси ва Хоразм воҳасини ватан қилишга мушарраф бўлди<sup>40</sup>.

Афросиёб номини олган Алп Эр Тўнга бугунги Ўзбекистон худудида бунёдкор шахс сифатида яхши из қолдирган бўлса керакки, Самарқанд яқинида қурилган қадимий шаҳарча ҳам Афросиёб деб атаганлар. Тошкент шаҳрининг Мингўрик мавзесида жойлашган яна бир қадимий шаҳарча ҳам Афросиёб номини олганлиги тасодиф эмас<sup>41</sup>.

Бундан ташқари Ўзбекистонда биринчи тезюар поездига ҳам “Афросиёб” номи берилган.

Шундай қилиб, Алп Эр Тўнга – Ўгузхон – Афросиёб – Гиг – Гигес аслида битта шахс, машҳур подшоҳ, моҳир саркарда бўлган.

### АДАБИЁТЛАР:

1. Ислом Каримов, Тарихий хотирасиз келажак йўқ, Т., 1998, 10-11-бетлар.
2. Исоқов М., Тарихий жараён ва холислик мезони, // “Тафаккур” журнали, 1999 йил, 1-сон.
3. Беруний, Танланган асарлар, I т., 1968, 132-бет.
4. Юсуф Ҳос Ҳожиб, “Қутадғу билиг”, Т., 1990, 17-бет.
5. Усмон Турон, Туркий халқлар мағкураси, Т., 1995, 26-бет.
6. Фарҳангি забони тоҷики, М., 1969, 101-бет.
7. “Авесто” Т.2015, 633 бет.
8. Камолиддин Ш. С., Древнетюркская топонимия Средней Азии, Т., 2006, стр. 26.
9. Айтматов Ч., Шохонов М., Чўққида қолган овчининг оҳи-зори, Т., 1998, 319-бет.
10. Гумилёв Л.Н., Қадимги турклар, Т., 2007, 70-бет.
11. Ҳўжаев А., Ҳўжаев К., Қадимги манбаларда халқимиз ўтмиши, Т., 2001, 15-бет.
12. Алиев А.К., Ўзбек адабий тили тарихидан, Т., 1994, 9-бет.
13. Наршахий, Бухоро тарихи, Т., 1991, 103-104-бетлар.
14. Кошғарий М., Девони луготит-турк, З-жилд. Т., 1963, 163-164-бетлар.
15. Айтматов Ч., Шохонов М., Чўққида қолган овчининг оҳи-зори, Т., 1998, 316-бет.
16. Рагозина З.А., История Ассирии, М., 1998, стр. 171.

17. Эшов Б.Ж., История и культура Согданы VII-IV вв. до нашей эры // Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата исторических наук. Т., 1999, стр. 12.
18. ЎзСЭ, 9-т., 462-бет.
19. ЎзСЭ, 8-т., 32 бет.
20. Қодиров П., Тил ва эл, Т., 2010, 15-, 19-бетлар.
21. Альбаум Л.И., Живопись Афросиаба, Т., 1975, таблица 58.
22. "Халқ сүзи" газетаси, 2014 йыл 19 июня, 118-сон.
23. Абулғози, Шажараи турк, Т., 1972, 23-бет.
24. Рагозина З.А., История Ассирии, 1998, М., стр. 312-314.
25. Мартынов А.И., Археология СССР, М., 1973, стр. 132.
26. История Востока, I том, Восток в древности, М., 2002, стр. 215.
27. История Древнего Востока, М., 1988, стр. 192.
28. Күрсатилган асар, 192-бет.
29. Күрсатилган асар, 192-бет.
30. Күрсатилган асар, 192-бет.
31. Иброхимов А., Султонов Х., Жўраев Н., Ватан туйгуси, Т., 1996, 191-бет.
32. Қодиров П., Тил ва эл, Т., 2010, 15-, 19-бетлар.
33. Қодиров П., Тил ва эл, Т., 2010, 15-, 19-бетлар.9
34. Мухаммаджонов А., Қадимги Бухоро. Т., 1991, 38-бет.
35. Қодиров П., Тил ва эл, Т., 2010, 15-, 19-бетлар.
36. Қодиров П., Тил ва эл, Т., 2010, 15-, 19-бетлар.
37. Аскаров, Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи, Т., 2007, 209-бетлар.
38. Ҳомидов Ҳ., "Авесто" файзлари, Т., 2001, 49-бет.
39. Рагозина З.А., История Ассирии, М., 1998, стр. 344.
40. Қодиров П., Тил ва эл, Т., 2010, 28-бет
11. Күрсатилган асар, 17-бет.

### Захҳок

Захҳок – “Авесто”даги энг мураккаб образлардан бири. Унинг семантикасини ёритиш учун бутун бир скиф-сак қабилалари генеологик тарихини қараб чиқишига тўғри келади.

Скифларнинг келиб чиқиши ҳақида Геродот бир неча афсоналарни келтириб ўтади. Улардан биринчиси шундай: “Юртларида ҳеч ким яшамаган замонда бу ерга биринчи бўлиб Тарғитой деган одам келиб жойлашган. Тарғитойнинг аждодлари, скифларнинг айтишича, ота томонидан Зевсга, она томонидан Борисфен (Днепр) дарёсининг қизига бориб тақалади”.

Иккинчи афсонада айтилишича, уйқудан уйғонган Геракл отларини излаб, бу юртни бошидан-охиригача кезиб, Гилея деб аталувчи жойга келиб қолган. У ердаги бир ғорда, ярми аёл, ярми илон бир маххлуқقا дуч келган. Маххлуқнинг бўксадан тепаси аёл шаклида, пасти эса илон бўлган. Ҳайрон қолган Геракл, шу ерда юрган отларни кўрмадингми, деб сўраган. Отларинг менда, деган илон-аёл, лекин мен билан ишқий алоқа қилмагунингча, уларни сенга бермайман. Геракл бундай мукофотга эга бўлиш учун илон-аёл билан қўшилган. Бироқ илон-аёл Гераклнинг ёнида кўпроқ олиб қолиш учун анчагача отларни бермай юрган. Гераклда эса отларни тезроқ олиб кетиш истаги жуда кучли эди. Нихоят, бир куни илон-аёл шундай сўзлар билан отларни қайтариб берган: “Ўзидан ўзи келиб қолган бу отларни сен учун сақлаб қўйгандим. Сен уларнинг бадалини бердинг. Ахир, мен сендан уч ўғил орттирдим”<sup>143</sup>.

Айтиш мумкинки, айнан шу миф скифларнинг илк ватани, уларнинг этногенезиси ва миграциялари, мазкур худуддаги аҳолининг алмашинуви жараёнлари хусусидаги бир қатор тарихий этнографик маълумотларни бера олади. Шу ўринда скифлар семантикасининг очиб беришда нафақат греклар, балки Ўрта Осиё ва Сибирь халқларининг қадимги мифологиясидан ҳам унумли фойдаланиш зарур эканини алоҳида қайд этиб ўтиш жоиз.

Скифлар мифологияси тизимидағи концептуал сюжетлардан энг асосийси эпонимик афсоналардир. Шу важдан ҳам улар Геродот генеологиясида мухим ўрин эгаллаган.

Геродотга кўра, скифлар мил. ав. VIII асрда Қора денгиз бўйларида пайдо бўлади, улар мил. ав. VII асрда Дунайдан тортиб

<sup>143</sup> Қадимги тарихчилар Ўрта Осиё ҳақида, Т., 2008, 7-9-бетлар.

Донгача бўлган ҳудудларга ёйилади<sup>144</sup>. Шунинг учун ҳам скифлар динига греклар маданиятининг таъсири сезиларли бўлган. Лекин грек ҳудолари пантеони муқобил тарзда ўзлаштирилса-да, мазмунан маҳаллий характер касб этган.

Юқорида келтирилган мифларнинг дунёга келиши мифик тарзда баён қилинган. Маълумки, архаик дунёқарашида, жумладан, орий халқларида жамоа осойишталиги, жипсликни таъминловчи космик тартибот тўғрисидаги тасаввурлар муҳим роль ўйнаган.

Айтиш мумкинки, шу миф скифларнинг илк ватани, уларнинг этногенезиси ва миграциялари, мазкур ҳудуддаги аҳолининг алмашинуви жараёнлари ҳусусидаги бир қатор тарихий этнографик фактлар бера олиши мумкин.

Тадқиқотчиларнинг аниқлашича, Фарбий Сибирь қабилалари ҳаётида мавжуд уруғчилик ташкилотлари скифларда ҳам мавжуд бўлган экан. Ҳар бир қабила икки номдаги икки уруғга бўлинган. Бу номлар қадимги тотемлар, яъни ҳайвонлар ва қушлар, балиқ, ўсимлик ва ҳ.к. номи билан боғлиқ бўлган: бу ном мазкур уруғ ёки фратрияянинг мифик уруғбошиси бўлган. Муҳими шундаки, тотем номлари дарёларга берилган, ҳар уруғнинг ўзига тегишли ҳудуди бўлган: у қаттиқ туриб ҳимоя қилинган. Маълумки, шомон маросимлари, шомон йўли топографияси иккига: Кедровка дарёси йўли ва Орла дарёси йўлига ажралади; бу маҳаллий селькуп қабиласининг икки фратриясидан бирининг номи (мифик бобокалони) Кит бўлган. Шунинг учун мазкур фратрияянинг илохи Хантай ярим одам, ярим балиқ шаклида тимсоллаштирилган<sup>145</sup>.

Юқоридаги дуал-уруғчилик тарихидан келиб чиқадиган бўлсак, Днепр соҳиллари бўйлаб яшайдиган скифларнинг бош онаси ярим аёл, ярим илон кўринишида бўлган.

Биринчи афсонадаги Зевс билан Борисфен қизнинг тарихдаги мифик талқини шундан иборатки, скифларнинг Қораденгиз бўйидан Днепр соҳилларига қилган миграцияси назарда тутилган. Иккинчи афсонадаги мотивда эса уларнинг қайси уруқقا тааллуқли экани баён этилган.

Шундай қилиб, Заҳҳок келиб чиққан уруғ аниқланди. Маълумки, бу уруғ Ўрта Осиё халқларида кўплаб учрайди. С.П. Толстовнинг таъкидлашича, қадим замонларда Ўрта Осиёда хўкиз

<sup>144</sup> Мартынов А.И., Археология СССР, М., 1973, стр. 124.

<sup>145</sup> Золотарев А.М., Родовой строй и первобытная мифология, М., 1964, стр. 328.

ва илон ҳукмрон тотемлар бўлган<sup>146</sup>. Тилшунос олим Х.Дониёров илонли (илонсой) уруғини асосий ўзбек уруғларидан бири деб ҳисоблади<sup>147</sup>. Умуман олганда, Ўрта Осиё халқлари кўпчилигига нинг ушбу уруғ билан боғлиқ турли этноним шакллари учрайди. Бу айни пайтда тарих ҳақиқатига ҳам мос тушади. Сак-скифлар Геродот назарда тутган худудлардан Ўрта Осиёга келган эмас, асинча, Ўрта Осиёдан орийлар билан, уларнинг қонуний ворисла-ри сифатида у ерларда яшаб қолган.

Ана шу уруғнинг аждодлари Хоразмда яшаб келганлар. Хоразм у пайтда ҳамма орзу қилган ўлка эди. Мил. ав. I йиликнинг бошларидан то Аҳамонийлар босқинига қадар улкан асосий қисмни бирлаштирувчи сиёсий омил, марказ Хоразм ҳисобланган. Бутун дунёда номи қозонган, қонсираган Кир ҳам Хоразмда – унинг оқила, саркарда Тўмариси қўлида жон берди. Ҳатто жаҳонгир А.Македонский бостириб киргандага ҳам, Хоразм мустақиллигини сақлаб қолган эди. Айниқса, мил. ав. VII-VI аср бошларида Кавказортига сак-скифлар кучли босими ўтказган. У ёққа қилинган ҳар бир жанговор ҳаракат Хоразм билан боғлиқ эди.

Фирдавсий Захҳокни Арабистондан чиққан деб ҳисоблади<sup>148</sup>. А.Р.Беруний ҳам шундай фикрда бўлган<sup>149</sup>.

Бу хил қараашлар, афтидан, қуйидаги ҳолатга асосланган:

Мидияликлар “Борлик” китобининг ўнинчи бўлимида ва оссурий ёдгорликларида “Мадайлар”деб аталган. Улар Шарқий Эрондан Загрош тог чўққиларига чиққунларига қадар кўп вақт ўтган. Мил. ав. IX асрнинг ўрталарида улар шарқий Загрознинг кўпгина қоя ва водийларини эгаллай бошлади; худди шу даврда улар оссурияликлар қўшини билан тўқнаш келган ва ўша давр ёзувларида биринчи марта Рамман – Нирари III нинг номи қайд қилинган. Шундан кейин оссурияликларнинг Эрон тоғлари ва чўллари томон юришлари бошланди. Улар мидияликларни уч даражага бўлган: “кучли” ёки “қудратли”, бунда Загрош тоғларида яшайдиганлар кўзда тутилган; “узоқ” ёки “кун чикувдаги мидияликлар”, бунда Эльбрус тоғларининг жанубий биқинидаги халқлар тушунилган ва ниҳоят “кўчманчилар”, бунда Шарқ то-

<sup>146</sup> Толстов С.П., Древний Хорезм, М., 1948, стр. 23.

<sup>147</sup> Дониёров X., Ўзбек халқининг шажара ва шевалари, Т., 1968, 60-бет.

<sup>148</sup> Умар Хайём, Наврӯзнома, Т., 1991, 67-бет.

<sup>149</sup> Беруний, Танланган асарлар, I том, Т., 1968, 131-бет.

мон чўзилган Эрон чўларидағи аҳоли назарда тутилган. Охирги халқларнинг турмуш тарзи арабларнига ўхшаш бўлгани учун “Мидия Арабистони” деб ҳам атаганлар<sup>150</sup>.

Шарқий Эрон ҳамма вақт тарихий халқлар истиқомат қилиб келган макон бўлган. М. Кошғарий қадимги Қазвин, Қум, Марв шаҳарларини турк шаҳарлари бўлгани, бу ерларда форслар кўпайгандан (аҳамонийлар замонида) сўнг улар Ажам шаҳарлари каби бўлганини ёзиб қолдирган<sup>151</sup>.

Бундан чиқди, Заҳҳок Хоразмдан чиқиб, Шарқий Эрон худудларидан Мидияга бостириб борган. У Эронни забт этганлигини Фирдавсий, Беруний, Ал-Хоразмий ва А. Навоий ҳам бир овоздан тасдиқлайди.

Хўш, унда бу шахс ким бўлиб чиқади? Мил. ав. 680 йилда янги Оссурия подшоҳи Асархаддон Тавр тоғлари оша киммерийларни енгади; киммерийлар доҳийси Теушпа ҳалок бўлади. Бу хабар нотўғри. Гап шундаки, мил. ав. 670-йилларда Эрон воқеалари баён қилинган оссурий матнларида қадимги муаррихлар ҳар доим киммерлар ва скифларни чалкаштириб келган. Мазкур шахс киммерлар шоҳи Теушпа эмас, балки скифлар доҳийси Ишпакайдир. Мил. ав. 680-670 йиллар ўртасида Асархаддонга “енгилмас маннейлар”ни вақтинча тўхтатишга ва уларнинг иттифоқчиси ҳисобланган скиф Ишпакайни мағлуб қилишга эришади. Бу Олд Осиёда скифлар тўғрисидаги энг дастлабки маълумотлардан ҳисобланади<sup>152</sup>.

Шу ўринда саклар ва скифлар тўғрисида икки оғиз фикр айтиб ўтишга тўғри келади. Форслар барча скиф қабилаларини саклар деб атаган. Греклар Жануби-шарқий Ўрта Осиё кўчманчи қабилаларини скифлар деб атаган. Ҳозирги илмий адабиётларда скифлар деганда Қора денгиз бўйи аҳолиси, саклар деганда эса қадимги Ўрта Осиё аҳолиси тушунилади<sup>153</sup>.

Скифлар даврида Тоғли Олтойдаги скиф эркаклари чап қулогига сирға таққанлар<sup>154</sup>. Ушбу фикр кейинги археологик гадқиқотларда ҳам тасдиқланди: Кўк-су/ Кўксув дарёси бўйида-

<sup>150</sup> Рагозина З.А., История Ассирии, М., 1998, стр. 290.

<sup>151</sup> Кошғарий М., Девону луготит турк, III, Т., 1963, 163-164-бетлар.

<sup>152</sup> История Востока, I том, Восток в древности, М., 2002, стр. 271.

<sup>153</sup> История Древнего Востока, М., 1988, стр. 64.

<sup>154</sup> Руденко С.И., Культура населения Горного Алтая в скифское время, М.-Л., 1953, стр. 132.

ги илк кўчманчилар қўрғонларини С.С.Сорокин қазиб ўргаганида, З та эркак қабридан биттадан кумуш сирға топилди<sup>155</sup>.

В.Д.Кубарев Шарқий Олтойнинг Уландрк, Юстд, Бар-Бургаз ва бошқа аҳоли пунктларида олиб борган қазув тадқиқотларида ўнлаб ҳолатда қабрлардан биттадан олтин, кумуш ёки бронзадан ясалган сирғалар топилди<sup>156</sup>.

Шу даврга оид Чуйск “буғу тош”идаги ҳайкалнинг чап қулоғига сирға ишланган<sup>157</sup>.

Рус олимни В.Г.Петренконинг фикрича, ҳудди шундай сирғаларни скиф жангчилари таққан<sup>158</sup>. Чап қулоғига бундай сирғаларни сак жангчилари ҳам<sup>159</sup>, сакларнинг доҳийлари ҳам тақиб юрган<sup>160</sup>.

Афтидан, бу хил сирғаларни тақиб юриш умумий этник бирлик рамзи ролини ўйнаган кўринади<sup>161</sup>. Мил. ав. XII-XI асрларда уларга қариндош бўлган қабилалар Қора денгизнинг шимолий соҳиляридан то Хитой чегараларигача бўлган кенг ҳудудда яшаганлар<sup>162</sup>.

Ўрта Осиё саклари билан Қора денгиз скифларининг турмуш тарзи бир хил бўлган Пазир водийсидан топилган қўрғонлардаги ёдгорликлар намуналарининг гувоҳлик беришича, Ўрта Осиё ва Россия ўртасида чукур алоқалар йўлга қўйилган<sup>163</sup>.

Асосий мавзуга қайтамиз.

Биз назарда тутган подшоҳ ҳақиқатан ҳам подшоҳ Ишпакайми? Албатта, у скифлардан биринчи бўлиб Оссурия подшоҳлари билан жангда иштирок этади ва ҳалок бўлади. “Авесто”да бу тарих Афридун – Заҳҳок тўқнашуви тарзида берилади.

Хўш, Ишпакай сиёсий портрети нега бунчалик салбий бўёқларда берилган?

<sup>155</sup> Цепочка курганов времени ранних кочевников на правом берегу р. Кук-су. – Сб.ГЭ, Л., 1974, №16.

<sup>156</sup> Кубарев В.Д., Работы в Горном Алтае – в книге “Археологические открытия”, 1975, ср. 25.

<sup>157</sup> Кубарев В.Д., Оленный камень с р. Чуи – в книге “Древние культуры Сибири и Тихо-океанского бассейна”, Новосибирск, 1979, стр. 165.

<sup>158</sup> Петренко В.Г., Правобережье Среднего Преднепровья в V-III вв. до н.э., САИ, М., 1976, вып. Д-1-4.

<sup>159</sup> Вишневская О.А., Культура сакских племен низовьев Сырдарьи в VII-V вв. до н.э., стр. 82.

<sup>160</sup> Акишев К.А., Курган “Иссык” – в книге «В Глубь веков», Алма-Ата, 1974, стр. 63.

<sup>161</sup> Кубарев В.Д., Оленный камень с р. Чуи – в книге “Древние культуры Сибири и Тихо-океанского бассейна”, Новосибирск, 1979, стр. 165.

<sup>162</sup> Садгулаев А., Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда, Т., 1996, 54-бет.

<sup>163</sup> Мартынов А.И., Археология СССР, М., 1973, стр. 152.

Бунинг таърифи ва тарихи узоқ, бунинг учун “Авесто” мифологияси семантикасини ойдинлаштириш керак бўлади.

Хамма бало – лақабда. А.Фирдавсийнинг “Шоҳномаси”да Беварасп – Захҳоқнинг лақабидир, дейилган<sup>164</sup>. Бу атама – нотўғри. Беварасп ҳеч қандай ёвузлик маъносини бермайди. У, бор-йўғи, кўп, ўн минг от эгасини англатади.

Аксинча, Бивараспнинг лақаби Захҳоқ бўлган; бу арабийлаштирилган “даҳоқ” сўзи бўлиб, маъноси “ўн офат эгаси, соҳиби”; бу “аздаҳо”, яъни “аждаҳо” сўзининг арабийлаштирилгани бўлиши ҳам мумкин, деб тахмин қилинади<sup>165</sup>. А.Р.Беруний ҳам унинг лақабини турли тиллардаги шаклларини беради: ибронийча – “Арбок”, форсча – “Даҳ-Оқ”, арабча – “Захҳоқ”<sup>166</sup>.

“Шоҳнома”да ёзилишича, ёвуз маҳлуқ Захҳоқни йўлдан уради ва елкасидан ўпади. Бу ўпишлар натижасида Захҳоқнинг икки елкасидан иккита илон ўсиб чиқади ва Захҳоқ нимани емоқчи бўлиб, оғзига олиб борса, илонлар тортиб олиб қўядилар. Илонлар кесиб ташланади, аммо улар яна ўсиб чиқаверади. Ёвуз рух Захҳоқка илонларни инсоннинг мия қатиғи билан боқишини маслаҳат беради. Захҳоқ ҳар куни икки йигитни ўлдириб, уларнинг мияси билан илонларни боқишини буюради. Шунда, ўн етти ўғли ўлдирилиб, охиргиси ҳам қатлга ҳукм этилгач, темирчи Кова Захҳоққа қарши исён кўтаради. Кова Жамшид авлоди бўлган Афридунни ёрдамга чақиради ва унинг ёрдамида Захҳоқни енгади<sup>167</sup>.

Худди шундай мифик талқин А.Р.Берунийда ҳам сал бошқачароқ тарзда келтирилади<sup>168</sup>.

Биринчидан, бу – миф. Иккинчидан, ўша пайтдаёқ А.Р.Беруний бу фикрга қарши бўлади: “Аммо у икки илоннинг икки стқадан чиқиши ажабланарли нарсадир. Бу мумкин бўлса ҳам, ишадан узоқ”<sup>169</sup>.

Биваросфнинг бундай тарзда таърифланишига, биринчидан, ундан жисмоний камчилик бўлган: унинг елкаларида иккита гўрра бўлган. “Баъзиларнинг айтишича, – деб ёзади А.Р.Беруний, –

<sup>164</sup> Жўраев М., Алишер Навоий ижоди ва “Авесто” мифологияси. – “Алишер Навоийнинг ижодий мероси ва унинг жаҳоншумул аҳамияти” тўпламида. Т., 2001, 11-бет.

Баҳодиров Р., Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ва илмлар таснифи тарихидан, Т., 1999, 77-бет.

Беруний, Танланган асарлар, I том, Т., 1968, 119-бет

Умар Хайём, Наврӯзнома, Т., 1991, 67-бет.

Беруний, Танланган асарлар, I том, Т., 1968, 269-бет.

Кўрсатилган асар, 269-бет.

улар илон эмас, балки оғриб турувчи иккита ўсма яра бўлиб, мия мағзи суртилса, оғриғи босилар экан<sup>170</sup>.

Ўзбек ҳалқида игнадек гапнинг түядек бўлиб кетгани тўғрисида ажойиб ибора бор. Ўз вақтида Александр Македонский ҳам бошидаги икки ғурраси учун “икки шохли”, яъни “зулқарнайн” деб аталган. Кейинчалик бу ростдан ҳам Шарқда унинг Искандар Зулқарнайн деб аталишига олиб келди. Бу тўғрида қанчадан-қанча ривоятлар тўқилди.

Майли, миф ўз йўлига. Лекин бунинг бошқа бир томони ҳам бор. Миф яратувчилари эронликлар бўлган. Улар сак-скиф қабилаларини ҳар доим ҳам ўзига ашаддий душман деб хисоблаб келган. Скиф-сак қабилаларининг Фарбга ҳужумлари бу ерларда катта норозилик, қўркув, душманлик кайфиятини уйғотган. Фарбда улар Ёжуж ва Мажуж ҳалқлари (шартли Гог ва Магог) деб аталган: “барча сувларни қуритувчи, одамларни ўлдирувчи” сифатига эга бўлган. Бу ҳатто Куръонда ҳам зикр қилинган. Унда айтилишича, Искандар жанг қилган афсонавий қабила номлари Ёжуж ва Мажуждир. Қўшни ҳалқларни уларнинг ҳужумидан сақлаш учун Искандар улар мамлакати чегарасига мустаҳкам девор қурдирган.

Мидияликлар оссурлардан Осиё ҳукмронлигини қабул қилгач, миллийлик талаби билан воқелик даври тўғрисида ва улар босиб олган мамлакатлар ҳақида ҳаддан ташқари муболағали маълумотларни битган, шунингдек, ўзларининг буюк зафарлари ва ҳеч қачон бўлмаган душманлар мағлубияти борасида ёлғондакам ёзганлар<sup>171</sup>.

Атайлаб тўқиб чиқарилган бундай афсоналар Олд Осиёда мавжуд бўлган архаик мифлардаги хтоник образларга боғланади ва янада даҳшатлироқ тус ва мазмун касб этади. Бу борада Месопотамиядаги хтоник кучлар эволюцияси жуда характерлидир. Аввалига эзгу кучлар ҳосилдор дарахт, “ильдиз” илоҳи бўлган, кейинчалик Нингизида илон кўринишили илоҳга айланган. У антропоморфик образда икки елкасидан икки илон ўсиб чиқсан аждаҳо асосли одам кўринишида ифодаланган<sup>172</sup>.

<sup>170</sup> Кўрсатилган асар, 269-бет.

<sup>171</sup> Рагозина З.А., История Ассирии, М., 1998, стр. 292.

<sup>172</sup> Антонов Е.Б., Мургабские печати в свете религиозно-мифологических представлений первобытных обитателей юга Средней Азии и их соседей – в книге “Средняя Азия, Кавказ и Зарубежный Восток в древности”, М., 1976, стр. 96.

Айни пайтда бу хил ёвуз кучлар мифология учун зарур бўлган, тарихий-бадиий қонуниятга айланган: улар ҳар қанча ёвуз, қўрқинчли бўлмасин, миф ижодкорлари учун бир-биридан гўзал мотивларни тақдим қилган.

Малумки, хаоснинг космосга айланиши натижасида моддий оламнинг яратилиши қадими мифларда қаҳрамонларнинг ёвуз кучларга қарши кураши фонида тушунтирилади<sup>173</sup>. Маданий қаҳрамон космосни хаосга айлантириш, бутун борлиқни барбод ўтиш учун курашаётган мифологик субъектларга қарши қўйилали. Бунга дунё халқлари фольклорида ўнлаб мисолларни келтириб ўтиш мумкин. Айниқса, грек мифологиясидаги сехрли, ёвуз, одамхўр типидаги образлар бунинг ёрқин далилидир. Тифон, Кербер, Орф, Эхидна, Хмера, Сфинкс, шунингдек, сиренлар, горгонлар, кентаврлар, минотаврларга қарши кураш олиб боради ва уларни ўлдиради.

Мифларнинг ҳосиласи бўлган эртакларда қаҳрамон саргузашларни бойитувчи муҳим бадиий деталлардан бири кўп бошли мифологик жонзотлар билан жанг қилиш мотивидир. Кўп бошли мифологик образлар ичida кенг тарқалгани уч бошли аждар, илон ёки девлардир. В.Р.Пропп уч бошли мифологик образларини анъянавий учликларининг “атрибутив характердаги алоҳида детали” деб ҳисоблайди<sup>174</sup>.

“Авесто” мифларидағи Тахмурас барча газандалар, иблис, жодугарлар, Мозандорон девлари устидан зафар қозонади. Фаридун эса уч қоринли, уч бошли, олти кўзли, девсийрат гапнода, чаққону забардаст, Оша юртини хароб қилиб, жаҳон ахлига қирғин келтирган Ажи-Даҳакни енгиб, унинг ҳарамидаги мазлума Сангхук ва Арнавак номли маликаларни озодигани<sup>175</sup>. Траэтонинг уч бошли Ажи-Даҳҳоқни ўлдириб, икки гўзал қизни кутқариш эпизодларини бошқа манбаларда ҳам учратамиз<sup>176</sup>.

Аслида бу сакрал образларнинг маъноси нима билан изоҳланади? М.Элиаденинг нуқтаи назарича, миф сакрал тарихдан пооратдир<sup>177</sup>.

<sup>173</sup> Жўраев М., Ўзбек халқ эртакларида “сехрли” рақамлар, Т., 1991, 59-бет.

<sup>174</sup> Пропп В.В., Фольклор и действительность, Т, 1976, стр. 96.

<sup>175</sup> Хомидов Х., “Авесто” файллари, Т., 2001, 64-бет.

<sup>176</sup> Темкин Э.Н., Эрман В.Г., Мифы Древней Индии, М., 1982, стр. 244.

<sup>177</sup> Религоведение, М., 2007, стр.428.

Ажи-Даҳдок-Захҳоқнинг ҳаётий прототипи, тарихий шахс – сак-скиф ҳалқларининг доҳийси, подшоси, етук саркарда, мил. ав. II асрда яшаган Ишпакай эканини айтиб ўтган эдик. Хўш, унинг рақиби бўлган мифик қаҳрамон аслида ким бўлган? Булар: “Авесто”да – Траетона, Эрон мифологиясида – Фаридун / Афридун/.

Е.Б.Тэйлорнинг айтишича, Фаридун билан Траетона битта шахсадир<sup>178</sup>. Эронликлар ўз тарихини Оссурия ва Бобил подшоҳи Афридуңдан бошлишга қарор қилган. А.Р.Берунийнинг хабар бе-ишича, Эрон ва Бобил подшоҳлиги Афридуңдан бошланади ва у эронликларда Ефул деб аталади. Худди шу атама, яъни “Ефул” лақаби биз учун очқич вазифасини ўтайди.

Александр Македонскийдан сал кейинроқ яшаган бобиллик олим Бероз ватанининг энг қадимги даврлари ҳақида маълумот ёзиб қолдирган. У худди шу даврга оид Бобил подшоҳлари рўйхатига Фулни ҳам киритади, Греклар буни бироз ўзгартирилган ҳолда Порос деб атаган. Бобил хронологиясида эса Фул билан Тиглат-Фелассар бир киши экани кўрсатилади<sup>179</sup>. Библияда (4-китоб, Подшоҳликлар, XY, 19) ҳам Оссурия подшоҳи Фул номи эслатилади, худди шу бўлимнинг 10 пастида Тиглат – Фелассар ҳақида гап кетади<sup>180</sup>.

Хозирда эпонимлар бўйича Оссурия подшоҳларининг ишончли рўйхати аниқланган; бу даврда Фул ҳеч қандай аҳамиятта эга бўлмаган. Гап шундаки, Тиглатпаласар III Бобилни Пул номи билан бошқаради<sup>181</sup>. Демак, Оссурияда унинг лақаби бўлмаган.

Тарихий маълумот:

Мил. ав. 732 йилларда Бобилда бир қатор ички тартибсизликлар натижасида сиёсий вазият тўлиқ анархия тусини олади. Оссурия подшоҳлари бу дамни анча вақтлардан бери орзиқиб кутар эди. Мил. ав. 729 йилда Тилгатпаласар III Бобилга тинчлик ва тартибни ўрнатиш мақсадида кириб келади. Ўша пайтларда Бобил жуда машхур эди, шунинг учун ҳам Тиглатпаласар III Бобил шоҳи сифатида подшоҳлик қиласи ва бутун Месопотамияни ўзига қаратади.

<sup>178</sup> Тэйлор Э.Б., Первобытная культура, М, 1989, стр. 515.

<sup>179</sup> Рагозина З.А., История Ассирии, М., 1998, стр. 170.

<sup>180</sup> Кўрсатилган асар, 233-бет.

<sup>181</sup> История Востока, I том, Восток в древности, М, 2002, стр. 235.

Тиглатпаласар III юксак ташкилотчи, ёрқин саркарда ва реалистик сиёсатчи эди. У Оссурия подшоҳи сифатида (мил. ав. 745-727) фаолият кўрсатган<sup>182</sup>.

Бугунги кунда Эронни Захҳоқ зулмидан озод этган киши сифатида Фариудуннинг ёрқин образи озодлик ва чет эл босқинчилари зулмидан халос этувчи рамзий шахс сифатида халқ онгига ва адабиёттида энг севимли образлардан бирига айланган.

Биварасп – Захҳоқнинг номи халқ хотирасидан кўтарилимаган. Қарши темир темирийўл станцияси яқинидаги қадими қалъя Захҳоки Морон деб аталади. У Шоҳ Захҳоқ номига қўйилган. Бу қалъя харобаси баландлиги 15 метр, майдони 16 гектардан ортиқдир. Археологик қазищмалар унинг мил. ав. I асрларда ҳам мавжуд бўлганини исботлайди<sup>183</sup>.

Худди шунингдек, бир қанча топонимик атамалар ҳам мавжуддир. Ана шундай топонимлардан бири Баворис бобо некронимидир. Баворис бобо – қадимги Хива шаҳрининг жануби-ғарбий тарафидан жойлашган қадими қабристон номи. Тарихий-этнографик манбаларда келтирилган маълумотларга кўра, ана шу мозорда ҳар йили Наврӯз байрами кунлари Қизил гул сайли анъанавий тарзда ўтказилиб келган<sup>184</sup>.

Хулласи калом, Биварасп-Захҳоқ залқимиз хотирасида қолган етук саркарда, подшоҳдир.

<sup>182</sup> Кўрсатилган асар, 233-бет.

<sup>183</sup> ЎзСЭ, IV том, 464-бет.

<sup>184</sup> Жўраев М., Алишер Навоий ижоди ва “Авесто” мифологияси. – “Алишер Навоийнинг ижодий мероси ва унинг жаҳоншумул аҳамияти” тўпламида. Т, 2001, 14-бет.

## II ҚИСМ

### 4-БОБ. ЗАРДУШТ – ПАЙҒАМБАР, ЯНГИ ДИН ИСЛОҲОТЧИСИ

#### Зардушт – пайғамбар, янги дин ислоҳотчиси

Дунёда ҳамма нарса ўзгаради, янгича шакл ва моҳият касб этади. Бундан дин тарихи ҳам мустасно эмас. Агар диний тизимлардаги инқилобий ўзгаришларни даврлашириш зарур бўлса, биринчи навбатда, юқори палеолит даври динини санаб ўтишга тўғри келади. Томошабоп реализм, ҳажвий моделлашириш, ҳайкалтарошлиқ – ҳиссийлик шакли палеолит даврининг етакчи услубларидан бири бўлган<sup>1</sup>.

Инсон танасини ҳайкалтарошлар диний тасаввурларга ғоявий буюртма сифатида гормоник тимсол доирасида тасвиirlаган. Бу ҳайкалчалар ўз ўрнида халқ культи ва маросимларини ҳам акс эттирган. Бу анъана шунчалик кучли таъсир ва яшовчаникка эга бўлганки, у ҳатто Ўрта Осиёдаги синфий жамиятнинг гуллаб-яшнаган даврларда ҳам, чунончи, Кушон Бақтрияси ёки Парфия Марғиёнасида ҳам аёл жинсидаги лой ҳайкалчаларни учратиш мумкин эди<sup>2</sup>.

Неолит даврига келиб, диннинг бундай кучли таъсири нима учун бирданига барҳам топди, деган савол туғилади. Негаки, давр мафкурасида муайян ўзгаришлар рўй берган. Равшанки, тасвиirlаш тизимидағи умумий образлилик услуби ижтимоий-тарихий мазмун билан шартланади. Бу, мазкур ҳолатда ижтимоий дунёқарашдаги ўзгаришларда ҳам шу даврга хос диний характер касб эта борган. Ибтидоий жамият тарихчилари таъкидлаганидек, неолит даврида ёқ космогоник ғоялар ва осмон илоҳлари тўғрисидаги тасаввурлар шаклланиш палласига киради, одамлар онгига ер олами ҳамда руҳлар ва худолар оламига бўлиниш янада чуқур мазмун касб эта боради<sup>3</sup>.

Учинчи давр бронза даври эди. Бу давр ўзгаришлари муайян бир диний тизимни, янгидан пайдо бўлган маросимлар, сифинишлар ва культилар конгломерати билан боғлиқ эди. Юзага келган пантеон янгидан-янги қоидаларни талаб қиласди, натижада илоҳлар кўриниши муайян ўзгаришларга учрайди; магик тасаввурларнинг характеристи ва йўналиши ўзгаради<sup>4</sup>.

Тўртингчى давр мил. ав. I минг йилликнинг биринчи ярми ва ўрталарига тўғри келади. Америкалик диншунос олим Ф. Паришнинг ҳисоблашича, мил. ав. VIII – IV асрлардан қадимги дунёнинг беш буюк динида мисрликлар, греклар мил. ав. VII аср, римликлар илк империя давригача, ҳиндлар мил. ав. VIII – VII асрлар, мил. ав. IV аср, эронликлар мил. ав. V аср “икки омилли”дан, “бир омилли” қоидага ўтишган<sup>5</sup>. Бир сўз билан айтганда, бу – дин тарихида навбатдаги инқилобий ҳодиса эди.

Айтиш керакки, шу пайтгача бўлган дин тарихи жуда катта хронологик диапозон сферасини қамраб олган бўлса-да, бироқ бу ҳали қатъий бир тизимга айланниб ултурмаган эди. Бу дин тарихидаги муҳим давр эди. Бу диний тизимларнинг пайдо бўлиши халқлар ҳаётида юз берган жиддий тарихий ўзгаришларга боғлиқ эди.

Синфий жамиятга ўтиш жараёни, ишлаб чиқариш муносабатларида ҳам, усқуртма доирасида ҳам жиддий ўзгаришларни бошлаб берди. Немис олими Ф. Энгельснинг ўрта асрлар Ренесанс даври ҳақида билдирган фикрларидан айнан фикр қаралаётган давр тўғрисида ҳам бемалол фойдаланса ҳам бўлар экан: “Бу ўша вақтга қадар инсоният бошидан кечирган тўнтаришлар ичида энг буюк тўнтариш эди, бу буюк сиймоларга муҳтоҷ давр эди, бу давр тафаккур кучи, завқу эҳтироси, феъл-атвори, серкірралиги ва билимдонлиги жиҳатидан буюк сиймоларни вужудга келтиради”<sup>6</sup>.

Зардушт, Будда, Исаия, Иеремия, Конфуций, Лао-Цзи, Сукрот, Фалес ва ҳк. мазкур даврнинг улуғ сиймолари эдилар. Улар парокандалик ҳолатига тушиб қолган жамият муаммоларини синчиклаб ўрганди, таҳлил қилди, муаммолар ечимини топишга киришди. Худди шу сиймолар ўз даврининг ғоявий параметларига жавоб бера оладиган муайян диний тизимларни, фалсафий мактабларини яратди. Бу мутафаккирлар ўша даврдаги мавжуд тузимнинг прогрессив табақа намояндалари сифатида ғайриимий қарашларга қарши кураш олиб борди.

Булар ичида икки шахс – Будда ва Зардуштни алоҳида ажратиб ўтиш ўринлидир. Немис социологи Макс Вебер пайғамбарликнинг икки йўлини алоҳида олиб қарайди: шахсий намунаси билан халоскорлик йўлини кўрсатувчи ва бошқаларни ҳам ўзининг ортидан эргаштирувчи Будда типи – Хиндистон ва Хитой худудларида; ҳамда худо танлаган, унинг ваҳийлари орқали худо иродасини ифода қилиш ва одамларни тўғри йўлга йўналтирувчи Зардушт типи (Муҳаммад ва ҳк.) – Олд Осиёда кенг ёйилди<sup>7</sup>. Биз Гегель “Эзгулик ва ёруғлик дини” деб атаган диний тизим ва бу диннинг асосчиси Ўрта Осиёлик улуғ тарихий шахс – илоҳиётчи, файласуф, мунажжим, шоир ва табиатшунос олим жаҳон халқларига якка худоликка асосланган илк китобий динлардан бирини берган Зардушт Спитома алоҳида тўхталиб ўтамиз.

\* \* \*

Зардуштнинг шахсий ҳаёти ва диний фаолияти бошқа пайғамбарлардан кескин фарқ қиласа эди. У на Муҳаммаддек оми, на Буддадек мискин эди. У том маънодаги қомусий олим, файласуф эди. А.Р. Беруний у ҳақида ёзар экан, шундай дейди: “Зардушт муғлар хонадонидан, уларнинг кўзга кўринган кишилари ва улуғларидан эди”<sup>8</sup>. Зурдушт замонасининг етук мунажжими бўлган. Ўрта асрлар Ғарб адабиётида у маг ва мунажжим деб талқин этилгани бежиз эмас<sup>9</sup>.

Буюк олим Беруний қолдирган маълумотларда Зардуштнинг Мидия, Харрон, Мавсил каби жойларга бориб, билимини оширгани тўғрисида ҳам фикрлар бор<sup>10</sup>. Бизнингча, мазкур маълумотларда маълум тарихий асослар бор. Негаки, қаракалпак даврда қадимги Месопотамия, кейинчалик Оссурия, Бобил (Вавилон) ва бошқа мамлакатларда муғларнинг йирик руҳонийлик мактаблари, ҳозирги тил билан айтганда, академиялари мавжуд бўлган<sup>11</sup>.

Бобилликлар ва оссурияликларга тегишли бўлган муғ руҳонийларининг маросим-магик фаолияти тўғрисидаги қиммат баҳо хужжатлар бизгача етиб келган: бу матн унча катта бўлмаган ҳажмда, шартли равишда “Оссурия муғлари дарслиги” деб аталади. У мил. ав. VII асрда Ниневияда битилган<sup>11</sup>.

Мазкур дарслик муғлар эгаллаши лозим бўлган барча маросим-магик амалиёти соҳасини қамраб олган. Жумладан, ёмон руҳларни ҳайдаш ёки психотерапия; диний фаолият (маросим-

ларни аъло даражада ўтказиш); амалий тиббиёт, физиология ва психология; астрологик фаразлаш ва фол очиш; астрономия; са-водхонлик ва филология; мантиқ ва ҳуқуқий билимлар ва. хк<sup>12</sup>.

Бундай билимлар ҳажми бўйича руҳоний — муғ лавозимини бугунги кундаги Европа университетларининг қомусий тушун-ча ва кўп қиррали истеъдодга эга бўлган профессор лавозимига таққослаш мумкин<sup>13</sup>. Хинди斯顿да тана ва онг бир бутун ҳолда такомиллаштиришга йўналтирилган жисмоний машқлар хат-ха-йога деб аталади. Қадим санскрит ёзувида “хатха” куч-ку-драт, ҳаракат, мажбурлаш, зарурат каби маъноларни англатган. Непал тоғларидағи ибодатхоналарда “хатха-йога” сирларини фақат ибодатхона бошлиғи ҳамда яна бир-икки нафар юқори рутбали ламаларгина билади ва у қаттиқ сир тутилади. Қадимда Хиндисон, Таиланд, Вьетнам ва бошқа Жануби-шарқий Осиё мамлакатларида сараланганд аскарларни жисмоний ва руҳий жиҳатдан тайёрлашнинг энг юксак босқичларидан бири сифатида “хатха-йога” усулларидан фойдаланилган<sup>14</sup>.

Ўша пайтдаги Қадимги Шарқ халқлари ҳаётида анъана ва маросимлар магия ва илмий билимлар асослари билан узвий боғланган эди. Маросимларда ўзлаштиришнинг ўзгача типи намоён бўлар эди: инсон ички борлигини, фикрини, ижодга қо-билиятилигини кўрсата билиши лозим эди. Маросим бежиз келажакдаги санъат, фан ва фалсафанинг илк манбай сифатида қаралмайди<sup>15</sup>.

Энг муҳими, муғ касбини эгалламоқчи бўлган инсондан тан союзомлиги ва кучлилиги, ақл ва руҳ тетиклиги, бир сўз билан міттандан, жисм ва ақлнинг уйғун такомили талаб қилинган. Ан-тиқ мактаб муаллимлари бунга катта аҳамият берган<sup>16</sup>.

Зардушт қаршисида ўтмишнинг бениҳоя улкан ва мураккаб тизимли диний мероси ястаниб ётарди. Улардан нималарни оғизи керагу нималардан воз кечиш лозим, деган муаммоли са-юл турди унинг қаршисида.

Зардушт заковатининг кучи шундаки, у таълимотини ўша шир илмий билимлари ва авлиёлик истеъоди асосига қура бил-ли. У диний мажмуани оламни илмий тушунишга қарама-қар-ши кўймади. Диний эътиқод илмий билим ўртасидаги кескин шиддиятнинг илдизлари инсон билиши тараҳий тараққиётнинг шиддиятли ва мураккаб реал жараёнига бориб тақалади. Ҳолбуки, якшаш идрокнинг диний эътиқодга муносабати тўғрисидаги маса-

ла инсон ақл-идрокнинг хақиқатни билишдаги имкониятлари, чегаралари ва функциялари хақидаги масаладан хам иборатдир.

Зардушт таълимотида барча қоидаларни, биринчи навбатда, дин нуқтаи назаридан эмас, ақл ёрдамида асослашга уринди. Бу таълимот рационалистик, яни ақл-идрок, бинобарин, билим ва илм ролига юқори баҳо берган илмий-амалий таълимот эди. Чин дилдан эътироф этиш керак, у тараққийпарвар рационалистик грек фалсафасига асос солди, унинг ривожланишида катта роль йўнади, Ўрта ва Яқин Шарқ, бутун Европа халқлари оламидаги атоқли мутафаккирлар дунёқарашнинг шакланишида ғоявий манба бўлиб хизмат қиласди.

Зардушт дини йўқ жойдан пайдо бўлган дин эмас. К.Юнг таъкидлагандек, динга бўлган талаб ҳеч қачон йўқолмайди, унинг ўрнига келган янги ғоявий тизим хам худди шу архетип моделлар ва мифологияга асосланади<sup>17</sup>.

Академик А.Асқаров тўғри изоҳлаганидек, Зардушт янги динни яратмади, балки қабиладошлари қадимдан топиниб келаётган оташпарастлик динини ислоҳ қилди. Бошқача қилиб айтганда, у эски диний эътиқод ва тасаввурлар тизимиға ўзгариб бораётган замон талаби асосида ўз қарашларини, концепциясини киритди<sup>18</sup>.

\* \* \*

Одатда, зардустийлик дини хақида гап кетганда, олимлар унинг келиб чиқишини бошқа динлар билан боғлашга мойиллик сезади. Олим Тоҳир Каримнинг фикрича, Зардушт таълимоти Ўрол тоғлари, Жанубий Сибирь ҳудудларида вужудга келган ибтидоий мифологик тасаввурлар асосида шаклланган<sup>19</sup>. Э.О. Берзин эса “Зардушт дини ҳинд-эрон қабиласи динидан ўсиб чиқкан”, деб хисоблайди<sup>20</sup>.

Бу фикрларга кўшилиб бўлмайди. Кишилик жамияти тарихи ҳосиласи сифатида дин тарихи ҳам кенг тарихий қонуниятлар асосида узоқ тадрижийлик динамикасини талаб этади. Ана шу нуқтаи назардан олиб қараганда, Хиндистон, Эрон ва Сибир халқлари дини тарихан олганда ҳеч қачон Ўрта Осиёликларнидан қадимий бўлиши мумкин эмас. Негаки, Ўрта Осиё тарихининг ҳамма даврларида одамлар узлуксиз равишда яшаб келган. Инсониятсиз жамият бўлмагандек, жамиятсиз дин ҳам бўлмайди.

Тарихгача бўлган Европа каби Шимолий Ҳиндистон хам абадий музликлар ҳукми остида бўлиб келган. Ҳиндистон ҳудудидаги инсоннинг дастлабки излари мил. ав. 100 минг йиллик замон билан ўлчанадиган иккинчи музлик даврига тўғри келади. Бу соҳа маданияти палеолит тош қуроллари намуналари билан далилланади. Аммо Ҳиндистонда мазкур қуроллар билан бир қаторда одам суяклари қолдиқлари топилмаган. Эрон масаласига келадиган бўлсак, Бихистун деган жойдан, бор-йўғи, 70-50 минг йилча илгари яшаган одамларнинг қадимги манзилгоҳлари топилган. Бу ерда ҳам одам суяклари қўлга киритилмаган<sup>21</sup>.

Ҳиндистон ва Эроннинг қадимги динига мил. ав. XV – IX асрларида аслан Ўрта Осиёлик бўлган орийлар асос солган. Ҳиндистон тарихи орийлардан бошланади<sup>22</sup>.

Сибирь тўғрисида шу нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, бу ҳудудлар узоқ муддат давомида абадий музликлар билан қопланиб ётган. Қадимги Ўрта Осиёликлар тарихнинг, асосан, ўрта ва сўнгги палеолит даврларида ё Сибирга кўчиб ўтишни бошлаган. Буни Ўрта Осиёлик ва Сибирь ҳалқлари тарихининг хамма даврларидан битта маданий ҳудудни ташкил этиб келганидан ҳам билса бўлади. Сибирнинг бутун ривожланиш тарихи бевосита ва билвосита Ўрта Осиё билан боғлиқ бўлган<sup>23</sup>.

С.А.Токарев ёзади: “Олтойликларнинг Ўлгени, кетларнинг Еси, угларнинг Нуви Тореси, ненецларнинг Нуви, ёқутларининг Айни-Тойони ва ҳк. ҳудолар қабила ҳудолари эмас ва ҳатто уларнинг ўзларидан олдин ўтган тарихий салафлари хам йўқ. Бу образлари соғ ҳолда маҳаллий негизда, ташки таъсирларсиз вужудга келган”<sup>24</sup>.

С.А.Токарев бу ерда ноҳақ. Дин тарихида бутун бир ҳудолар пантеонининг йўқ ердан, бунинг устига, бирйўла вужудга келиши мумкин бўлмаган ҳолдир. У китобининг бошқа жойида буни тан олади ва ўзига-ўзи қарши боради: “Уларнинг қабила ҳудолари эмаслигининг боси шундаки, қабила культи тўғри маънода қараладиган бўлса, Сибирь ҳалқларида бу тарихан шаклланиши мумкин эмас эди; Сибирда мавжуд иқтисодий ва ижтимоий шароитлар кўпчилик холатларда уюшган ижтимоӣ гуруҳ сифатида қабила бирлигини шакллантиришга йўл қўймаган”<sup>25</sup>.

Бундан чиқди, сибирликларда қабилавий тизим ўз ривожини топмаган, демак, ўз маҳаллий ҳудолари хам бўлмаган. Ахир, ҳудолар ибтидоси даставвал оила, сўнгра қабилавий шаклланиш

жараёнларини босиб ўтиши, қабилалар бирлашгандан эса бутун бир пантеонни вужудга келтириш кузатилади.

Қабила худолари культи – илк синфий жамиятга ўтиш давридаги ривожланган қабила қурилишини мустаҳкамлаш ва мағкурасини акс эттиришга хизмат қилган. Ведалардаги худолар образи эволюциясини Генрих Куно ҳаммадан хам яхши кўрсатиб берган. Унинг фикрича, веда худолари даставвал орийларнинг қабила худолари бўлган.<sup>26</sup>

Демак, Сибирь ҳалқлари худолари томонидан кириб келган культларнинг бевосита таъсири билан боғлиқdir. Буни С.А.Токаревнинг ўзи ҳам тан олади: “Улгенга нисбатан айтиш мумкини, унга ташқи томон таъсири бўлган”.

Олтойликларнинг Зардушт фойдаланган Улген, Эрлик ва бошқа образли илоҳлари аслида хам Ўрта Осиёликларга тегишли бўлган. Орийлар мифологияси ва анъанавий таъсирда юзага келган Скандинавия мифларининг узоқ давом этгани, бошқа динлар заифлиги натижасида мифологияга асосланган қадимги Ўрта Осиё ҳалқлари дини ҳамда урф-одатлари жаннатга саёҳат қилишга қарор қилиб, аждаҳо кўриқлаётган тош кўприкка (олтойликларда илон кўприк) дуч келади<sup>27</sup>. Аслини олганда, ер ости подшолигида марҳумлар руҳини Ўрта Осиё ҳалқларининг ер ости подшоси ва ўлим худоси Эрлик бошқариб боради<sup>28</sup>. Олтойликлардаги илоҳа Умай Ўрта Осиёликларнинг осмон худоси, уй ўчоғи ва болалар ҳомийси бўлган<sup>29</sup>.

Бу ва бошқа маълумотлар Сибирнинг ижтимоий хаёти тарихининг ҳамма даврларида Ўрта Осиё билан чамбарчас боғлиқлигини кўрсатади. Бу ҳолатларнинг ҳисобга олмаган жуда кўпчилик олимлар зардуштийлик динининг асосий озуқланувчи томирларини кўра олмайди.

Зардушт таълимотининг концептуал ғояларидан биттаси – нариги дунё тўғрисидаги ғоядир. Инсоният тарихида биринчи бўлиб Зардушт инсонларнинг бу дунёдаги хаётига яраша нариги дунёдаги тақдири ҳал бўлажаги хақидаги таълимотни юзага келтиради. Зардушт таълимоти асосида ҳар бир инсон ўлгандан сўнг ўз қилмишига яраша марҳамат ёки жазо топиши ғояси ётади. Бундай таълимот на Миср, на яхудий ва на юононлар динида, на буддизм ва на Хитой динида бўлган.

Баъзи адабиётларда Мисрда ва Месопотамияда биринчи марта “нариги дунё”даги суд хақида илк тасаввурлар пайдо

бўлгани хусусида ёзилади. Бунга мисол қилиб, мисрликларнинг “Марҳумлар китоби” ва шумерларнинг Гилгамишнинг марҳумлар устидаги сўроқ қилувчи кишига айланиб қолиши кўрсатилиди.

Даставвал мисрликлар ҳақида. Мисрда олиб борилган археологик қазув ишлари шуни кўрсатадики, бу ерлар мезолит даврларида музликлардан халос бўла бошлайди. Бу ерга аҳоли, асосан мил. ав. V-IV минг йилликларда кела бошлайди ва Нил водийсини илк марта ўзлаштиришга киришади<sup>30</sup>. Бу диннинг пайдо бўлиши ва шакланиши учун узоқ муддат эмас; бу шуни кўрсатадаки, бу ердаги диннинг гнесеологик илдизлари жуда ҳам қадимги даврларга бориб тақалмайди.

Мисрликларининг “Марҳумлар китоби” масаласига келсак, у анча кечки давр – мил. ав. XVII асрларга тўғри келади. Бу даврда Мисрга кўп сонли гиксослар бостириб киради ва қарийб бир – бир ярим аср давомида ҳукмронлик қиласди. Улар бу ерга маданий анъаналари, шунингдек, худолари ҳақидаги мифларни олиб келади. Бу хил мифларга чанқоқ бўлган мисрликлар уларни ўзлаштириб олади. Худди шу даврдан кейингина бу ерда аслзодалар доирасида янги бокийлик концепцияси вужудга келади. Бу китобда инсон тақдири ҳақида шаклланиб келаётган Миср ҳалқи ахлоқининг янги радикал тасаввурлари баён қилинади. Айтиш керакки, унда ҳеч нариги дунёдаги бахтли онлар ҳақида кафолат берилмайди<sup>31</sup>.

Хўш, гиксослар кимлар бўлган? Мисрга бостириб кирган гиксослар армиянинг мутлақ катта қисми, аслида, Ўрта Осиёликлар бўлган хеттлардан ташкил топган эди<sup>32</sup>.

Шумерларнинг еrostи дунёси ҳақида гапирадиган бўлсак, Лугальбанд ва Гилгамиш ҳақидаги матнларда худоларнин еrostи дунёсига бориши, у ерда қисқа муддат вафот этиши ва яна янги ҳаётга қайтиши ҳикоя қилинади. Ўр-Наммунинг вафоти тўғрисидаги матнда айтилишича, подшоҳ вафот этгач, еrostи дунёсига боради. Даставвал у етти еrostи илохи ва саройларига совғалар ҳамда қурбонликлар элтади. Ерости дунёсининг марказига яқинлашар экан, Ўр-Намму Гилгамиш билан учрашади ва ундан марҳумлар мамлакати ҳаёти қоидаларини ўрганади.

Шумерликларнинг ўликлар дунёси – “борса-келмас мамлакат”да ҳамма: оддий одамлар учун ҳам, подшоҳлар учун бир хил-у, ерда барча қўрқинчли бино ичидаги очлик, сувсизлик, сабр-

сизлик қурбони бўлади. Нариги дунё ҳаёти ҳеч қандай қувончли дамларни ҳадя қилмайди; шунинг учун у ерга бориш ва интилиш шарт эмас<sup>33</sup>.

Умуман олганда, кўрсатиб ўтилган мисоллар мантиғи жоннинг тур-шаклида яшай олиши ва ўзга оламга ўтиши ҳақидаги қадимий қарашлар билан боғлиқдир. Бундай примитив кўришишдаги диний мотивлардан нариги дунё тўғрисидаги тизимли сюжет намуналарини излаш ҳам ноўриндир.

Политеистик динларнинг тизимли равишида қиёсий ўрганиш ва кейинги йилларда янада аниқроқ методларни қўллаш натижасида бир қатор ажойиб натижалар қўлга киритилди. Жумладан, қадимий орийларнинг Веда худолари билан Гомер поэмалари худолари ўртасидаги алоқалар аниқланди. Альберт Лорд юонон ва европалик ҳалқларнинг мифологик тасаввурларини тадқиқ қилиш орқали у “Илиада” ва “Одиссея” достонлари мотиви юононларга Шарқдан бориб қолганини дадиллик билан таъкидлайди. Унинг назарида, ўз даврида юононларнинг шарқقا юзланиши табиий эди. Зеро, ўша давларда Шарқ жаҳон маданияти маркази эди<sup>34</sup>.

Греклар Гомер поэмалари орқали худоларини таниди. Улар руҳнинг қўрқинчли еrostи подшолиги Аид образи орқали ифодаланган. Аид “Гадес” сўзининг маъноси тўғридан-тўғри ер ости подшоҳлигини билдиради ва бу образ греклар динида муҳим роль ўйнамаган. Ер ости дунёсидаги руҳ келиб чиқиши жиҳатидан турлича бўлган ва бутун бошли мифологик образлар ёрдамида берилади: Плутон, Персефон, Геката, Эак, Минос, Радамант, Харон, Гермес, Кебер ва ҳк<sup>35</sup>.

Шимолий Арабистондаги кўчманчи яхудий қабилалари мил. ав. XIII асрда Фаластинни босиб олади. Бу ерда Ўрта Осиёлик қабилалар – хурритлар яшар, асосан, дехқончилик билан шуғулланар эди. Яхудийлар дехқончилик ишларини ўрганиб олиши билан бирга ана шу қабилаларнинг диний тасаввурларини ҳам ўзлаштириб олган. Дунёга машҳур Библия ҳикоялари – Бутун олам сув тошқини Одам Ато, Момо Ҳаво ва ҳк., аслида, шумерлар ижодига тааллуқли эди. Шумерлар ҳам Ўрта Осиёдан борган қабилалардан эди<sup>36</sup>.

Қадимги яхудийлар динида марҳумлар культи умуман аҳамиятга эга бўлмаган, шунга қарамасдан, Иерусалим давридаги (мил. ав. 995 йил) қатъий монотеизм Ягведан ташқари ҳеч қандай худоларни яқинлаштирган<sup>37</sup>.

Мил. ав. олтинчи асрда, Бобил асирияни пайтида зардуштийлик дини таъсири остида иудаизм дини олам ва одамнинг охирги дамдаги тақдири, “охират” тўғрисидаги тасаввурлар пайдо бўлди<sup>38</sup>.

Христиан динида нариги дунё эгаларининг алоҳида ва мустақил образлари бўлмаган; уларнинг функциялари христиан пантенонидаги икки муҳим фигура – худо ва шайтон образларига юклатилган. Бу икки бир-бирига қаршиланган икки подшоҳлик соҳиблари сифатида намоён бўлади: осмон подшоҳлиги – жангни ва азоб-уқубат подшоҳлиги – дўзах<sup>39</sup>.

Хулласи калом, охират ва қисмат масаласи дунёда биринчи марта қадимги Ўрта осиёлик халқлар тасаввурида концептуал сюжетлардан бири сифатида пайдо бўлган ва кейинчалик мисрликлар, яхудийлар, греклар, христиан, буддизм ва исломга ўтиб, бутун дунёга тарқалган.

\* \* \*

Зардуштнинг асосий ғоялари – дунёдаги ҳамма тартиблар ихтиилик ва ёмонлик, ёруғлик ва коронғилик, ҳаёт ва мамот ўртасидаги курашга боғлиқ, деб тушунтирилади. Одам бу курашда улардан бирини танлаш ихтиёрига эга бўлган, ўз фаоллиги бичан дунёдаги адолат тантанасига таъсир эта оладиган шахсадир.

Зардушт таълимотидаги энг катта масала ҳам шу – инсон тақдири масаласидир. Маълумки, барча динларнинг теологик гизими бўйича худо ҳамма нарсани яратишга, йўқ қилишга ва шна бунёд этишга қодири мутлақдир. Уларда инсон иродаси эркинлиги инкор этилади. Жумладан, улар талқини бўйича, ҳаёт – фиқат келажақдаги, ўлгандан кейинги ҳаётдир.

Зардушт таълимоти, аслини олганда, тақдирнинг азалдан боғиylanгани ғоясини рад этади. Унингча, инсон эзгулик ва ёвчлилик ўртасидаги танловни тўғри ва эркин бажариши лозим; шунбу танлов нафақат ўзи, балки бутун олам тақдирини ҳал қишин учун муҳимдир.

Инсоният тарихида биринчи бўлиб Зардушт инсонларнинг дунёдаги ҳаётига яраша нариги дунёдаги ҳаёти ҳал бўлажаки макидаги таълимотни юзага келтирди. Зардушт таълимоти асосида ҳар бир инсон ўлгандан сўнг қилмишига яраша марҳамат скни жазо топиши ғояси ётади.

Зардүшт тарғиб этган асосий принциплар – машхур ахлоқый учлик: эзгу фикр, эзгу сүз ва эзгу амал күринишида баён этилган.

Зардүшт таълимотида Ахура Мазда – яккаю ягона худо, олий ибтидо. Зардүштнинг сўзларига қараганда, у Ахура Мазда таълимотини асослаган. Орийларнинг қадимги натуранал илоҳлари – дайва (кейинчалик дэви, диви-шайтонлар) Эрон қабилаларининг бир қисмида ҳам худо саналган. Орий худоларининг бошқа гуруҳи – асура (Ҳиндистонда, даставвал эзгу худолар синфи, сўнгра эса девлар сифатида аталган), эронча ахура деб аталган. Олий Ахура, Осмон кенгликларининг худоси Мазда номи билан қўшилиб, Ахура-Маздани (“Донишмандлик эгаси”, “Донишманд жаноб”) ҳосил қилган.

Иккинчи омил, қадимий орийларнинг табиат культи, тўғрироғи, Ведалардаги дастлабки шаклдаги битиклар муҳим роль ўйнаган.

Зардүшт таълимотида Ахура Маздаадолат учун курашда ёлғиз эмас, унга доим қўйидаги олти нафар энг яқин ёрдамчиси, фаришталар кўмаклашади: Воҳи Манаҳ (чорва моллари ва эзгу фикр ҳомийси), Аша Ваҳишта (олов ва юксак ҳақиқат ҳомийси), Ҳаштатра Варя (маъдан ва қудрат, ҳокимият ҳомийси), Сиента Армати (ер ва диёнат ҳомийси), Харватат (сув ва саломатлик ҳомийси) ва Амератат (ўсимлик ва мангулик ҳомийси)<sup>40</sup>.

Ахура Маздаўзининг ушбу 6 нафар ёрдамчисини муқаддас рух, кўмагида яратган. Улар ҳам абадийдир.

Ўрта Осиё мифологиясида ажоддлар рухи ва табиат стихиясининг ҳомийлари ҳақидаги ҳалқ қараашлари асосида 7 олий рух ёки тангри образи пайдо бўлган. Бу мифик еттилиқ “Авесто”даги езгулик кучлари сифатида талқин қилинган. Улар Амеша Спента (Барҳаёт илоҳлар) деб аталади, бу ном биринчи марта Аснада Хаптан хайти шаклида учрайди (Асна 393). Қолган худолар язнатлар деб аталади.

Шундай қилиб, етти Амеша Спента етти эзгу кучнинг қўриқчиси ва ҳомийси ҳисобланади: ҳаво, ер, ўсимлик, чорва, инсон ва олов.

\* \* \*

Зардүшт таълимотига биноан, инсоннинг баданидан ажралган жон рух Чинват кўпригига ўтиб бориши керак. Бу қўприк ёнида рухни худо Митра ва унинг ёрдамчилари Сраоша билан

Рашну кутиб олади. Худо Митранинг қўлида адолат билан сұдравш тарозиси бўлади. Тарозида жоннинг яхши-ёмон ишлари тортилади. Эзгулик жонлар учун Чилват кўприги кенгайиб бориб, осмонга йўлни очиб боради, жаннатга олиб бориш учун уни гўзал, ёруғ юзли, оппоқ қўл, кучли, жуссали тўлиқ, сициқ, киприклиари бўлик, ўн беш ёшли қизча қаршилайди. Агар тарозининг ёвуз ишлари томони оғир бўлса, Чинват йўли торайиб қолади, ўткир қилич дамига айланади. Ёвуз руҳни жирканч, ажина-қари кампир ер тагига олиб кетади.

Бу синовдан ташқари, бутун олам ва инсониятни сўнгти синов – қиёмат кутиб турибди, ана шу кунда халоскор Саошинет келади ва бутун дунёда эзгулик ёвузлик устидан ғалаба қозонади. Барча ўтганлар тупроқдан бош кўтаради, суякларига қайтадан эт битади. Ахриман ўз салтанати билан янчиб ташланади. Олов худоси Атар шифо ва дўст-биродарлик худоси Аирйаман билан бирга тоғлардаги барча темирларни эритиб юборади, барча жонзот ана шу оловли лавадан ўтади, “иймонлилар учун у худди эндинга соғилган сут кабидир”, гуноҳкорлар эса маҳобатли қиёмат кунининг бу оловли лавасида дўзах билан биргаликда куйиб кетади.

Оlamни покловчи ва Ахриманни ҳалок этувчи ана шу буюк фалокатдан сўнг бу дунёда Аҳура Маздадастлаб ният қилган жаннат қарор топади, барча кишилар ўй-фикрларида, сўзларида ва амалларида яқдил бўлади. Касалликлар ва азоб-үқубатлар бархам топади, абадий адолат, мукаммаллик ва ҳақиқат қарор топади. Ёруғлик ва билим худосининг дастлабки ниятига эришуви маъносида ана шу тариқа бу дунё тараққиёти ниҳоясига ўтади.

\* \* \*

Зардуштийлик ўзининг узоқ тарихи давомида сезиларли ўзгаришларга учради.

Аҳура Маздакульти илгари Ғарбий Эронда мавжуд эмас эди. Зардуштийликнинг коҳинлар динига айланиши унинг шакли ва мазмунида муайян эволюция олиб келмаслиги мумкин эмас эди. Коҳинларнинг зардуштийлиги бу вақтга келиб (Аҳамонийлар даври) ўзида, эҳтимол, дастлабки зардуштийликка қараганда, монотеизмнинг қаттиқроқ ва изчил кўринишини ифодалагандир. Монотеизм ғояси бир шаклдан бошқа шаклга ўтказилган<sup>41</sup>.

Аҳамонийлар даврида оламни қутқарувчилар ҳақидаги маълумот шаклланди. Улар икки ака-ука: Ухшийат-Эрэта ва Ухшийат-Нэма олам охирлаганда тинч ва сокин бир кўлга яқинлашади, сувда фавқулодда ҳолатда пайғамбар эрлик уруғи сақланиб қолган бўлади, унда чўмилган қиз пайғамбардан ҳомилали бўлади ва Асват-Эрэта (Саошиант) номли ўғил туғади, ана шу ўғлон одамларни ёвузлик билан бўладиган охирги жангта бошлаб боради<sup>42</sup>.

Мил. ав. IV асрнинг биринчи ўн йиллигига Зардушт таълимоти кичик Авесто шаклида кучли ислоҳ қилинган ҳамда Ғарбий Эронда кенг тарқалган (даставвал, балки муғлар ўртасида) ва у ерда расман тан олинган (бу балки Артаксеркс II даврида ва ундан кейинги диний ислоҳотлар доирасида). Бу Зардуштнинг ахлоқий-маънавий ва диний-фалсафий таълимотини янада сикиқроқ характерда бериш давр талаби бўлгани билан изоҳланади.

Ғарбда Зардушт таълимоти билан бирга, Авесто тили деб улуғланадиган, (маълумки, ҳали ҳам оғзаки тарзда) қабул қилинди. Кичик Авесто тилига келадиган бўлсак, унда Ғарбий Эрон диалектларининг таъсири пайдо бўлди ва кучайди.

Шундай қилиб, Авесто форс-мидиялик ва сўнгра парфиялик муғлар учун муқаддас китобга айланди, улар китобни сақлади ва кейинги юз йил давомида таҳрир қилди. Авестонинг баъзи сўнгги билимлари бунга мисол бўла олади. Бу жараён Сосонийлар давригача давом этди.

Сосонийлар давлати шоҳлари (Шопур I дан бошлаб – 239-22) шоҳаншоҳ унвонига эга бўлган. Мобадан Мобад (олий руҳоний), шунингдек, Хербад (руҳоний ходим) унвонлари Сосонийлар даврида жорий қилинди. Давлат Эроншоҳ “Орийлар подшолиги” ёки “эронийлар шоҳлиги” деб аталган. Сосонийлар давлати коҳинларга таяниб иш кўрди: давлат ёрдамида янги оташкада “олов саройлари” бунёд этилди<sup>43</sup>. Ардашер I даврида (224-259) зардустийлик давлат дини деб қилинди: зардустий руҳонийлар мамлакатда катта сиёсий-иктисодий таъсир кучига эга бўлди.

Ўзларини Аҳамонийларнинг аждодлари деб ҳисобловчи Сосонийлар сиёсий-ҳуқуқий тамойилларида уларга тақлид қилишга уринди. “Соф зардустийлик дини яратаман...” “Зардустийлик дини ва ҳуқуқини тозалаш” ва бирхиллаштиришга келганда, Сосонийлар дарҳол қатъий чоралар кўра бошлади. Аҳамонийлар даврида бўлганидек, Ахурамазданинг биринчилигини эъти-

роф этган ҳолда “барча тарқоқ таълимотлар” энг “ишончлилари” танлаб олинган. Бироқ бу пайтга келиб, зардустийлик диний-хуқуқий таълимоти яна бир бор эволюцияни бошидан кечирган – дуализм бағридан зардустийликнинг монистик кўриниши пайдо бўлган ва у зурванизм деган ном олган.

Зурванийлар зардустийлик космогониясини тегония ғояси, яъни Ахурамазданинг келиб чиқиши билан тўлдирган. Ахура Маздазардустийликнинг монотеизми ва дуализмни, гарчи дуалистлар уни ёвузлик ёки эзгулик курашидан ташқарида бўлишидан маҳрум этган бўлсалар ҳам яратилган ва абадий ҳисобланган. Зурванийлар худонинг олийлигини ягона худо тимсолида эмас, балки “ҳамма вақт бўлган ва ҳамма вақт бўладиган” мавҳум биринчи шаҳзода Зурвон тимсолида кўрган<sup>44</sup>.

Барча олимларнинг қайд этишича, Зурван эркак бўлган, аммо моҳият-мазмуни унинг аёл эканини билдиради. Бу феноменал илоҳиёт ўтмишини чуқур билмаслик адолатсиз эззегетик холоса чиқаришга сабаб бўлади.

Зурвон бирор эзгу иш қилиш хақидаги фикрга келгунча орадан сон-саноқсиз йиллар ўтиб кетади, нихоят, у қурбонлик қилиш ҳақидаги қарорга келади. У эзгу ният йўлида қурбонлик қиласар экан, ботинида ўғли – эзгулик, ёруғлик ва билим худоси Ахура Маздапайдо бўлди. Бироқ Зурван кўнглида қилган қурбонлигининг оқибатидан бир шубҳа бор эди ва бунинг оқибатида унинг ботинида хуш бўйлар таратувчи мунаvvар ва гўзал Ахура Маздабилан бирга иккинчи ўғли – жоҳил, ёвуз ва бузмакор Ахриман вужуд келди. У Зурван Ахурамаздани дунёning эгаси қилиш ниятида эканини пайқаб, Зурван қорнини ёриб, биринчи бўлиб дунёга отилиб чиқди. Ўз шубҳаларидан туғилган даҳшатли ўғли Ахраманни кўрган Зурван иккинчи бўлиб Ахурамаздани дунёга келтириди ва бу иккала ака-ука эгизаклар ўртасида ҳаёт-мамот кураши бошландиди, ушбу оламнинг ибтидосидан интиҳосигача қадар давом этади<sup>45</sup>.

Мазкур таълимот дуалистик зардустийликдан фарқ қилган ҳолда ўзини бошқа оқимларга қўймаган, балки уларни бирлаштиришга интилган. Зурван бир-бирига қарши рухларни юзага келтириб, уларнинг олишувига ўзи аралашмайди. Шундай қилиб, Зурванистик монизм зардустийлик таълимотини яратиш учун энг мақбул назария бўлиб чиқкан. Ушбу назария Парфия мактабининг “чекланган” дуализмга чек қўйган<sup>46</sup>.

Аслида ушбу таълимот жуда қадимги зардустийлик динидан ҳам, маздаизм динидан ҳам аввал мавжуд эди. Аристотелнинг шогирди Евдем Родосийнинг (мил. ав. IX аср) сўзларига кўра, эрванизм Эрон ва Ўрта Осиё халқлари орасида кенг тарқалган таълимот эди.

Сосонийлар даврида зардустийлик таълимоти бир эмас, бир неча маротаба ислоҳ қилинди. Бундай уриниш ҳали биринчи Сосонийлар ҳукмронлиги – Ардашер даврида ёқ бўлган. Иккинчи уриниш унинг ўғли Шопур I даврида рўй берган. У “тўлиқ” таълимотни яратишда отаси сингари факат зардустийлик матнларини тузиш билан чекланиб қолмаган, балки янада илгарилаб борган. Бу пайтда, Р.Ценернинг фикрига кўра, кўп жиҳатдан Сосонийлар теологияси тақдирини белгилаб берган кўплаб антик ва ҳинд фалсафий ғояларининг кириб келиши юз берган<sup>47</sup>.

Бир асрлик танаффусдан кейин V асрда зурванизм асосида “ҳақиқий” зардустийлик таълимотини яратишга яна бир бор уриниб кўрилган. Бунга Маздак харакат қилиган эди.

Маълумки, бу пайтда зардустийлик дормага – жамиятнинг юқори табақа ахлига хизмат қилувчи динга айланиб ултурган эди. Маздак (470-529) халқ оммасининг зардустийлик коҳинлари ва зодагонларига қарши курашини бошқарган. Маздак таълимоти ёруғлик ва жаҳолат, яхшилик ва ёвузлик курашининг дуалистик қоидасидан келиб чиқадиган фалсафий тизимга асосланар эди<sup>48</sup>.

Зардустийликни ислоҳ қилишга сўнгги марта Хисрав I (531-59) уриниб кўрди. У Маздак енгилгандан кейин неоплатонизмга катта қизиқиши билан қараган. А.Перзханин қайд этганидек, “Авесто” ҳукуқий наскларининг ўзи Эрон жамияти ривожланиши даражасига жавоб бера олмас эди.

Хусрав I даврида Сосонийлар қонунлари мажмуи – “Бир минг суд қарорлари китоби” юзага келади. Дин ва ҳукуқнинг алоқасига, жумладан, суд ишларига бундай қарашиб тасодифий бўлмаган. Эронда кодекслаштиришган ҳукуқ мавжуд эмас эди. Зурванизм қарор топиш даврида “Авесто”нинг ақидавий ҳукуқидан аста-секин чекиниш билан бирга зардустийлик суд тузилишида мослашувчан моделга яқинлаша бошлаган. Янги диний ақидалар яратилмаган эди, қадимий диний ақидалар эса янги ҳукуқий реалликка мослаб талқин қилинган<sup>49</sup>.

Зардустийлик дунёнинг энг қадимги динларидан бири бўлиб, яқин ва Ўрта Шарқнинг катта қисмида мил. ав. XI-XII аср-гача қарийб узлуксиз равишда яшаб келган Эроннинг уч империяси дини эди.

### АДАБИЁТЛАР:

1. Массон В.Н., Сарианиди В.И., Среднеазиатская терракота эпохи бронзы, М., 1973, стр. 134.
2. Кўрсатилган асар, 131-бет.
3. Кўрсатилган асар, 121-бет.
4. Кўрсатилган асар, 138-бет.
5. Токарев С.А., Ранние формы религии, М., 1990, стр. 17.
6. Энгельс Ф., Табиат диалектикаси. Т., 1983, 7-бет.
7. Религиоведение. М., 2007, стр. 319.
8. Беруний, Танланган асарлар, I том, 1968, 236-бет.
9. Турдимов Ш., Қўёш йўли манзаллари, “Соглом авлод учун” журнали, 2000, 5-сон, 43-бет.
10. Беруний, Танланган асарлар, I том, 1968, 236-бет.
11. Емельянов В.В., Ретул в Древней Месопотамии, Санк-Петербург, 2003, стр. 40.
12. Кўрсатилган асар, 48-бет.
13. Кўрсатилган асар, 48-бет.
14. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газаетаси, 2013, 8 феврал, 6-сон (4197)
15. Йўлдошев С., Усмонов М., Каримов Р., Қадимги ва ўрта аср Ғарбий Европа фалсафаси, Т., 2003, 5-бет.
16. Емельянов В.В. Ретул в Древней Месопотамии. Санк-Петербург, 2003, стр. 49.
17. Религиоведение. М., 2007, стр. 412
18. Асқаров А., Энг қадимиш шаҳар, Т., 2001, 20-бет.
19. Тохир Карим, По следам “Авесты”, Т., 2007, 83-бет.
20. Берзин Э.О., Зардустийлик нима? Т., 1972, 1-бет.
21. Жаҳон тарихи, 7-синф учун дарслик.
22. Бешем А., Чудо, которым было Индия М., 1977, стр.17.
23. Мартынов А.И. Археология СССР, М.,1973, стр. 43-45.
24. Токарев С.А., Ранние формы религии. М., 1990, стр. 346.
25. Кўрсатилган асар, 48-бет.
26. Кўрсатилган асар, 48-бет.
27. Кўрсатилган асар, 48-бет.
28. Абильев А.К., Евдокимов В.В., Казахстан в древности, Караган-1, 1991, стр. 117.
29. Кўрсатилган асар, 117-бет.

30. Мұхаммедов Х., Хорижий мамлакатлар давлати ва ҳуқуқий тарихи, Т., 1999, 45-бет.
31. Религиоведение, М. 2007, стр. 31.
32. Рагозина З.А., История Ассирии, М., 1998, стр. 31.
33. Религиоведение, М., 2007, стр. 46.
34. Лорд А., Сказитель, М., 1994, стр. 176-177.
35. Токарев С.А., Ранние формы религии. М., 1990, стр. 202.
36. Религиоведение, М., 2007, стр. 184.
37. Кўрсатилган асар, 117-бет.
38. Кўрсатилган асар, 117-бет.
39. Кўрсатилган асар, 117-бет.
40. Жўраев Й.Т., Сайджонов Й.С., Дунё динлари тарихи, Дарслик, Т., 2002, 42-бет.
41. Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В., Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар, Т., 2001, 180-181-бетлар.
42. Сулаймонов Р., Нахшаб – унтуилган тамаддун сирлари, 2004, 17-бет.
43. Бойс М., Зороастрйцы. Верования и обычаи. М., 1988, стр. 138.
44. Ртвеладзе Э.В. 183-бет.
45. Кўрсатилган асар, 183-бет.
46. Кўрсатилган асар, 184-бет.
47. Кўрсатилган асар, 184-185-бетлар.
48. Кўрсатилган асар, 183-бет.
49. Кўрсатилган асар, 184-бет.

## Зардуштнинг таржимаи ҳолига оид

Тарихий адабиётларда узоқ вақт давомида Зардушт номи мавҳум тимсол сифатида тасаввур қилиниб келди. Бироқ авестошунос ва тарихчи олимларнинг кейинги пайтларда бу борада қўлга киритган янги-янги маълумотлари бошقا нарсани кўрсатди. Зардуштнинг ҳақиқий яшаб ўтганлиги ва унинг таълимоти барчага ҳеч бир ўзгаришсиз етиб келганлиги масаласида иккиланишга асло ўрин йўқдир<sup>1</sup>.

Зардуштнинг айни қайси вақтда туғилганлиги тўғрисида “Авесто”да ҳеч қандай маълумот йўқ.

Сосонийлар анъанасига кўра, Зардуштнинг туғилган йили – македониялик Искандаргача 258 йил. Бу сана ҳақида биринчи бўлиб Беруний маълумот берган эди. Шунга кўра, Зардушт Искандарнинг Шарқ ҳудудига юришларидан (бошланиш санаси мил. ав. 334 йил) 258 йил аввал туғилганлиги айтилади<sup>2</sup>.

Шарқшунос олим И.М.Дъяконов бу нақлда шунчаки Зардушт Македонский босқинчилигидан оддин 10 авлод яшаб ўтганлигини назарда тутади (Зардуштни муваффақиятга эришган ёши 42 га 258 қўшилса, яхлит 300 йил ҳосил бўлади).

Йўқ, бу ерда, биринчидан, А.Р.Берунийдан нотўғри иқтибос келтирилган. А.Р.Беруний ўзининг “Қадимги ҳалқлардан қолган ёдгорликлар” асарида: “Зардуштнинг юзага чиқилиши билан Искандар эраси (Искандарнинг Шарққа юришлари змас!) орасида 258 йил бор”, деб ёзади.

Малумки, Искандар эраси мил. ав. 312 йил 1 октябрдан бошланган. Демак, Искандар эраси билан Искандарнинг Шарққа юришлари саналари ўртасида 22 йил фарқ бор. Шунга кўра, Зардуштнинг таваллуд санаси мил. ав. 592 йил эмас, балки 570 йилдир. Иккинчидан, И.М.Дъяконов нуқтаи назари ҳеч қандай илмий асосга эга эмас.

А.Р.Беруний асарларида Зардушт ҳаётига оид яна бир қанча қизиқарли маълумотлар учрайди. У юқорида эслатиб ўтилган асарида Қўёш тутилиши ҳодисаси муносабати билан Солис (Фалес – мил. ав. VI асрда яшаган юонон файласуфи ва математиги) ҳақида фикр юритар экан, алоҳида қайд этилади, агар у Кайқубод замонида яшаган бўлса, у ҳолда у Зардуштга яқин бўлар эди<sup>3</sup>. Қўёш тутилишининг бутунги фан ҳисоби бўйича даврдаги аниқ санаси – мил. ав. 585 йил 28 май”<sup>4</sup>.

А.Р.Берунийнинг яна бир ҳисботини кўриб чиқамиз. Унда:

“Зардушт юзага чиқишидан то Яздижард ўлдирилиб, эронликлар давлати барбод бўлгунча 1221 йил ўтган”, дейилади<sup>5</sup>. Демак, 1221 – 651 = 570. Бу яна Берунийнинг олдинги кўрсатган санасига тўғри келади.

Хуллас, А.Р.Берунийнинг фикрича, Зардушт мил. ав. VI асрнинг биринчи ярмида яшаб ўтган.

Аммо нимагадир кейинги пайтларда зардустийлик тарихини анча олдинги даврлар билан боғлаш иммий анъанага айланниб бормоқда. Чунончи, таниқли олима Ф.Сулаймонова: “Зардустийлик дини аввал Мидия ва кейинча Фарбий Эронда мил. ав. VIII-VII асрларда савдогарлар, муғлар орқали тарқалган бўлса керак”, деб ёзса<sup>6</sup>, философ олим Тоҳир Карим, зардуштлар мил. ав. IX асрда яшаб ўтган, деб ҳисоблайди<sup>7</sup>.

Академик А.Асқаров шу пайтгача Зардуштни бундан 2700 йилча олдин яшаб ўтганлигини кенг тарғиб қилиб келгани ҳолда, ўзининг “Ўзбек ҳалқини этногенези ва этник тарихи” (2007) китобида Зардушт яшаган даврни мил. ав. 2 минг йилликнинг иккинчи ярми деб кўрсатилади<sup>8</sup>.

Бутун-бутун ҳалқлар тарихига дахлдор бўлган буюк шахслар тўғрисида фикр юритганда тарихан асоссиз мулоҳазаларга берилиш ярамайди. Оссурия матнларидағи ономастик маълумотлар шундан дарак берадики, Фарбий Эронда Мидия давригача (мил. ав. VIII аср) на мидияликлар, на форслар зардустийлар бўйни олиши мумкин эмас эди.

Қаралаётган даврдаги зардуштлик элементларининг фарбдаги излари – Аҳура Мазда культи, дуалистик таълимот кўринишдаги ўхшашликларни нафақат бевосита зардустийлик билан, балки Зардуштдан олдинги воқелик – илк маздаизм (мил. ав. IX-VI асрларда Мидия, VI-IV асрдаги Аҳамонийлар давлатидаги дин) динининг бу ерга кўрсатган умумий таъсиrotидан излаш керак.

Илк зардустийлик масаласида яна бир ҳолатни ҳисобга олишга тўғри келади. Мавжуд тарихлар бўлиб ўтган воқеликлар анча кечки пайтларда ёзилган. Бу ерда шу нарсани алоҳида қайд этиш қеракки, эпик сюжетни тарихий шахсга боғлаш қадимги адабиёт тарихидаги табиий ҳолатdir; буни биз шумерликларнинг диний рухонийси, ҳарбий арбоби бўлган Гилгамиш мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Гилгамиш ҳақидаги эпик кўшиқлар сюжетидан ташкил топган мифлар, тарихий шахс Гилгамишдан анча қадимиyroқдир.<sup>9</sup>

Шу ўрнида муғлар фаолиятини энг авжига чиққан даври тарихи ҳақида бир қатор мулоҳазаларни билдириб ўтишига тўғри келади. Мидия подшоси Киаксар ҳукмронолик қилган Астиаг даврида (мил. ав. 585-550) ғарб томон айтарлик ҳарбий ҳаракатлар олиб борилмаган. Лекин худди шу Астиаг даврида Мидия империяси институтларини тартибга солиш йўлга қўйилган. Бугунги кунда илк зардустийлик деб тушунилаётган мафкура шакли, афтидан, худди шу даврда Мидияда расмий дин сифатида тан олинган.

Муғлар бу пайтга келиб Мидия ва Эронда катта ғоявий кўчга айланиб бормоқда эди. Астиаг зардустийлик элементларини ўзида сақлаган ушбу дин асосларини давлат дини деб эълон қилса-да, олий руҳонийлик кучларини сезиларли равишда чеклашга ҳаракат қилган ва бу борада жуда қатъий бўлган. Бу эса муғларда кескин норозилик ҳиссини уйғотади. Шу муносабат билан Мидияда жуда оғир ижтимоий-сиёсий муҳит вужутга келади. Ва бу ҳолат, охир-оқибат Астиагни асир қилиб, Кирга топширилиши билан якунланади; сиёсий тил билан айтганда, Мидия империяси Аҳомонийлар империяси билан алмашади.

Муғларнинг таъсири бу билан чекланиб қолмайди. Бу таъсир Эронга ҳам ўтади. Биргина Камбиз II давридаги сарой тўнтариши бунга ёрқин мисол бўла олади. Камбиз II Мисрдалик пайтида (мил. ав. 522 йилда) кичик укаси Бардиянинг Парсуада тахтни эгаллагани ҳақидағи хабарни эшитади ва зудлик билан Эронга қараб йўл олади. Лекин у сирли равишда йўлда ҳалок бўлади.

Эрондаги бу тахт тўнтариши тўғрисида сон-саноқсиз гаплар юради. Доро I томонидан Бехустун қоятошига битилган расмий ҳабарга кўра, тахтни Бардия номи билан ва аслида Гаумата деб-аталадиган муғ эгаллайди.

Гаумата мил. ав. 522 йил 11 марта таҳтга ўтириши биланоқ бутун Вавилонияда тан олинади. Қўп ўтмасдан эса бу шахс подшоҳ сифатида барча ҳалқларнинг қайноқ муҳаббатига сазовор бўлади. Янги шоҳ ўлпонларни ва 3 йиллик ҳарбий мажбуриятарни бекор қиласди.

Гауматанинг энг муҳим ислоҳотлардан биттаси сифатида Парсува ва Мидияда марказий культни шакллантириш йўлини борганлигини санаб ўтиш мумкин. Афсуски, бу ҳаракатлар узадогини топмайди. Гауматани мил. ав. 533 йил 29 сентябрда Доро I ўлдиради. Бу мудҳиш воқелик бутун империя ҳалқларини ғунбушга келтиради. Вавилония, Парсуа, Мидия, Элам, Марғиё-

на, Саттагидия, Ўрта Осиё ва Мисрда халқ қўзғолонларини келтириб чиқаради.

Академик В.В.Струве бу қўзғолонлар ичида Марғиёна вилоятидаги халқ қўзғолонини алҳида кўрсатиб ўтади. “Авесто” манбаларида кўрсатилишича, бу вилоят ўша пайтда зардуштийликнинг асосий таянчларидан бири бўлган. В.В.Струве Бехияпун ёзувларга кўра Марғиёнада 55 мингдан зиёд қўзғолончи ўлдирилганига алоҳида эътибор беради ва шундай хulosага келадики, эрамиздан аввалги 522 йилда Марғиёнада зардуштийлик шиори остида фақат зардуштийлик дини душманларига қарши кудратли халқ қўзғолони бўлган.

Мазкур исёнларни жуда қийинчилик ва катта йўқотишлар билан бостириб, таҳтга мустаҳкам ўрнашиб олган Доро I барibir ҳам муғлар билан муросага келишга мажбур бўлади. Натижада Доро I муғлар ёрдамида зардуштийлик динининг янги, ўз сулоласининг эҳтиёжлари учун бирмунча яроқли бўлган вариантини ишлаб чиқади.

Шундай қилиб, Эронда коҳинлик билан шуғулланувчи муғлар Мидия қабилаларнинг зардуштийлик типидаги диний ўтказувчилар бўлиб майдонга чиқадилар.

Хулласи калом, Зардуштнинг болалик пайтларига қайтамиз. А.Р.Беруний Зардуштни ижтимоий ҳаёти тўғрисида бир қатор маълумотлар келтиради. Бизнингча, мазкур маълумотларда маълум тарихий асослар бор.

А.Р.Беруний ёзади: “У Манучеҳр подшоҳ наслидан, муғлар хонадонидан, уларнинг кўзига кўринган кишилари ва улуғларидан эди”<sup>10</sup>.

Хўш, Муғлар ким бўлган?

Шу хақда икки оғиз сўз. Муғлар дунёнинг энг қадимги халқларидандир. Аристотель ўзининг фалсафа ҳақидаги дастлабки китобида муғлар, ҳатто мисрликлардан ҳам қадимиyoқдур, деб ёзган. Аслида тарихда шумерлар, орийлар деб шарафланадиган халқларнинг асосий, диний раҳнамоларни муғлар ташкил этган.

“Динкард” ва паҳлавий тилидаги бошқа китобларда Зардуштнинг исми “Магұпта” шаклида зикр этилган. Бу ёдгорликлар араб тилига таржима қилинганда Зардушт “Мажус” ва “Мажуса” тарзida ўгирилиб, шундай ёзилган.

Бу жуда ҳам тўғри эмас. Негаки “Лисон ул-Араб” қомусида “мажусий”, “мажус” сўzlари қиёс қилиниб, бу сўзларнинг бир-

лик шакллари отлашган нисбий сифат экани кайд этилган. Зардуштлик қоҳинлари муғ дейилган, буни юононлар ва руслар “маг”, “маги”, араблар эса “мажус” шаклида қабул қилгандар.<sup>11</sup>

Таникли олима Ф.Сулаймонова ҳам шунга ўхшаш мулоҳазаларни айтади: “муғ” сўзининг илк бор “маг” шаклига айланиши ҳам юононлар билан боғлиқ бўлиб, фикримизча, “маг” қадимги юон тили қоидаларига бўйсундирилган ҳолда “мажус”га айланниб, шарқда “мажус” шаклида тарқалган.<sup>12</sup>

Бу фикрларга қарши чиқмаган ҳолда, XIX асрда яшаган ажойиб рус тарихчи олимаси З.А.Рагозинанинг бу сўз этимологиясининг генезиси жуда ҳам қадимги тарихга бориб тақалиши тўғрисидаги мулоҳазаларини келтириб ўтмоқчимиз: “Шумернинг қадимги турон тилида руҳоний, диний арбоб “имга” деб аталган. Семмитлар бу сўзни “маг”деб ўзлаштирганлар. “Рабмак”, яъни “улуг диний арбоб” Вавилон ва Оссурия подшоҳлари саройида муҳим вазифа ҳисобланган. Ана шундан “магус”, “магия”, “маг” атамаларини бутун европаликлар ўзлаштирган”<sup>13</sup>.

Бундан кўринадики, айни атама, биринчидан, биз ўйлаганимиздан ҳам қадимириоқ, иккинчидан, бу сўз, аслан туронча, яъни қадимги туркийча экан.

Сўз узоқ яшаш хусусиятига эга. Ҳозир, яъни мустақиллик даврида бемалол истеъмолга киритилган “маг” асосли “магистр”, “магистрлик”, “магистратура” каби чиройли иборалар аслида ҳам ўзимизники экан.

Илк мавзуга қайтамиз. Берунийнинг айтишича Зардушт отаси ёрдамида ёшлиқданоқ билим олишга киришади.

Дастлаб отасидан, кейинчалик, отаси билан бирга Нуротага боради. Нурота худудида ўзига хос қоҳинлик мактаблари амал килиб, бу ерда турли маъбуллар шаънига айтилган алқовлар, афсун, қайтариқлар, намозликлар, зикру само ва бошқа дуюю такбирлар ўргатилган.<sup>14</sup>

Зардушт отаси билан Кичик Осиё мамлакатларига борганлиги ва у ерда “Оссурия муғлари дарслиги”дан сабоқ олганлигини ушбу китобнинг “Авесто ва Зардушт” бобида айтиб ўтдик.

Айниқса, унинг такомилида, Берунийнинг тақидлашича, Пифагор ва унинг шогирдлари муҳим ўрин тутади. Аввало Пифагор тўғрисида икки оғиз сўз. Пифагорда ёшлигидан ҳамма нарсага қизиқувчанлик бор эди. У зардуштийлик дийнининг илк босқичига жуда қизиқсан ва Мисрда 22 йил қоҳинлардан таълим-тар-

бия олади. У ерда мажусийлик ва яхудийлик қорилган бир мазҳабни тутган сомирийлар яшар эди. Шунинг учун Мисрда илм сирларини ўрганиш учун ҳатто хатна қилдиришга ҳам рози бўлган. Акс ҳолда у китобларга яқинлаштирилмасди.

Мил. ав. 525 йили Мисрни форслар забт қилган, форслар кўпинча мисрликларни асир олиб, Шарққа жўнатар, улар орасида Пифагор ҳам бўлган. У Бобилга келиб, 12 йил давомида ўша ердаги коҳинлардан таълим олди. Агулейнинг таъкидлашича, Пифагор ҳинд донишмандларидан ҳам таълим олган. Пифагор 34 йил муҳожирлиқда Миср, Бобил (Вавилон), ҳатто Ҳиндистонда ҳам яшаган.

Берунийнинг уқтиришича, Фисоғурнинг (Пифагорнинг) шогирди файласуф Бобилга борган. У Зардушт билан учрашган ва ундан таълим олган<sup>16</sup>.

Зардушт мана шу ибодатхоналарда ҳам ўз билими ва амалий кўнникмаларини оширган. Охирида Зардушт Сиблон (Циблон) тоғига кириб, бир қанча йил шу ерда яшаган ва китоби устида иш олиб борган.

Мана шундай узоқ йиллик изланиш машаққатлари эвазига Зардуштда юксак билим, жасорат, бақувватлик, руҳан тетиклик ва закийлик салоҳияти бўй кўрсатган еди.

Зардушт тахминан мил. ав. 530 йилда Туронга қайтиб келади.

Турунда эски диннинг ашаддий ихлосмандлари яшар эди. Диний таълимотни қандай бўлса, ўшанақа сақлаб қолиш ва уни оммага ташвиқ қилиш, ибодат ва диний маросимларни бажо келтириш ва ҳ. ишларни амалга ошириш уларнинг вазифаси эди.

Хумбузтепа худудидаги ибодатхона қазишмалари чоғида топилган археологик материаллар таҳлил қилинди ва тизимлаштирилди. Стратиграфик тадқиқотлар ибодатхонанинг мил. ав. V асрга тааллуқли эканини яна бир бор исботлайди. Қазишмалар натижасида кўплаб бой ва ифодали топилмалар: бус-бутун сақланган косалар, қадаҳлар олинди. Шунингдек, ноёб ҳайкалчалар (терракота) ҳамда мил. ав. V асрга оид бронзадан ишланган камон учи топилди.<sup>17</sup>

Сергей Баратов ва археология гуруҳининг Зардуштийлик ибодатхонаси бўйича олиб борган тадқиқотлари “Мир” телеканали орқали намойиш этилди.

Зардуштнинг диний ихлосмандлари бу ердагиларга ёқмайди. Натижада у Эронга қувилади. Эрон ва Турунда қариндош

халқлар яшарди. Уларни ирқ ҳам, тил ҳам эмас, балки дин иккига ажратди. Эски дин химоячилари туронликлар, янги дин тарафдорлари эронликлар деб атала бошлади. Ана шундан Эрон ва Туранга ажралиш бошланди<sup>18</sup>.

Нафақат дин, балки замон, вақт ҳам фарқ қиласы.

Зардуст Эронда қүёш тақвимини қабул қиласы (бу ҳақда алохыда ҳикоя қиласы), туронликлар эса ўзлари эскидан амал қилиб келган ҳисобларыда қолиб, Зардуст эълон қиласы йилни бекор қиласы.

Бундан ташқари, мифология ва космогония 180 градусга ўзгариб кетди<sup>19</sup>.

Хулласи калом, күп ўтмай Зардуст янги ҳомий топди. Бу ҳақда ҳам маҳсус ҳикоя қиласы. Янги ҳомий раҳбарларыда янги-янги режаларни амалга ошириди.

У мил. ав. 528 йилда пайғамбарлық даражасига эришади.

Зардусттинг ота-онаси ҳақида. У Хоразм ҳокимлигига қарашли вилоятда чорвачилик билан шуғулланган Спитама уруғидан бўлган. Беруний Спитама номини Сафид Туман шаклида киши оти сифатида кўрсатади<sup>20</sup>.

Зардусттинг отаси ва онаси исмлари Поурушасп ва Дугдо ва бўлган. Отасининг исмига “асп” қўшимчаси қўшилган. Берунийнинг айтишича, муғлар авлодидан бўлган. Унинг камбағал бўлганлиги уйдирма. Эронда улуғ подшоҳлар ва уларнинг яқинлари исмига “асп” қўшиб айтилган. Мисол сифатида Биварасп – Захҳоқнинг исми, Лухрасп (Қайлуҳрасп), Зардусттинг ҳомийиси

Биштосп, Жомосп ва бошқа кестиришимиз мумкун. Онасининг исми Дугдова бўлган. Соф туркона. Дугду сўзи қўёш маносини билдиради. Эслайсизми, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асаридаги ақлга Ўғду+л+миш, ўзаги “ўгдў” сўзидур. Унинг ҳозирги матьнодошлари Кунтуғди, Офтобойим ва ҳқ.га тўғри келади.

Ва ниҳоят, унинг исми – Зардуст тўғрисида.

“Зардуст” сўзининг этимони форс тилидан “зар” асосига бориб тақалади. Бундан ташқари “зард” сўзининг маноси нафақат гилларанг балки кўчма маносидаги “офтоб”ни ҳам билдиради. Айни шу ерда Эрон подшосининг ўз исмларига қўшимча тарзда тақаб қўйиш анъанасини эслатиб ўтиш ўринлидир. Беруний: “Шахсий лақабларга келганда, бу Ислом давлатидан олдин Эрон подшоҳларидан бошқада бўлмаган”, деб ёзади.<sup>21</sup> Лақаб қўйган-

да ҳам муайян шахснинг, табиати, құдрати, инсоний хислатлари инобатта олинган. Улар ичида қуёш, нур, ёруғлик, оташ ва ҳк. ўхшатишлар билан боғлиқ сон-саноқсиз лақабларнинг учраши фикримиз далилидир. Масалан, Жамнинг лақаби – “шид”, яъни “ёрқин нур сочмоқ”; Собирнинг лақаби – “заррин” яъни “олтин”; Баҳромнинг лақаби – “рушан” яъни “ёруғ”, “равшан”ва ҳк<sup>22</sup>.

Тўғрисини айтганда, Зардуштга “олтин туяли”, “олтин түя эгаси”, “туялар етаклаган одам” каби лақаблар унчалик ҳам ёпишмайроқ турибди. Тахминимизча, унга “зардўз” яъни матога зарни, олтинни нақшлайдган заргар касбли кишига берилган нисбатdir.

Зардушт лақаби кейинчалик берилган. Бу борада Берунийда ҳам қайд бор: “Пурушосфнинг ўғли Сафид Туман деб машхур бўлган ва Зардушт номи билан танилган”<sup>23</sup>.

Зардушт ўз замонасининг етук донишманд олими, шоири бўлиш билан бирга моҳир ҳусниҳат устаси - хаттот ҳам бўлган. Қарийб 30 йилдан ортиқ вақт ичида кўплаб устозлар қўлидан таҳсил олган, йирик мактабларда ўз тажрибасини орттирган. Берунийда яна Зардуштнинг мажусийлар “Авесто” деб атайдиган китоб билан юзага келганлигини айтади.<sup>24</sup> Бу нимани билдиради? Бу шуни билдирадики, “Авесто”нинг дастлабки нусхасини Зардушт ўз кўллари билан ёзган.

Шу ўринда китобхонларда улкан ҳажмдаги ёзувларга (12 минг қорамол териси) наҳотки шунча миқдордаги олтин суви ишлатилган бўлса, деган шубҳа туғилиши табиий. Бунинг учун мазкур ҳолатга ўша давр нуқтаи назари билан қарашга тўғри келади. Мил. ав.XII-VII асрларда Темир кашф этилиши ва унинг бутун дунёга тарқалиши воқелиги олтин, кумуш, мис каби қимматбаҳо нодир маъданлар нархини ҳаддан ташқари тушириб юборган. Темир ўша пайтда бу хил рангли металлардан юз чандон қиммат юрган.

Хуллас, тахминимизча, Зардушт “зардўз” деб сифатланган, кейинчалик бу сўз фонетик ўзгаришларга учраган: Зардушт Зардўз.

## АДАБИЁТЛАР:

1. История Востока . 1. Восток в древности. М., 2002, 587-бет.
2. Сагдуллаев А., Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. Т., 1996, 18-бет.

3. Беруний, Танланган асарлар. 1 – т., 1968, 63-бет.
4. История Востока . 1. Восток в древности. М., 2002, 586-бет.
5. Беруний, Танланган асарлар. 1. Т., 1968, 148-бет.
6. Сураймонова Ф., Шарқ ва Ғарб, Т., 1997, 35-бет.
7. Тоҳир Карим По следам “Авесты” Т., 2007, 69-бет.
8. Асқаров А., Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. Т., 2007, 124-бет.
9. История Востока. I том, Восток в древности. М., 2002, стр.50.
10. Беруний, Танланган асарлар. 1. Т., 1968, 236-бет.
11. Ҳасанов А. Қадим Арабистон ва илк ислом Жоқилия асри. Т., 2001, 192-бет
12. Сураймонова Ф., Шарқ ва Ғарб, Т., 1997, 35-бет.
13. Рагозина З.А., История Халдеи. М., 1998, 236-бет.
14. Турдимов Ш., Қоёш йўли манзиллари, “Соғлом авлод учун” журн., (55)-сон, 41-бет.
15. Емельянов В.В., Ритуал в древней Месопотами. Санкт-Петербург, 2003, 40-бет.
16. Беруни, Танланган асарлар. 1. Т., 1968, 237-бет.
17. “Маърифат” газетаси, 2015 йил, 19-сентябрь, №75(8828).
18. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 2013 йил 8 феврал, №6(4197).
19. Гумилев Л.Н., Тысячелетие вокруг Каспия. Баку, 1991, 57-бет.
20. Гафуров Б.Г., Таджики. М., 1972, 27-64-бетлар.
21. Беруний, Танланган асарлар. 1. Т., 1968, 237-бет.
22. Кўрсатилган асар, 130-бет.
23. Баҳодиров Р.М. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ва илмлар таснифи тарихидан. Т., 1995, 78-бет.
24. Берунний, Танланган асарлар, 1. Т., 1968, 237-бет.
25. Берунний, Танланган асарлар, 1. Т., 1968, 237-бет.

## Зардуштнинг ҳомийси ким бўлган?

Зардуштнинг ҳомийси сифатида Виштасп образи алоҳида ўрин тутади. Хўш, бу шахс ким ва у подшоҳлик қилган мамлакат қаерда жойлашган?

А.Р.Берунийда Виштасп, Биштосф, А.Навоийда Гуштасп, Ал-Хоразмийда Кайбиштосб шаклида келган бу подшоҳ тарихини оидинлаштириш авестошуносликнинг бугунги кундаги энг чигал муаммоларидан бириди.

И.М.Дъяконовнинг айтишича, Арёшайёна Кави Виштасп подшоҳлиги бўлиб, Дрангиана, Саттагидия, Ария, Марғиёна ва Амударё ўрта оқимидағи вилоятларни бирлаштирган. В.В.Хеннинг ва И.Гершевич бу подшоҳликни Марв-Ҳирот атрофига жойлаштирган. И.В.Пьянков эса Кави Виштасп давлатини Бақтрия ҳудудида жойлашган деб хисоблайди<sup>1</sup>.

Виштасп подшоҳлиги, олимлар назарда тутгандарилик, на у ва на бу ҳудудда жойлаша олиши мумкин эди. Негаки, бу фактлар тарих ҳақиқатига тўғри келмайди.

Маълумки, Зардушт таълимоти Аҳамонийлар давлати даврида воқелик бўлган. Доро I зардустийлик динининг янги, ўз сулоласининг эҳтиёжлари учун бир мунча яроқли вариантинига ишлаб чиқади.

Доро I Зардушт динини тинчликни, адолатни, жангу жадалларсиз ҳаётни тарғиб қилгани учун ҳам қабул қилолмасди.

Доро I давридаги Эронда Аҳура Мазда культи билан бирга Эрон қабилаларининг қадимги культларидан ҳам воз кечилмаган эди. Бундан ташқари, Доро I Аҳура Маздани худо деб билиш билан бирга, ўзини Миср худоси Нейтнинг ўғли деб эълон қиласди. Аммон ва бошқа мисрлик худоларга атаб ибодатхоналар қуради, қурбонликлар бағишлайди<sup>2</sup>.

Персепол архивининг мил. ав. VI – V асрларнинг бошларига оид ҳужжатларнинг гувоҳлик беришича, Персеполда Парсуа ва Эламнинг бошқа шаҳарларидаги подшоҳ омборхоналарига Аҳура Маздага ва бошқа Эрон худолари, Элам ва Вавилон худоларига атаб маҳсулотлар (вино, буғдой, гўшт ва ҳқ.) келтирилган. Қизиги шундаки, Аҳура Мазда ҳар доим ҳам худолар рўйхатининг бошида келтирилса-да, нимагадир, унинг культига Элам худоларининг бирига аталган винодан 3 марта кам вино ажратилади. Умуман, Эрон худолари пантеони Персепол матнларида элам худоларига тез-тез ўрин бўшатиб беради<sup>3</sup>.

Бу, Доро I ва ундан олдинги подшоҳлар даврида Зардушт таълимотининг амалиётга жорий қилинмаганини кўрсатувчи ёрқин далил хисобланади.

Жуда кўпчилик адабиётларда барқарор марказлашган бошқарувни яратишга бўлган интилиш зардустийликдаги асосий ғояларнинг муҳим хусусиятларидан бири сифатида баён этилади. Зардустийликнинг сиёсий ғоялар тизимиға киравчи ҳокимият шакллари тўғрисидаги масала доно, адолатли шоҳ ҳокимиятини тан олиш, зулмкор ҳокимиятни рад этиш кўринишида ҳал этилган<sup>4</sup>. Шунинг учун ҳам Зардушт ўз диний тизимида “кўшинни жангта мослаб, саф торттирадиган, ёв сафини титратиб, лашкар бошида туриб жангга кирадиган” Митрадан ҳам, ҳатто “каҳрамонларга куч-куват ва муваффакият бахш этувчи” сифати учун, доимо гўзал, бақувват ва хушқомат Анахитадан ҳам возкечди. Тўғри, Зардушт вафотидан кейин бу худолар яна диний амалиётга киритилди<sup>5</sup>.

Зардушт таълимотининг Эронга олиб борилган вақти мил. ав. V асрнинг ўрталарига тўғри келади. Барча тарихий ҳужжатларнинг тасдиқлашича, мифологик талқиндаги Кави Виштасп тимсолида Доро I нинг ўғли – Ксеркс (Доро ибн Доро) назарда тутилган. Маълумки, Ксеркс мил. ав. 486 – 465 йилларда подшоҳлик қилган.

А.Р.Берунийда шундай қайд бор: “Подшоҳ Доро ибн Доро хазинасида (Абистонинг) ўн икки минг қорамол терисига тилло билан битилган бир нусхаси бор эди”<sup>6</sup>.

Хўш, Зардушт қандай қилиб подшоҳ Доро ибн Доро хайриҳоҳлигига эришди? А.Р.Беруний шундай ёзади: “У вақтда Биштосбнинг Жомосп исмли вазири бор эди. У Зардуштга имон келтирди ва унга тобе бўлди”<sup>7</sup>. Аслида, Жомосп ким бўлган? А.Навоий “Тарихи мулуки Ажам” асарида: “Жомоспким, замонининг саромади эрди”, деб ёзса<sup>8</sup>, бошқа бир асари – “Тарихи аибиё ва хукамо”да: “Жомосп ҳаким Гуштаспнинг қариндоши ва Луқмоннинг шогирди эрди. Юлдузлар илмиға (астрономия) доир ажойиб ҳикматлари бор. Ўз замонасидан 3 минг йилгача бўладиган ишларни олдиндан айтган”<sup>9</sup>.

Демак, биз бундан Гуштаспнинг вазири ва қариндоши Жомосп ҳам ўз даврининг етук астрономи бўлганини ва Зардушт билимини, унинг астрономия соҳасидаги “кувваи ҳофизаси”ни синаб кўргандан кейин Зардуштга тан бергани ва уни подшоҳ

хайриҳоҳлигига эриштиришда маълум хизмат қилганини билиб оламиз.

Тадқиқотчиларнинг ҳисоблашича, қадимги тарихда дин ва тақвим узвий боғлиқ бўлган<sup>10</sup>. Қаралаётган ва ундан олдинги даврларда юксак билим ва истеъоддога эга бўлганлар подшоҳлар учун тақвимлар тузга билган<sup>11</sup>. Шу сабабли ҳам Зардуштнинг салоҳияти юксак қадрланган.

Аҳамонийлар даврининг энг йирик ютуқларидан бири қадимги Ой тақвими бўлса, иккинчиси Ксеркс даврида қабул қилинган Қуёш тақвими эди. Қуёш тақвимини айнан Зардушт ислоҳ ва жорий қилинган<sup>12</sup>.

Бу тақвимнинг қиммати шундан иборатки, у Зардушт вафотидан кейин ҳам минг йилча, яъни милодий VII асргача амалиётда бўлиб келган.

Ксеркс яккахудолик принципини анча изчиллик билан ўтказишга интилади. 1935 йилда Персеполда олиб борилган қазишмаларда Ксеркс ёзib қолдирган битик топилди. Унда, жумладан, шундай дейилади: “Мен нимаики қилган бўлсан, Аҳура Мазданинг иродаси билан қилдим. Мен бирон ишни қила олмаганимда Аҳура Мазда менга ёрдам берди”.

Аҳамоний Форс давлатидан бизгача етиб келган диний хужжатлар ичида муҳимларидан бири бўлган ушбу хужжат олимлар ўртасида кўплаб баҳсларга сабаб бўлди. Бу баҳслар “Бразман” атамасининг маъноси (В.В.Струве буни “муқаддас олов” деб қиласди, битиклар ёзилган санани эрамиздан аввалги 485 йил деб кўрсатади) ва Ксеркс диний сиёсатининг зардуштийлик билан бевосита алоқадорлиги ҳақида эди.

Юқорида эслатилган битикда яна бир характерли маълумот бор: “Аҳура Мазданинг иродаси билан мен бу мамлакатларни мағлуб қилдим ва ҳаммасини ўз ўрнига қўйдим. Бу мамлакатларда аввал девлар иззат-хурматда эди. Кейин мен Аҳура Мазданинг иродаси билан бу девлар маконини яксон этдим ва “Девлар хурмат қилинмасин!” деб мурожаат қилдим...”<sup>13</sup>

Гап бу ерда, афтидан, Эрон ва чет эллардаги бошқа культ объектларини бузилиши ҳақида гап кетяпти. Ҳақиқатан ҳам, у Зардушт рад этган Митра, Анахита ва бошқа қадимги Эрон худолари ибодатхоналарини вайрон этади.

Эрамиздан аввалги V асрда Форс империясига ташриф буюрган Херодотнинг гувоҳлик беришича, Ксеркс оламдан ўтгандан

Avesta diliinin olıfbası

(hərflərin yazılışı və qəbul olunmuş oxunuşu)

Saitlar

1 <b>a</b>	2 <b>æ</b>	3 <b>ɛ</b>	4 <b>œ</b>	5 <b>ɔ</b>	6 <b>ʌ</b>	7 <b>ɒ</b>
8 <b>ə</b>	9 <b>ɪ</b>	10 <b>ʊ</b>	11 <b>i</b>	12 <b>ɪ</b>	13 <b>u</b>	14 <b>ʊ</b>

Samitler

15 ♀ k	16 ♂ x	17 ♂ g	18 ♂ γ	19 ♂ c	20 ♂ j	21 ♂ t
22 ♂ 9	23 ♂ d	24 ♂ δ	25 ♂ t	26 ♂ p	27 ♂ f	28 ♂ b
29 ♂ w	30 ♂ n	31 ♂ y	32 ♂ y	33 ♂ m	34 ♂ nm	35 ♂ y
36 ♂ y	37 ♂ v	38 ♂ v	39 ♂ r	40 ♂ s	41 ♂ z	42 ♂ s
43 ♂ s	44 ♂ s	45 ♂ ž	46 ♂ h	47 ♂ h	48 ♂ x	


## *Liqaturalar*



49 ~~800~~ \$1

50 **WU** ŠČ

51 *we ſa*

## Fargard 1.





сўнг ҳам маҳаллий худоларнинг эхромлари қайта тикланмаган.

Ксеркснинг диний ислоҳоти Аҳамонийлар ҳокимияти айни қудратга тўлган пайтда, форс армиясининг Грецияга ҳужум қилиб бутунлай тор-мор бўлишидан ва натижада унинг аста-секин таназзулга юз тутишидан беш йил аввал амалга оширилганди<sup>14</sup>.

Нима бўлганда ҳам Ксеркс ислоҳоти ягона марказлашган динни жорий этиш йўлидаги жуда улкан қадам эди.

Ксеркс нақадар қудратли бўлмасин, барибир ўз диний ислоҳотини Зардушт орзу қилган даражага олиб чиқа олмади.

Шундай қилиб, Зардуштнинг ҳомийси бўлган Виштасп тимсолида подшоҳ Ксеркс (Доро ибн Доро) бўлган.

### АДАБИЁТЛАР:

1. Сагдуллаев А., Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда, Т., 1996, 46-бет.
2. История Древнего Востока, М., 1988, стр. 280.
3. Кўрсатилган асар, 280-бет.
4. Ртвеладзе Э.В., Сайдов А.Х., Абдуллаев Е. В., Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар, Т., 2001,224-бет.
5. История Востока, Т. I., Восток в древности. М., 2002, стр. 281.
6. Беруний, Танланган асарлар, I т., 1968, 238-бет.
7. Кўрсатилган асар, 238-бет.
8. Навоий, Муқаммал асарлар тўплами. 16-том, Т., 2000, 211-бет.
9. Навоий, Тарихи анбиё ва ҳукамо, Самарқанд, 1990, 124-бет.
10. Войцеховский А.И., Загадки древних святынь. М., 2005, стр. 306.
11. Емельянов В.В., Ритуал в древней Месопотамии. Санкт-Петербург, 2003, стр. 32.
12. История Востока, Т. I. Восток в древности, М., 2002, стр. 310.
13. Берзин Э.О., Зардустийлик нима, Т., 1972
14. Кўрсатилган асар.

## “АВЕСТО” ВА ЗАРДУШТ

“Авесто” қадимги Ўрта Осиё, Эрон, Кавказ, Афғонистон, Россия, Болтиқбўйи республикалари халқлари тарихи, географияси, тили, дини ва ҳқ.га доир нодир ва қимматли маълумотларни ўз ичига олган қомусий асардир.

Қадимда тил ривожи, сўз бойлиги ва умумий маданият, мулоқот доираси, фаол маълумотлар, инсоният тажрибаси авлоддан-авлодга етказиб берилган. Айниқса, халқ оғзаки ижоди – фольклор намуналарини хотирада сақлаш, мифларни кунма-кун тақрорлаш анъанаси мавжуд бўлган<sup>1</sup>. Антик давр педагогикаси талабларидан бири ҳам қабила мифлари ва оғзаки ижод намуналарини тўлиқ ўрганиш ва ёд олишни талаб қилган.

Шу нуқтаи назардан, Зардушт ҳам бундан мустасно эмас. Халқ бойлиги ҳисобланмиш “Авесто” талқинини ҳам у ёддан билган.

“Авесто” билан Зардушт шахси ва даври ўртасида ҳеч қандай боғлиқлик жиҳати йўқ. Чунки улар ўртасини катта сферик замон оралиғи ажратиб туради.

Лекин шу нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, айнан Зардушт биринчи марта “Авесто”ни таҳrir қилди, унга замонга мос тузатишлар киритди, энг муҳими, уни ўз қўллари билан кўчириб, келгуси авлодларга катта маънавий бойлик қолдиришга эришди.

Хўш, Зардушт “Авесто”га қандай тузатишлар киритди?

“Яшт”, “Ясна”, “Вандидод” ва бошқа асарларда бот-бот Зардуштнинг исм-шарифи қайд қилинган. Асосан, Аҳура Мазда билан Зардуштнинг савол-жавоби, шунингдек, унинг Ахриман билан баҳси жой олган. “Яшт”да тоғлар, дарёлар ва қўллар ўша пайтда қандай аталган бўлса, шундайлигича қолган. Шу билан бирга “Яшт” ва “Вандидод” китобларидағи орийлар истило давомида қўлга киритган мамлакатлар ва ўлкалар рўйхати ўзгаришиз қолдирилган.

“Яшт”, “Ясна” китобларидан маросимларда айтиладиган қўшиқлар, худолар мадҳиялари жой олган. Айниқса, “Ясна”даги 17-бобда Зардуштнинг ўзига нисбат бериладиган Готлар алоҳида ўрин тутади.

“Авесто”нинг, асосан “Готлар” ва “Яшт” китоблари шеър билан битилган. Шеърий мисралар ҳижоларнинг миқдори прин-

ципи асосида тузилган. “Яшт”, асосан, 8 (баъзан 10 – 12) хижоли мисралардан таркиб топган.

“Авесто” шеърларида хижоларнинг миқдоридан ташқари, ургу ҳам маълум аҳамиятга эга бўлган<sup>2</sup>. Машхур тилшунос Е.Д. Поливанов ёзув назарияси ва тарихини синчилаб ўрганаар экан, ўзбек тилидаги шеърнинг ўзига хос томонларидан бири қадимги икки кутбли ургу билан боғланганини кўрсатди<sup>3</sup>. Кофия эса мисраларнинг охирида эмас, балки (ҳатто кўпинча) мисраларнинг боши ва ўртасида қўлланилган<sup>4</sup>.

Ана шундай ички қофия ҳалқ ижодининг муҳим хусусиятларидан бири саналади. Ички қофия байт охирида келадиган асосий қофиядан фарқ қилиб, мисраларнинг боши ва ўртасида бўлади. Ички қофия шеърнинг мусиқийлигини, жарангдорлигини оширади, ҳар ярим мисрадаги фикрга маҳсус ритмик-маникӣ ургу бағишлайди, энг муҳими, шеърнинг хотирада тез ва осон сақланиб қолишини таъминлайди. Ички қофия билан шеър ёзиш шоирдан катта маҳорат талаб қиласди.

А. Навоий “Авесто” мазмунидан боҳбар бўлган. Фирдавсий “Шоҳнома” асарида ёзишича, подшоҳ Жамшиднинг бир сопол жоми бўлиб, унга қараса, бутун воқеликларидан воқиф бўлади. Ана шу мотив шоирнинг юзлаб ғазалларида ўз ифодасини топган. Айниқса, Жамшидга адолат, яхши ҳаёт, идеал баҳт тимсоли сифатида қарайди. “Авесто”да айтилишича, афсонавий Жамшид ҳукмронлик қилган замон идеал давр бўлган.

А. Навоий ҳам ана шу идеал баҳт гояси ва одил шоҳ тимсоли-ни ўзининг “Садди Искандарий” достонидаги Искандар қиёфа-сида мужассамлаштириди<sup>4</sup>.

Нафақат бу, балки мумтоз адабиётга ворислик қилиш баҳти ҳам А.Навоий ҳазратларига насиб қилган. Мисол сифатида ички қофия мисраларнинг боши ва ўртасида қўлланишини ҳам шоир ижодида кузатамиз:

Жондин сени кўп севармен, эй умри азиз,  
Сондин сени кўп севармен, эй умри азиз.  
Ҳар неники севмак андин ортуқ бўлмас,  
Ондин сени кўп севармен, эй умри азиз<sup>5</sup>.

Ёки бўлмаса:

Чаман сарви қолиб ҳайрон, менинг сарвим қилиб жавлон,

Анинг шайдоси бир дехқон, мунга шайдо бари олам...<sup>6</sup>

Қофияда халқ достонларидаги нафақат шеърлар, балки настрий парчалар ҳам ички қофия билан безатилган.

“Барчин отнинг жиловидан ушлаб, кўнглини хушлаб, Қоражонни меҳмон қила бошлади, остига либосни ташлаб, зиёфатга бир қўйни сўйди, гўштини осиб, шўрвасига ҳам тўйди, гўштини пишириб, корсонга солиб, Қоражоннинг олдига олиб қўйди”<sup>7</sup>.

“Авесто”да ёзилишича, Йима (Жамшид) подшоҳлик қилган “олтин” даврда дунёда баҳтли ҳаётнинг ривожланиши юқори дарражага етган; мамлакат гуллаб-яшнаган, ҳеч қандай касаллик ва ўлим бўлмаган.

Олтин давр ҳақидаги хотиралар турлича бўлган манбаларда эсланади.

Хўш, Олтин давр ҳақиқатан ҳам ҳаётда бўлиб ўтган воқеликми ёки инсоният ўтмишидаги шунчаки “сехрли олам” проекциясими?

Ҳақиқатан ҳам Олтин давр бўлган. А.Ф.Лосевнинг айтишича, мифик воқелик ҳақиқатда ҳам ҳаётда содир бўлган воқеликдир<sup>10</sup>.

Мифологик тилсимни очиш учун тарихга мурожаат қиласиз. Фанда, асосан, яхши ўрганилган Жанубий Туркманистондаги мил. ав. IV минг йилликнинг ўрталаридан то III минг йиллик охирларигача фаолиятда бўлган Олтинтепа маданияти тарихи материаллари жуда характерлидир. Бу даврлардаги олтинтепаликлар ҳаётига ҳавас қилиб бўлмайди. Гап шундаки, антрополог Т.П.Кияткинанинг хисоби бўйича, бу аҳолининг ўртacha умр кўрсаткичи, бор-йўғи, 23 ёшга тўғри келган (аёллар – 35, эркаклар – 36). Уч ёшгача бўлган болалар ўлими нихоятда юқори бўлган. Аҳолининг аксарияти тиш кариесидан азобланган; ўрганилган суюклар орасида бош чаноги касалликлари оммавий бўлган; кўпинча суюк билан боғлик, айниқса, қовурға касалликлари кўпчиликни ташкил қиласиз. Бир сўз билан айтганда, баҳтли “олтин аср” ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Яна бир маълумот: Енисей бўйларида мил. ав. III минг йилликнинг охирларига оид қабрлар очиб ўрганилган. Европеоид ирқига мансуб бу одамларни археолог С.А.Теплоухов Афанасьев тоги шарафига “афанасьевчилар” деб атаган. Афанасьевчиларнинг ўртача умр кўрсаткичлари 40-50 ёш атрофида бўлса-да, қабрлардан топилган мурдалар ичидаги 50-60 ёшни кўрган кишилар жуда кўп бўлган<sup>12</sup>.

Мазкур умр кўрсаткичлари ўша пайтларда жуда катта, етиб бўлмас чегара бўлган. Худди шу ҳолатлар “касаллик ва ўлимнинг бўлмаслиги” тўғрисидаги мифологик талқинни яратилишига асос бўлиб хизмат қилган.

Бунинг устига, ўша пайтларда ҳаво ва сувнинг тозалиги, экологик муҳитнинг соғлиги умрнинг узайишига сабаб бўлган.

“Авесто”даги “Сурувлар, тевалар уюри, одамлар заминга сифмай қолиши” деган жумла ўзига хос ўша давр демографик ҳолатини – аҳоли сони тез суръатлар билан ўсишини, касаллик ва инсон ҳаётига хавф солиши мумкин бўлган бошқа ҳолатларнинг барҳам топишини билдиради.

Жамшид бостириб келаётган қаҳратон қиши ҳақидаги Ахура Мазданинг огоҳлантиришини ва ундан барча тирик жонзодлар, ўсимликларни сақлаб қолиш ҳақидаги кўрстмасини олади. Шунга амал қилиб, квадрат шаклдаги ер ости ҳимоягоҳлари – Варлар қуради ва тирикликни қаҳратондан сақлаб қолади.

Буни ҳам фан маълумотлари тасдиқлайди. Ўша пайтларда ёк орий ҳалқлари ўзлари яшаган ўлкаларда ибтидоий архитектуранинг ажойиб намуналарини яратганлар. 1940 – 50-йиллардаги текширишлар натижасида Марказий Қозоғистондан 30 га яқин турар-жой қолдиқларини топилиши фикримизнинг далилидир. Буғули, Улугтов тоғларидан, Сарисув, Отасув, Совуқбулоқ дарёлари водийлари ва бошқа жойлардан топилган ибтидоий биноларнинг қолдиқларидан кулбалар тўғри тўртбурчакли қилиб, ертўла ва ярим ертўла тарзида қурилганлиги аниқланди. Харсанглар йўнилиб, уларга девор қилинган<sup>14</sup>.

Мана бу маълумотлар ҳам жуда характерлидир. Чорва учун қаттиқ қишида сақланадиган маҳсус бинолар талаб қилинган. Ҳақиқатан ҳам мил. ав. II минг йилликка оид худди шундай қишлоғ иншоотларининг Мало-Красноярскда ва Қозоғистонда (Алексеевск макони) қолдиқлари топилган<sup>15</sup>.

“Олтин давр”, афтидан, орийлар тарихидаги мил. ав. III – II минг йилликлар даврида бўлган.

Ва ниҳоят, “Видевдат”да санаб ўтилган мамлакатлар ва ундағи Зардуштнинг Ахиман билан баҳсида замонга мос равища тўғриланган, шарҳланган.

Маълумки, “Авесто” географик талқинларида нафақат орийлар истилолари, балки шу истилолар даврида тегишли “мамлакат”да рўй берган муҳим ижтимоий-географик маълумотлар

мифологик тил билан баён қилинган. Масалан, Аҳура Мазданинг Чахра вилоятини яратиши хусусида гап борар экан, шунда Ахриманнинг “мурдор ёққувчилар”нинг кечирилмас гунохини яратгани айтилади. Ёки бўлмаса, Ҳаравята вилоятини яратиш хусусида гап кетганда, Ахриман келиб “мурдаларни тупроққа топширишдек” кечирилмас гунохни яратгани эслатилади.

Бунда қандай маъно мавжуд? Маълумки, инсоният, шу жумладан, орий халқлари ҳам қадимдан мурдаларни дағн этишнинг турли шаклларидан фойдаланиб келганлар. Чунончи, марҳумларни маҳсус гулханда куйдиргандари ҳам бўлган. Археологлар мил. ав. XV – XIII асрларда Қозогистон ҳудудида Андронов маданияти аҳолиси яшагани, айниқса, улар ичидаги алакулчилар ва феодоровчи қабилалар ўзига хос удумларга эга эканини аниқлагандар. Масалан, алакулчилар мурдани ерга кўмган бўлса, феодоровчилар ёққан<sup>16</sup>. Шунингдек, ўша пайтда Марв вилоятидаги мил. ав. II минг йилликнинг иккинчи ярмига оид Тоҳирбой-З қабристонида марҳумлар қабрларга ёнбош ёки чалқанча ётқизилган ҳолда; 2-жасад ярим куйдирилиб, чалқанча ётқизиб кўмилган<sup>17</sup>. Худди шунингдек, археологлар мил. ав. II минг йилликка оид қазиб олинган гўрлардан аксариятида жасадлар ўнг ёки чап ёни билан ёнбошлатиб, ғужанак тарзда кўмилганини аниқлагандар<sup>18</sup>.

Қаралаётган даврда Мари (Марғиёна) вилояти Ҳаравята вилоятига қарашли бўлган. Айнан, ана шу вилоятларда Зардушт давригача мурдаларни ерга кўмиш ва ёқиши анъаналари мавжуд бўлган. Зеро, марҳумнинг жасади ҳаром саналгани учун уни ерга кўмиш ёки куйдириш гуноҳ саналган. Шу сабабдан ҳам, “Авесто” матнларига Зардушт қўшимча муносабат билдириган.

Шундай қилиб, “Вандидод”нинг ҳар битта банди керакли жойларда замонга ва ўз диний таълимотига биноан мос равища тўғриланган ва изоҳланган.

Булардан ташқари, Вандидод “Авесто”нинг ҳақиқий юридик компендиуми ҳисобланади<sup>19</sup>. Чунки уларда Зардушт замонининг ижтимоий-сиёсий ва хуқукий тусдаги ғоялари мужассамлашган.

### АДАБИЁТЛАР:

1. Колесников Л. Ф., Турченко В. Н., Борисова Л. Г., Эффективность образования, М., 1991, стр. 16.

2. Маллаев Н., Ўзбек адабиёти тарихи, Т., 1972, 71-бет.
3. Усмонов С., Умумий тилшунослик, Т., 1972, 122-бет.
4. Маллаев Н., Ўзбек адабиёти тарихи, Т., 1972, 71-бет.
5. Ҳакимов М., Алишер Навоий лирикаси ва халқ ижоди. Т., 1979, 12-бет.
6. Навоий, Ғаройиб ус-сифар, Т., 1988, 572-бет.
7. Навоий, Фавойид ул-кибар., Т., 1960, 425-бет.
8. Адабиёт хрестоматияси, 8-синф учун, Т., 30-бет.
9. “Вандидод”, 2-фаргард.
10. Тираспольский Л., Золотой век, М., 1995, стр. 23.
11. Шишгин И.Б., У Великой Намазги. М., 1981, стр. 178 – 179.
12. Вадецкая Э.Б., Сказы о древних курганах, Новосибирск, 1981, стр. 50 – 51; 57.
13. “Вандидод”, 1-фаргард.
14. ЎзСЭ, 4-том, 523-бет.
15. Мартынов А.И., Археология СССР, М., 1973, стр. 111.
16. Абильев А.К., Евдокимов В.В., Казахстан в древности, Караганда, 1991, стр. 29.
17. ЎзСЭ, 11-том, 276-бет.
18. Муҳаммаджонов А., Қадимги Бухоро, Т., 1991, 23-бет.
19. Ртвеладзе Э.В., Сайдов А.Х., Абдуллаев Е.В., Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар, Т., 2001, 216-бет.

### **Зардушт космогоникаси**

Зардушт олам пайдо бўлишидан то ўзи юзага чиққунча чорак кунлар қўшилиб, 3 минг йил ўтди, деб даъво қилган. Шундан келиб чиқиб, зардустийлар дунё ривожланишини 12 минг йил – ҳар бир даври 3 минг йиллик 4 босқичдан иборат деб тасавур қилганлар.

Қизик, нега энди айнан 12 минг йил! Бу, афтидан, 12 рақами-нинг кўплик, мукаммаллик ва яхлитлик рамзи сифатида тушу-нилгани билан боғлиқ бўлса керак. Ўлчов бирликларининг миқ-дорий белгиси сифатида инсон фаолиятида муҳим роль ўйнаган бу рақам секин-аста диний ақидалар мазмунига кириб борган кўринади. Лекин бошқача бўлиб чиқди.

Биз бу масалада дунёнинг қадимги халқлари тақвимлари локал варианtlарининг қиёсий-таҳлилий натижаларини қараб чиқдик. Бу ердаги зардустийликдаги 12 минг рақамли анъана-вий миқдор белгиси юқоридаги ҳолатларга биноан шунчаки ях-литланиб олингани, аслида эса, бундан кам бўлгани аниқланди; шунингдек, бизда шу пайттacha мифологик мазмунда деб қараб келинган қадимги тақвимлар нафақат халқнинг кўп асрлик фе-нологик ва экологик тажрибаларини ўзида акс эттирган, балки осмон жисмлари ҳаракати билан боғлиқ чуқур илмий кузатув-ларга асослангани ҳам ойдинлашди.

Эътибор беринг:

Қадимги фенологик Миср тақвими ҳар бири 1460 йиллик циклдан иборат бўлган; ушбу циклардан бири мил. ав. 1322 йилда тугаган; унга ортдаги 7 цикл йиғиндисини қўшсак, унда мил. ав. 11542 йилни ҳосил қиласиз;

Қадимги Оссурия тақвими ҳар бири 1805 йиллик ой цикли-дан ташкил топган; улардан биттаси мил. ав. 712 йилда тугаган; унга ҳам ортдаги 6 цикл йиғиндисини қўшсак, унда яна 11542 йилни ҳосил қиласиз;

Қадимги ҳиндларнинг 2850 йиллик цикли мифологик ой-қуёш тақвими, ҳиндларнинг “темир асри” (Калиюг эраси) мил. ав. 3102 йилда бошланган; бунга ҳам ортдаги 3 цикл йиғиндиси-ни қўшсак, унда 11652 йилни ҳосил қиласиз;

Қадимги майаларнинг ҳар бири 2760 йилдан иборат бўлган ва мил. ав. 3373 йилдан бошланган тавимини ҳам ортдаги 3 дав-рийлик ҳисобидан натижаласак, яна мил. ав. 11653 йил ҳосил бўлади<sup>1</sup>;

Қадимги хитойликларнинг мифологик тақвими мил. ав. 2637 йилдан бошланган ва 60 йиллик циклдан иборат бўлган; биз бунга ҳам 150 йил цикл йиғиндисини қўшсак, унда мил. ав. 11637 йилни ҳосил қиласиз;<sup>2</sup>

Қадимги японларнинг ҳар қайси 60 йиллик циклдан иборат бўлган ой-қуёш тақвими мил. ав. 660 йилдан бошланган; бунга ҳам ортдаги 183 цикл йиғиндисини қўшсак, мил. ав. 11640 йилни ҳосил қиласиз<sup>3</sup>.

Энди зардустийлик тақвимини шу тахлит шакллантиришга ҳаракат қиласиз. Қадимги зардустийлар тақвими ҳар бири 3000 йиллик циклдан иборат бўлиб, мазкур цикллардан бири мил. ав. 2516 йилда тугаган; агар унга ҳам ортдаги 3 цикл йиғиндисини қўшсак – мил. ав. 11516 йил ҳосил бўлади.

Кизиқ, нега миқдорларнинг бундай параллелизми ҳосил бўляпти? Шу соҳа бўйича етук мутахассис бўлган рус олими А.Войцеховскийнинг фикрича, бир-биридан мустақил ҳолда тузилган ва турли даврларнинг маҳсулни бўлган тақвимларнинг амалий жиҳатдан бир хил вақтга тўғри келиши, умуман, мумкин бўлмаган ҳолатdir. Бутун дунё миқёсидаги қандайдир кутилмаган табиий ҳодиса сабабчи бўлган.

Дарҳақиқат, қадимги ёдгорлик материалларининг кўрсатишича, қадимда 12 минг йиллар аввал Атлантида номли юксак ривожланган цивилизация йўқ бўлиб кетган. Бу ҳодисанинг сабабчиси Галлей кометасининг сайёрамиз яқинидан учеб ўтганидир. Натижада Бутун дунё сув тошқинлари, вулканлар ва ёнгинлар, зилзилалар содир бўлган; охир-оқибат Ернинг қутбларининг ўзгариши (инверсия) рўй берган. Дунё фауна ва флорасининг аксарият қисми қирилиб кетган<sup>4</sup>.

Ер сайёраси ўз орбитасини бошқасига алмаштиргач, янги тақвимларни ишлаб чиқиш замон талаби бўлган, эскилари эса бирданига яроқсиз ҳолатга тушиб қолган.

## АДАБИЁТЛАР:

1. Феномен: Альманах, посвященный явлениям удивительным и пока необъяснимым – М., 1989, стр. 64.

2. Календарные обычай и обряды народов Восточной Азии, Годовой цикл, М., 1989, стр. 32.

3. Кўрсатилган асар, 171-бет.

4. Войцеховский А.И., Загадки древних святынь, М., 2005, стр. 378.

## ХУЛОСА

Орийлар тарихи – умумжаҳон халқлари тарихига молик масала. Орийлар Хиндиштон, Россия, Европа, Скандинавия мамлакатлари, Олд ва Ўрта Осиё, шунингдек, Мўғулистанда бир қанча тараққиёт йўлларининг турли даврларда содир бўлганлигига ўз ифодасини топди.

Қадимги орий қабиласи тарихи бўйича изчил изланишлар олиб борган жаҳон тарихчилари назарий асос сифатида турфа таълимотларга суюнди. Натижада орийлар жамиятининг формацион мақоми хусусида ўнлаб турли-туман “назария”лар илгари сурилди. Жумладан, узоқ вақт хукм суриб келган “тарихий жараёнларнинг даврийлиги” назарияси, жамият тараққиёти меъёrlарини белгилашнинг “европоцентризм” принципи, “Шарқнинг азалий қолоқлиги” ҳақидаги машъум назария ва бошқа шунга ўхшаш нотўғри концепциялар тарихни ҳаққоний, объектив ёритишга халақит берди.

Афсуски, ушбу масала тарих фанида батафсил тадқиқ қилинган эмас. Тўғриси, неолит жамиятининг типологик хусусиятлари етарлича ўрганилмаган.

Орийларнинг миграцион тўлқини шу билан характерланадики, улар биринчи бўлиб, Атлантикандан Хинд океанингача бенихоя улкан сарҳадга Хинд-европа тилларини ёйди; орий тили ва адабиёти кўз олдимиизда мифологик ривожининг эндиғина тетапоя қадамларини ташлаётган даврнинг тизимли ва ёрқин манзарасини намоён қилди<sup>185</sup>.

Қадимги Турон дини генезисининг мифологик талқини бутун Европани мафтун этди; юононлар Турон дини орқали ўз худоларини таниди; рус олими Н.Г.Чернешевский қўйидагича ёзган эди: “Гомернинг кўшиқлар туфайли юон динининг янги даври бошланди, бошқача айтганда, янги дин бошланди: Грек худоларининг қиёфаларини таниб, ҳар бир маъбуднинг хукмронлик даражасини, улар сифатларини билиб олдилар; Гомер бизгача етиб келган грек мифологиясининг отасидир. Илгари худолар бошқача эди, уларнинг аҳамияти ҳам бошқача эди ва

<sup>185</sup> 1. Тэйлор Э.Б., Первобытная культура, М., 1989, стр. 128.  
2. Чернишевский Н.Г., Танланган педагогик асарлар.Т., 1989, 25-бет.  
3. “Авесто”, Т., 2015, 12-бет.  
4. Аширов А., Ўзбекхалқинингэътиқодвамаросимлари. Т., 2007, 221-222-бетлар.

чамаси, диннинг мутлоқ руҳи ҳам боинча эди”<sup>2</sup>.

“Авесто” ўзининг маънавий ахлоқий қарашлари билан бир неча минг йиллик кишилик тараққиётida цивилизациявий таъсир кўрсатган, бутун борлиқ, мавжудот, жумладан, инсон моҳияти билан боғлиқ бўлган буюк қадрият саналган<sup>3</sup>.

Орийлар тарихи ва “Авесто”ни ўрганиш ишига бир қанча чет эллик ва маҳаллий олимлар сезиларли хисса кўшди. Улар орасида М.Мюллер, Х.Бартолеме, Э.Кресте, В.В.Бартольд, Е.А.Бертельс, И.С.Брагенский, М.Бойс, В.В.Струве, М.Дьяконов, Б.Г.Фафуров, А.О.Маковельский, А.Лелеков, Н.Маллаев, А.Қаюмов, А.Сагдуллаев, Ф.Сулаймонова, А.Аскаров, А.Ирисов, Э.Ртвеладзе, А.Сайдов, Е.Абдуллаев, Э.О.Берзин, С.Ҳасанов, М.Қодиров, Т.Махмудов, М.Усмонов, Ф.Бойназаров, М.Исоқов, Х.Хомидий, Н.Жўраев, Т.Мирзаев, М.Жўраев ва ҳ.нинг номларини фаҳр билан тилга олса арзиди.

Ушбу тадқиқотда биз қадим орийлар тарихи бўйича мавжуд маълумотларни тўплашга, таҳлил қилишга ҳаракат қилдик. Айниқса, “Авесто” мифологияси семантикасининг айрим муаммоларига бағишлиланган изланишлар олиб борилди.

Албатта, барча масалаларга ойдинлик кирита олдик, дейиш фикридан йироқмиз. Келгуси тадқиқотлар, яна-да таҳлилий йўналиш тусини олади, деб умид қиласиз.

Кўпчилик мутахассислар миллий мафкурамизнинг асосий илдизлари ҳақида сўз юритганда энг қадимги ёдгорликлар – ўзбек халқи оғзаки ижоди намуналари, Ўрхун-Энасой битиклари, буюк ислом динининг улуғ қадрият сифатида таърифлайди. Бу буюк қадриятлардан бир неча минглаб йиллар олдин юзага келган халқимиз тарихи, маданияти ҳам мавжуд. Шак-шубҳасиз, бу тарихнинг ўрганиш ҳам, тадқиқ қилиш ҳам ўзбек миллий мафкурасини барпо қилиш жараёнига хизмат этиши шубҳасиз.

“Ўзбек халқ анъанавий турмуш тарзи, тарихий-этнографик хусусиятлари, миллий маданияти, тафakkur-ментал хусусиятлари илмий асосда ўрганиш жараёнида зардуштийлик динининг айнан Ўзбекистон худудида вужудга келгани, қолаверса, ушбу диннинг эронийзабон халқларгина эмас, туркий халқлар, шу жумладан, ўзбеклар маънавий дунёқараси шаклланишида асосий омил бўлганига амин бўлдик. Ўзбеклар оила, турмуш маросимларининг кўпчилиги мазмун-моҳиятига кўра зардустийлик дунёқараси билан вобасталиги ҳам халқимизнинг минтақага хос қадимий цивилизацияга ва қомусий-диний, этнографик-фалсафий асар-“Авесто”га ворислигини тасдиқлайди”<sup>4</sup>.

Бу тарихий анъаналар давом этаётганини яна бир бор тасдиқлайди. Демак, қадимги орийлар тарихини тадқиқ қилиш амалда ўзбек миллий мафкурасини барпо қилиш жараёнига ҳам хизмат қиласи.

**Зиёвуддин ҚҰЗИЕВ**

**«АВЕСТО»:  
ЗАМОН ВА МАКОН  
МУАММОСИ**

Мұхаррір: Наргиза Ахмедова

Рассом: Шұҳрат Одилов

Сақыфаловчи: Дилмурод Жалилов

Мусаққих: Алишер Рўзиматов

Нашриёт лицензияси: № AI № 239 04.07.2013

Босишга 2018 йил 8 ноябрда рухсат этилди.

«Cambria» гарнитураси. Бичими 60x84 1/16.

Хажми 7.75 ш.б.т. Адади 400 нусха.

Буюртма № 55.

“Адабиёт учқунлари”. Тошкент шаҳар, Ўқчи кўчаси 109 уй.

МЧЖ «SHIDASP» матбаа корхонасида чоп этилди.

Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани,

Тахтапул Дарвоза кўчаси, 344-уй.



13000



Зиёвуддин Қўзиев 1956 йил 5 майда Навоий вилояти, Хатирчи туманининг Сангижумон қишлоғида таваллуд топган.

Ҳозир нафақада.

Шоир, журналистик фаолият билан ҳам шуғулланади.

Асарлари: шеърлари, мақолалари, очерклари республиканинг кўплаб нашрларида босилган.

Иккита китоби чоп этилган.

Кўп йиллар мактабда директорлик қилган.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси.

ISBN 978-9943-5286-2-8

A standard barcode representing the ISBN number 978-9943-5286-2-8.

9 789943 528628